



БИЗ ЭЛГА СУЯНАМИЗ

Ички Ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Аваз САТТОРОВ билан суҳбат

— Аваз ака, мана, юртимиз тинч, элимиз хотиржам. Албатта, бунда сизларнинг - ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати беқийс. Фурсатдан фойдаланиб ўтган йилда олиб борган фаолиятларингиз ҳақида икки-уч оғиз сўзлаб берсангиз.

Ўтган 2003 йил биз учун қизгин фаолият, салмоқли ютуқлар йили бўлди десак муболаға бўлмас. Аввало шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ҳамда 2002 йил 16 майдаги “Милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йил мобайнида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шу ижобий ишлар натижаси ўлароқ айни кунда аҳолига хизмат кўрсатиш қулай бўлган жойларда ташкил этилиши режалаштирилган 3400

та милиция таянч пунктларидан бугунги кунда 3392 таси ёки 99,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Милиция таянч пунктларининг 1675 таси вилоят ва туман марказларидан анча узоқда бўлган энг чекка қишлоқ ва овулларда, 259 таси эса Республикамиз чегара ҳудудларида жойлашган маҳалларда барпо этилган бўлса, 88 таси одамлар бориши қийин бўлган олис тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатмоқда.

Милиция таянч пунктларининг 2787 таси телефон алоқаси билан, 167 таси енгил автомобиллар билан, 63 таси компьютерлар билан таъминланди. Бу саъй-ҳаракатларнинг, яратилаётган шароитларнинг самараси яхшигина сезилиб турибди, албатта.

Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида 2003 йил мобайнида 2002 йилга нисбатан республикада барча йўналишлар бўйича содир этилган жиноятлар милициянинг ташаббуси билан аниқланган ҳолатлар ҳисобига 77199 дан 78925

га ёки 2,24 фоизга кўпайган бўлсада, лекин жиноят турларидан оғир жиноятлар 13776 дан 12716 га, ўта оғир жиноятлар эса 6963 дан 6489 га камайди.

Жиноят қидирув йўналишида содир этилган жиноятлар 57015 дан 56670 тага ёки - 0,61 фоиз, оғир ва ўта оғир жиноят турларидан қасддан одам ўлдириш - 8,98 фоиз, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш - 5,61 фоиз, босқинчилик - 2,74 фоиз, талончилик - 12,42 фоиз, ўғирликлар - 13,20 фоиз кам содир этилиши қайд этилди.

Профилактика инспекторлари томонидан ўз вақтида профилактик огоҳлантирув тадбирлари олиб борилганлиги натижасида муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган тақрорий жиноятлар - 2,87 фоизга, маст ҳолда содир этилган жиноятлар - 4,65 фоизга, жамоат жойида содир этилган жиноятлар - 5,02 фоизга, кўчаларда содир этилган жиноятлар - 4,81 фоизга камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, ҳукумат қарорлари, Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ўқув машғулоти ўтказилиб, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билим савиялари юксалтирилганлиги сабабли хизмат фаолияти самарадорлиги оширилиб, улар томондан фош этилган жиноятлар 17953 дан 18285 га, жамоатчилик ёрдамида очилган жиноятлар эса 5136 дан 5431 га кўпайди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, муҳтарам Президентимизнинг “Бу ўта муҳим масалага жиддий қарамоқ керак. Йил якуни бўйича намунали таянч пунктлари орасида конкурс-кўргазма ўтказилсин ва ушбу хизмат фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин”, - деб билдирган муносабатига асосан ҳар йил якунида милиция таянч пунктлари орасида конкурс-кўргазма ўтказилиб борилмоқда.

2003 йилнинг ноябр ойида шаҳар-туман, декабр ойида вилоят миқёсида, 2004 йилнинг 22 январь куни эса республика якуний босқичи ўтказилди.

Республика Конкурс-кўргазмаси Ички ишлар, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Республика Оқсоқоллари кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Хотин-қизлар, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмиталари, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси раиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди. Танлов ғолиблари “фахрий ёрлик”, хизмат автомашиналари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Бу ҳам бўлса хизмат кўрсатган иззат ҳам кўришини, халқимиз астойдил меҳнат қилган, эл-юртга садоқатли фарзандларини муносиб тақдирлай билишидан дарак беради.


— **Маҳалла-қуйнинг ҳуқуқ-тартибот хизматчиларига муносабати қандай? Улар сизлар билан ҳамкорлик қилишга, кўмаклашишга шайми?**

Албатта, биз элга суянамиз. Оддий фуқароларнинг қўллаб-қувватловисиз, кўмагисиз ҳеч бир ютуққа эришолмаймиз. Демакки, биз ўтган йил мобайнида талай мувафаққиятларга эришган эканмиз, бу аҳолининг, маҳалла-қуйнинг самимий, хайрихоҳ муносабатини билдиради. Шу ўринда милиция таянч пунктларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари билан маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари, педагог - тарбиячилар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик натижасида республиканинг 1181 та маҳаллаларида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганини қувонч билан таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар кўмиталари яқиндан кўмак бериб келмоқда. Шунинг оқибатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган 7568 та Яраштириш комиссиялари томонидан 30379 та оила-турмуш доирасидаги мажороли масалалар кўриб чиқилиб, 16178 та оилаларда нотинчликларга барҳам берилди, 9928 та оилалар ажралиб кетишидан сақлаб қолинди.

Профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган 7410 “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларидаги 47824 нафар маҳалла посбонлари томонидан 92624 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди, улар ёрдамида 4929 та, бевосита посбонлар томонидан 1115 та жиноятлар фош этилди, посбонлардан 29968 та турли ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар олинди, маҳаллаларда паспорт тизими қоидаларини бузиб, ноқонуний яшаётган 21718 та шахслар аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

— **“Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул”, деган мақол бор. Бу ҳикматли гапни бевосита сизларнинг хизматларингизга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Яъни сизнинг раҳбарлигингиздаги ходимлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бевосита шуғулланади. Айтинг-чи, бугунги тинчлик-осойишталикда бошқармангизнинг салмоғи қандай бўлмоқда?**

Бош бошқармамиз ҳамда унинг қуйи тизимлари томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Шунинг натижасида 2003 йил мобайнида ички ишлар идоралари ҳисобида турган 179863 нафар шахс билан профилактик ишлар ташкил этилиб, уларнинг турмуш тарзи назорат остига олинди ва тарбиявий таъсир чоралари ўтказилиб борилди. Тузалиш йўлига кирмаган,



ҳуқуқбузарлик содир этишни давом эттираётган 10145 нафар шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши таъминланиб, уларнинг хатти-ҳаракатлари қаттиқ назорат остига олинди. Оила-турмуш муносабатлари доирасида мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслардан 19958 нафари аниқланиб, ички ишлар идоралари ҳисобига олинди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ушбу оилалар билан профилактик ишлар кучайтирилди. Ичкиликка ружу қўйган ва гиёҳванд касаллигига мубтало бўлган шахслардан 2989 нафари мажбурий тартибда даволаниш муассасаларига юборилди. Дайдиллик ва тиламчилик билан шуғулланиб юрган 35231 нафар шахс аниқланиб, “Иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахсларни ребилитация қилиш” Марказига юборилди. Ов қуроллини сақлаш қоидаларига риоя қилмаган 4901 нафар шахс аниқланиб, уларга нисбатан Қонунда белгиланган тартибда чора кўрилди. Профилактика инспекторлари томонидан маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида 82857 та учрашувлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида 7640 марта чиқишлар қилинди.

— *Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаб қайтганлар ва шунингдек, маҳалла, қишлоқлардаги бекорчи ёшлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 сентябрдаги 357 Ф-сонли ҳамда 1995 йил 31 июлдаги 318 Ф-сонли Фармойишлари асосида жойлардаги ҳокимликлар ҳузурида фаолият кўрсатаётган “Ижтимоий кўникма марказ”ларида 2003 йил мобайнида 12677 нафар шахс ижтимоий ва моддий масалаларда ёрдам сўраб мурожаат этишган. Уларнинг 11566 нафарига 280 млн. 286 минг 860 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилган, 8422 нафари ишга жойлаштирилган, касб-ҳунарга йўналтириш учун ўқитишга, даволанишга муҳтож бўлганларни касалхоналарга жойлаштиришда ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонида асосан 4909 нафар шахс жазони ижро этиш муассасидан бўшатирилган. Шулардан, 4387 нафари ижтимоий ва маиший масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилган. 2549

нафарига 77 млн. 746 минг 680 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилган. Қолганларига ҳам моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда, фармонга асосан жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилганларнинг 422 нафари сил касаллигига чалинганлиги учун улардан 223 нафари сил касалликлари шифохоналарига жойлаштирилган, 494 нафар вояга етмаганларнинг 475 нафари ота-оналарига топширилган, 9 нафари эса махсус ўқув таълим муассасаларига жойлаштирилган.

Республика бўйича фаолият кўрсатаётган 3392 та милиция таянч пунктининг 2186 таси атрофида вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли спорт анжомлари билан жиҳозланган майдончалар, 1844 таси атрофида турли факультатив тўғараклар 1858 таси атрофида эса ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида кичик бизнес шахобчалари ташкил этилган. 7339 та педагог-тарбиячилардан 6966 таси жамланиб, милиция таянч пунктлари атрофида ташкил этилган спорт майдончаларида ўсмирлар спортга жалб этилиб, турли оммавий спорт тадбирлари олиб борилаётганлиги ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ташкиллаштирилганлиги натижасида республикада вояга етмаганлар томонидан ёки улар иштирокида содир этилган жиноятлар 2906 дан 2856 га ёки - 1,7 фоизга камайишига эришилди.

— *Матбуот, хусусан, ёшлар нашрларига муносабатингизни билдирсангиз.*

Мен юқоридида оммавий ахборот воситаларида 7640 марта чиқишлар қилинганини эслаб ўтдим. Шу чиқишларнинг ярмидан кўпроғи даврий нашрларимиз, газета ва журналларнинг чекига тушади. Сир эмас, биз ҳамيشа матбуот томон интиламиз. Чунки матбуот, бу - кўзгу! Биз унга қараб ўз аксимизни кўраимиз. Хато ва камчиликларимизни тузатамиз, ютуқларимиздан қувониб, илҳомланамиз. Шу сабаб ҳам бизнинг хизмат тизимимизда обуна кенг миқёсда жорий этилган. “Ёшлик”, “Ёш куч”, “Туркистон” каби ёшлар нашрлари бизнинг ходимларнинг энг сеvimли, энг қадрдон нашрларидир. Биз ушбу газета ва журналлар билан алоқани жуда яхши йўлга қўйганмиз. Ўйлайманки, юрт тинчлик-осойишталигини сақлашдек умумий ишимизда ҳамкорлигимиз, ҳамфикрлигимиз ҳеч қачон узилмайди.

Сухбатдош: Л.Бўриев



Хуришид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири



ВАТАН БОРКИ,

Бир мизғиб турсам, баҳор кирибди,
Кейин ёз, кейин куз.
Кейин қаҳратон.
Қанча ухлаб турма, курагинг
Узилмайди ердан ҳеч қачон.

Кириб келмас фақатгина эрк...
Унинг учун уйғонмоқ керак...

1986

* * *

У ҳаммадан олдин ошиқди -
Даҳшатдан титраган бармоқларини
Кўйнига яшириб кўчага чиқди.

Чиқдию бўғзида тиқилиб қолган
Кўркувни бақирди - чўчиб уйғонди
Олис-яқиндаги барча кўрқоқлар...

1986

* * *

«Деворнинг қулоғи бор» - дейди кар одам...

1986


* * *

Туни билан безовта этди
Қора бўрон, даҳшатли бўрон.
У томларни учирар эди,
Далаларни айларди яксон.

Қанча даҳшат солмасин бўрон -
Улкан дарахт шоҳида бу он,
Уясида ухлаб ётарди
Ҳеч нарсани сезмай палапон...

* * *

Олис-олисларга кетмоқ истайман,
Ҳаволи жойларга, юксак жойларга.
Битта шеър... битта шеър битмоқ истайман -
Ўхшасин куздаги тўлин ойларга.



УММ ҚОР КЎКСАМДА...

Баҳорги қирларда чечак шивири
Шеърим сўзларини сенга етказсин,
Менинг армонларим, менинг дардларим
Сен кезган боғларни интизор кезсин.

Бир пайтлар сочларинг силаган шамол
Тунларнинг қаъридан ёнимга қайтсин.
Дарё бўйидаги сўнгги мажнунтол
Қирқ кеча дардимни сувларга айтсин.

Мен ҳам ўша дарё ордидан борай,
Бўлиниб-бўлиниб кетай сойларга.
Мен ҳам ўша сувлар ордидан борай,
Ҳаволи жойларга, ойдин жойларга.


Ўша олисларга етиб борсам мен -
Чеккан ҳасратларим тамом битарми,
Худди анордайн қалбим ёрсам мен -
Ўша битта шеърга қоним етарми?!...

2001

* * *

Дев тошларга суйансам,
Парча-парча бўлдилар,
Соя, дея суйансам,
Бор дарахтлар сўлдилар.





Чанқасам, дарёларнинг
Ўзани тўлди қумга.
Жон илондек типирлаб
Ўрмалади ҳалқумга.

“Ватан”, дедим - қон томди,
Тошлар бирдан уйғонди.
Шовуллади дарахтлар,
Дарё тошиб, тўлғонди.

1986

* * *

Юрак бордир кўксимда маним,
Юрагимда эса қайғу бор.
Қайғум аро бордир Ватаним,
Ватан борки, юрагим бедор.

Ватан борки, ишқ у кўксимга,
Ватан борки, ўч бор кўксимда.
Ватан борки, ҳаёт қилар маст,
Ватан борки, ўлим кўрқитмас...

1986

* * *

Табассуминг ёдимда ҳамон,
Ёдимдадир хандон кўзларинг.
Қулгуларинг эслайман, бу он
Унутилган ёлғон сўзларинг.

Атиргулнинг баргидай қирмиз,
Алвон эди табассуминг ҳам.
Эй кўзлари хандон урган қиз,
Наҳот қолди сендан фақат ғам?!

Мен биламан, энг сўнгги палла
Жонсиз қолиб, сиргалса кўлим -
Сенинг... Сенинг табассуминг-ла
Кўзларимга боқади ўлим.

1986

* * *

Олча гулларини тушимда
Тўкар эди кўклам шамоли,
Сочиларди улар бошимда
Қор учқунлари мисоли.

Бу қандай туш?
Не эрур фоли -
Англамоғим, тушунмоғим шарт.
Шунча оғир эдими, наҳот,
Юрагимни қийнаб турган дард?

Ўнгимда - қиш... Қор учқунлари
Сочиларди олча гулидай.
Сочларимга қўнарди улар
Ўтган кунлар - умрим кулидай...

1986



СОДДАЛИК

Шоирлардан айрилмасин ғам,
Япроғидан айрилмасин тол.

Айрилмасин байроқдан шамол,
Айрилмайман сендан ҳеч мен ҳам.

Тонг кўёшни осмонга берсин,
Баҳор толга бахш этсин япроқ.

Шамолларда силкинсин байроқ,
Ишқим дилда бир умр турсин.

1986

* * *

Дардларимни айтсам тунлари,
- Жим ўтиринг, - дейди хотиним.
Қўшиқ айтсам, хиргойи қилсам,
- Жим бўлинг, - деб бақирар қўшним.

Жаранглаб кетса кишаним,
- Жим бўл, - дейди қари душманам.
Гулзор аро сайраса булбул,
- Жим бўл, - дейди сўлган атиргул.

Рақс тушса, хандонлар отса,
- Жим ўтиргин, - дейман боламга.
- Жим бўл, етар, - деб бақираман
Дилимда бўзлаган ноламга.

Жимлик - менинг умрим, ҳаётим,
Жимлик - менинг сўнгги фарёдим.
Жимлик аро ақлга басма-бас
Фақат юрак... юрак жим эмас.

2001

ЭРТАКЛАРДАН БИРИ

Мен Гарсиа Лорка...
йўқ-йўқ, Пол Элюар...
йўқ-йўқ, менимча Пабло Неруда...
шеърини ўқиётгандим -
нигоҳимни тўхтатди
сўзларнинг бири.

Кўз олдим ёруғлашди.
«Наҳот, эшитмаган бўлсанг мени», - деди
сўзларнинг бири.

“Йўқ” дея бош чайқасам,
қиқирлаб кулди
сўзларнинг бири.

“Демак, ҳали дунёни билмас экансан”, - деди
сўзларнинг бири.

Сўнг кўлимдан ушлаб,
Етаклаб кетди
Сўзларнинг бири...

Тоғ ошдим, дарё ошдим,
Совуқ қотсам, иситди.
Оч қолсам, нонга айланди
Сўзларнинг бири.

Юксак-юксакларга ўрмалайвердим,
қўлларимни ушлаб бораверди
сўзларнинг бири.

“Олис-олисларда бир водий бор -
унда қуёш бор,
меҳр бор,
муҳаббат бор.
Қалбинг ўша ерда”, - деди
Сўзларнинг бири...

1986

* * *

- Бу одамлар ҳасратга тўлиб,
Қандай ўйин суриб борурлар?
- Тонгни олиб келмоқчи бўлиб,
Тун қўйнида юриб борурлар...

- Бу одамлар юраги куйиб,
Қай манзилни излаб борурлар?
- Улар осон йўлларни қўйиб,
“Халқим” дея бўзлаб борурлар...

- Бу одамлар кўкси, бўғзидан,
Кўзларидан нега оқар қон?
- Бу одамлар тўккан қонлардан
Тун қўйнида кўкаради тонг?

1986

* * *

Тишланган олмаси,
Битмаган шеъри -
Ортда қолдиргани шу бўлди фақат.
Уни ютди бирдан зулматнинг қаъри,
Пичирлаб қолдилар: “Замон - башафқат!”

Хотини қорнида боласи қолди,
Кўзлари кўр бўлиб онаси қолди.
Уни олиб кетди темир бир қафас -
Бир одам дунёда изсиз йўқолди.



Битмаган шеърини ўтда ёқдилар,
Бева ҳам қора шол рўмолин ечди.
Сўнг ширин эртақ ҳам тўқиб чиқдилар,
Айтдилар: “Эрк учун жонидан кечди”.

1986

ЁНАЁТТАН ТУЛХАҲЛАР

Кўз ўнгимда бепоён боғлар,
Япроқларда тилларанг губор.
Яқинлашиб қолгандек боғлар -
Ҳаво шундай тиниқ, беғубор.

Шитирлаган тунги ёмғир ҳам,
Туманларни қучоқлаган тонг,
Қоп-қорайган далаю қир ҳам
Бари менга таниш, қадрдон.

Дарахтларда ловиллар гулхан,
Юрагимда унинг тафти бор,
Боғчаларда хазонлар билан
Учиб юрар кечаги баҳор.

Мени ташлаб кетмоқчи дўстни
Тўхтатмоқчи бўлгандай, бу он
Мен жимгина кўлим чўзаман
Ёнаётган гулханлар томон.

1977

ДАРАХТЗОР ҚОШИГА КЕЛАР БИР АЁЛ

Тунда силкитаркан дарахтни шамол,
Дарахтлар титраркан маҳзун, букчайиб,
Дарахтзор қошига келар бир аёл,
Нозик оёқларин шабнамга чайиб.

У гуллар сочади ҳовуч-ҳовучлаб,
Ҳайратга тўлади армонли боғлар.
У куйлаб бошласа, гулларни тишлаб,
Уйғона бошлайди қуриган шохлар.

1978



КҲЗ ЭРМАТИ

Темирчи қизлар
Шоҳлардаги қушлардай енгил,
Қоматлари - хаёл,
Куёш иси анқиб турар чехраларидан.
Улар

тўлиб кетган армонлар каби
Эгатларга сочилган.
Орзулари мезонлар каби
Опоқ-оппоқ учиб юргувчи
Ойдин шамолларга осилган.
Хув-в... Бўғилиб сайраган
қушдан ҳам узоқ,
Қишлоғимнинг чексиз далаларида,
Оппоқ шийпонларда кўксини титроқ,
Илиқ, мовий шамоллар ўпиб,
Ухлаб ётар темирчи қизлар -
Тушларини куёшга кўмиб...

1978

МЕН ДАРАХТГА АЙЛАНДИМ МҲДА

Мен дарахтга айландим тунда
ва аксимни кўрдим осмонда.

Юлдузларни шохимга ўраб,
боқдим: наво оқди ялтираб.

Капалакдай ухлади дунё,
ухламади мен каби дарё.

Мен дарахтга айландим тунда -
тонгга қараб ўсди шоҳларим.

1979

1. АЁЛ

У аёлнинг қўллари дағал,
У аёлнинг кўйлаги дағал,
Уни ҳар кун калтақлар эри,
Ҳар кун юзда кўқарар доғлар.

Кеча ногоҳ йўлнинг четида
Кўриб қолдим ўша аёлни:
У ҳидларди мен сезмай ўтган
Миттигина марваридгулни.

2. ҚАЙҒУ

Латтани ҳўллар экан
Қотиб қолади,
Ерга эгиб бошини
Ўйга толади.

Ажин босган юзида
Акс этар қайғу -
Кимни ўйлаб, кимни эслаб
Фам чекади у?



3. МҲАББАТ

- Мен севаман, - шивирлар аёл, -
Кирларингни ювиб бераман.
Дазмоллайман кўйлақларингни
Сени қучган қўлларим билан.

Фақат бир кун тўшакда ётиб,
Қулоғингга шивирласам бас:
“Юрагимнинг остида кимдир
Худди сендек олмоқда нафас”.

1981

* * *

Кетаман, “Девонул луғатит-турк”ка,
Ҳасратим, қувончим олиб кетаман.
Мозийни бутунга, заминни кўкка,
Қалбимни “Девонул луғатит-турк”ка
Улай деб кетаман, бир кун етаман.

Қояларга чиқиб қушдек боқаман,
Кўкшин япроқларда нурдек оқаман,
Қора-кўк чодирни сўз ила тилиб,
Манграйган чақмоқни оламан юлиб,
кўксимга тилмочдек уни тақаман.

Қоп-қора тун чиқиб келар ботордан,
Қип-қизил кун чиқиб келар туғордан,
Уларга басма-бас елиб бораман,
Бойчечаклар чанқаб, чиқар қошимга,
Томиримни ёриб, қоним бераман.

Арқўзлардан хатлаб, сойларни ичиб,
Ятика шуъласин боламдек кучиб,
Ўтлоқлар қўйинини охудек кечиб
Етаман - эшикни аста чертаман,
Кошғарий чиқади эшикни очиб.

У айтмас: - Шайтон, - деб, у айтар: - Баёт!
У айтмас: - Ўлим, -деб, у айтар: - Ҳаёт!
У айтмас: - Кечам, -деб, у айтар: - Эртан!
У айтмас: - Бугуним. Айтар: - Будуним!
- Хайр! - демас. - Салом! - дер, - Салом, набирам!

1981

* * *

Жанг тугади. Оғлар кишнамас.
Ўқлар учмас. Найзалар учмас.
Тиғлар синган. Ўқдонлар бўм-бўш.
Эшитилмас бирор - бир нафас.

Нафас тинган. Қолгандир шафқат,
Нидо қолган. Тингандир юрак.
Билмай қайга қўнмоқни фақат
Жангоҳ узра учар капалак.

Марду номард мурдаси тўла
Бу муқаддас, қон шимган дала
Ўртасида ётар бир шаҳид -
Ватан учун жон берган бола.

Қони қотиб ерга ёпишган,
Уни ердан бўлмайдди узиб -
Унинг очик қолган кўзида
Оқ булутлар ўтмоқда сузиб...

1983

ТУН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Биласизми, баъзан тунлари
Соғинаман сизни жудаям...
Истайман шу маҳал:
Тун каби
Сизни маҳкам бағримга боссам.

Истайман мен:
томчи ёш бўлиб
Юзингиздан ўтсам сирғалиб,
Рашк қиламан сизни: қанчалар
Чиройингиз очар сирғалар.

Шамол сочган сочларингизнинг
Оловида кетсайдим куйиб.
Кечалари босиб бағримга,
Умр қисқа эканин туйиб.

Дали, телба бўлгим келади
Ишқингиздан, ҳасратингиздан
Ва сочингиздан ўпгим келади
Кўзим узмай суратингиздан.

Бола бўлиб қолсаму сизни,
Йиғлай дейман, маҳкам кучоқлаб,
Ўлгим,
ўлгим,
ўлгим келади.
Ўз-ўзимни тиғлаб, пичоқлаб.

Қонимдан-да бир гул ундириб
(Баҳорнингмас, бўлсин кузники)
Шивирлагим келади аста:
“Олинг, олинг...
Бу гул сизники!..”

1986



* * *

Бир гўзал аёлга
“Севаман” дедим -
Тошлар уйғонди.

Бир жабр кўрганга
“Дўстимсан” дедим -
Тоғлар уйғонди.

Бир жужуқ етимнинг
Кўз ёшин артдим -
Дунё уйғонди.

1987

* * *

- Йўқ, - дедим, - йўқ, чидашим қийин.
Ерда ғам кўп, ерда кўп фироқ,
Учиб кетдим осмонга кейин,
Ҳасратлардан бўлай деб йироқ.

Учай, дедим, куч берар, дедим,
Юрагимга самовий тушлар.
Аммо менга дуч келди фақат
Кўзи ёшга лим тўла қушлар.

1987

МОЗИЙ ҚЎШЛАРИ 20-30 йиллар шоирлари хотирасига

Мозийнинг қушлари учиб келарлар,
Олисдан келарлар - толиққан, чанқоқ,
Мени-да кўрарлар, хандон қуларлар,
Чақмоққа кўнарлар - сўнади чақмоқ.

Мозийнинг қушлари айланар гирён,
Кўнмоққа бехатар масканни кутиб,
Мен эса кутарман, бош эгиб ҳайрон,
Кўлимни тиғлардан баландроқ кутиб.

1987

* * *

Самарқанд - заъфарон тирамоҳ,
Бухоро - қирмизи саратон.
Тош шаҳри - совуган қаҳрабо,
Туркистон... Туркистон... Туркистон...

Хива - “Хайр” каломи, Сукунат,
Саҳрода янграган қўнғироқ,
Қўқон - боғ. Ватан деб жон берган
Йигитлар қонини ичган боғ.

Шаҳрисабз - кабутар патидир,
Зангори рангларга бўялган.
Термиз - кўр хатотнинг хатидир,
Замонлар зарбидан туйилган.

Бобурнинг кўзёши - Андижон,
Марғилон - минг ёшли қизалоқ.
Туркистон... Туркистон... Туркистон -
Даштдаги қон рангли қизғалдоқ...

1989



МАҲОРАТ МАКТАБИ

Бадиий асар қаҳрамонлари портретини яратиш, персонажлар портретига чизгилар бериш ва уларни тавсифлаш санъаткор маҳоратини белгиловчи поэтик унсурлардир.

Романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирий ижоди бу жиҳатдан ҳам намунали маҳорат мактабидир. Фикримиз исботи сифатида адибнинг “Меҳробдан чаён” романига яна бир бор мурожаат қиламиз.

Асарда махдумнинг хасислиги таъкид этилгандан кейин унинг қилиқлари, кийиниши, кийимларга муносабатларигача батафсил тасвир этилади:

“Кўйлак ишгоннинг аксар етти-саккиз жойдан ямағи бўладир. Етти қишдан бери гуппи чопон янгилангани маълум эмас, фақат қиш келиб кетган сайин алак гуппининг энги ўзгарибгина турадир ва астари йил сайин янгидан-янги ямоқлар билан бойийдир, шу гуппи. Бутун умрида биргина маротаба ва шунда ҳам махдумдан берухсат, аммо Нигор ойимнинг зўри билан тоғорага тушиб чўмилди...”

Нигор ойимнинг тасвирини чизаётганида ёзувчи унинг хасис махдум қўлига қарам эканига урғу беради. Яъни, Махдумнинг бошқа қаҳрамонда аксланган характеристикасини яратади. Раънонинг газалларда куйланган ҳусну тароватини тасвирлашда эса ёзувчи қуюқ бўёқлардан имкон қадар кўп фойдаланган.

Роман воқеалари билан бевосита алоқада тасвир этилган қаҳрамонлар портрети вазиятни баҳолаш учун ўқувчига катта имконият туғдиради. Қаҳрамонларнинг драматик вазиятини аниқлаштириши лозим бўлган бундай картиналар баъзан воқеанинг бошланиши учун туртки вазифасини ўтайди.

Асарда аксарият ҳолларда қаҳрамонлар қиёфаси муаллиф нигоҳи билан кўрилиб, унинг тилидан ёзилади. Бу ҳол ўқувчининг роман воқеалари, қаҳрамонлари жозибасидан узилиб чиқиб, уларга мустақил баҳо бериши учун шароит яратиш беради. Лекин бундай портрет тасвирлар қаҳрамонларнинг портретини схема ҳолида кўришга ҳам олиб келиши мумкин. Шундай салбий ҳолат юз бермаслиги учун ёзувчи асар давомида қаҳрамонлар қиёфасини бошқа образлар нигоҳи билан кўриб, ёзиб ҳам боради. Масалан, ўрда ҳаёти билан боғлиқ эпизодларда Гулшан образи билан танишган ўқувчи унга илк бор махдум ҳовлисидан чиқиб кетаётганда дуч келади ва бу хотин Сафар бўзчида қолдирган таассурот

билан тасвирланади: “...ичкаридан ясамол бир хотин чиқиб келди. Мундай яхши кийинган ва ҳусндор хотинни умрида биринчи маротаба кўрганди...” Шу вазиятда Сафар бўзчининг кўзи Гулшан ҳуснининг тафсилотларини кўрмаслиги табиий. Бироқ Сафар бўзчини ҳайратлантирган гўзал ҳозиргина катта бир фожиани бошлаб чиққанидан хабардор бўлган ўқувчи гўзаллик ва ваҳшоният ёнма-ён юриши ҳақида ўйга толишга мажбур.

А. Қодирийни қаҳрамоннинг қандай одам экани ҳақидаги умумий муҳокамалар эмас, ҳаракатнинг муайян лаҳзасида руҳий ҳолати қандай эканлиги кўпроқ қизиқтиради, шунинг учун асарда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларида, қилиқларида, одатларида, гап сўзларида аксланаётган характер қирралари тасвири биринчи планга чиқади.

Тўғридан-тўғри характеристика берилганда Солиҳ махдумнинг “ҳабба” сўзини кўп ишлатиши ва бу сўз одатда “ул бир нарсдан хурсанд ва рози бўлганда аксар” қўллашини ёзган ёзувчи Раънога хондан совчи келганда Махдумнинг хурсанд бўлганини изоҳлаш учун “ҳабба” сўзини келтиради.

Драматик вазиятларда қаҳрамонларнинг аксланган характеристикасини бериш ҳам муҳим бадиийат унсурларидан биридир. Ўзи ҳам, сўзи ҳам гўзал бир қиз ҳақида ижобий тасаввурга эга бўлган ўқувчи Раънонинг юраги нечоғлик улкан жасоратга қодир эканлигини “Жасур қиз” бобида билиб олади. Анварнинг чорасизлиги туфайли улкан фожиа арафасига келиб қолган қиз чора фақат ўз қўлида эканлигини, бахтини бировлар қўлига тутқазмаслигини англагач, ҳали хонлик тарихида кўрилмаган чорани - қочишни таклиф қилади. Хон хузурида турган Анварнинг арслонюрак бардамлиги, ўзини тутиши, хонни ҳақорат этиш даражасига бориши, Султоналини қутқармасдан ўзини ўлимга буюришганда жаллодларни силтаб отиши...

Дўстини қутқариш учун жаллодлар силтаган Анвар ўз тақдири учун заррача ўкинмайди, хон олдида боришдан аввал акасида ёлғиз битта илтимос қилган эди: “Сиз ундан ёрдамнингизни аямаслиққа менга сўз берсангиз бўлди. Жаллод болтаси тагида турганда томашабинлар тоқатсизлангандек кўрингани учун Анвар тузаниб ётди...”

Хулоса қилиб айтганда, улкан сўз сеҳргари Абдулла Қодирийнинг портрет яратиш ва қаҳрамонларга тавсиф бериш маҳорати ҳам фоят сержило бўлиб, янги-янги изланишларга асос бўлади.



Лазиза СУЛТОНОВА

ДАРАХТГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

ДАРАХТГА ҲАВАС

Дарахтга ўхшагим келади,
Бир сўзли одамдай, туриши мағрур.
Дарахтга ўхшагим келади,
Япроғлар куйлайди, қўшиғи масрур.

Дарахтга ўхшагим келади,
У жуда мустақкам, бақувват илдиэ.
У тикка кўёшга интилган,
Кечалар парвона Ой билан юлдуэ.

Дарахтга ўхшагим келади,
Бу тандан миннатдор, минг битта япроқ,
Япроқлар омонат, келиб - кетгувчи,
Япроққа ўхшагим келмайди, бироқ.



ДЕҲҚОНИМ

Ҳар бир гўзал сенинг учун фарзанд каби,
Авайлайсан, шому - сахар дилбанд каби.
Элнинг бахти юрагига пайванд каби,
Тиним билмай меҳнат қилган деҳқонимсан.

Тўй маврида ўрнинг сени пастда турар,
Ўзин билмас кимса, шаънинг ерга урар.
Ундай нокас кимсаларни осмон қадар
Юксалтирган ўзингдирсан деҳқоним.

Фаровонлик келтирасан, терлар тўкиб,
Ҳамма ухлар, сен юрасан чигит экиб,
Амалдорлар кетар гоҳо сени сўкиб,
Тўкинчилик посбонисан деҳқоним.

Эл ичида билишади, қадринг баланд,
Балки йиғлаб ичмагайсан шакар ё қанд,
Деҳқони бой юртда ҳеч ким емасдир панд,
Шоирларнинг шеъридасан деҳқоним.

Бугун сени куйга солди Лазиз Султон,
Сен султонсан, далаларда ўзинг ҳоқон,
Сенинг билан ободдур эл, гуллар бўстон,
Деҳқоним деб, қўлаб турар - Ўзбекистон!

ҚАҲР

Тикон, гулингни,
Ўнгу - сўлингни,
Сўқмоқ йўлингни,
Қору - дўлингни,
Кўзга суртаман,
Сени севаман!

Қадримсан менинг,
Бахтимсан менинг,
Менга иқболсан,
Ўзинг ҳилолсан
Сени дегайман,
Жондек севаман.

Тоғда гулимсан,
Шўх булбулимсан,
Она тилимсан,
Жону - дилимсан.
Сени севаман.
Сен деб яшайман!

Бир юлдузингман,
Ўқ илдизингман.
Ёруғ юзингман,
Шодон қизингман,
Сенга фидо тан,
Жонгинам Ватан!



Лазиза СУЛТОНОВА 1988 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. Ҳозирда Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийди.



Нормурод НОРҚОБИЛОВ



АЖЖАЛ

ЧОРЛАГАН КУН

Қисса

Қазоси етаётганини тундаёқ сезган ит — Ёвқур тинчгина кўз юммоқ учун холи жой ташивишига тушиб қолганди. Шаҳарчада эса бундай жой топишнинг иложи йўқ. Бор умид даштдан. Шу сабаб у тонг отишини, аниқроғи, дарвозанинг очилишини илҳақ кутиб ётарди.

Яшил ранг, оқ хошияли дарвоза эрталабгина очилади. Очилмоғи учун эса аввалига ойнаванд пешайвонда чироқ ёнмоғи, сўнг сири кўчган эшикда бошига оқ рўмол ташлаган Ойсулв кампир кўринмоғи лозим. Қорачадан келган, жиккаккина бу кампирнинг тили аччиқ. Зинапоядан туша-туша у албатта қарғанади. Бунга тўнкарилиб қолган кавуши, ё пала-партиш ётган бошқа пойафзаллар сабаб бўлади. Агар ҳеч ваз топилмаса, зинапоянинг баландлигиям баҳонага ўтаверади. Кампир уйнинг пойдеворини юқорилатиб қурган ўғлини ва бунга ўз вақтида индамаган марҳум чолини янади.

Кампир қарғана-қарғана кавушини кияркан, имиллаб ҳовлига тушади. Эран-қаран юз-қўлини ювиб, сўнг дарвозани очади. Орада ҳовли юзида тинчгина ётган итга захрини сочиб олади. Унинг қарғишидан девор устида чўнкайиб, ўзига оро бераётган мушугу чуғурлашаётган чумчуқлар ҳам четда қолмайди.

Кампир сув томчилаб турган ҳовлидаги жўмрак тагига челак қўйгач, боққа қараган деразалардан бирини тақиллатади. Хатти-ҳаракатларидаги зарда тилига кўчади.

— Туринглар, ўликдай чўзилиб ётавермай!

Буйруқ умумий бўлса-да, эшикда қовоқлари шишган келингина кўриниш беради. Кампирга бешта келади. Хўппа семиз. Беғам ва беташвиш. Бироқ кампир тушма-

гурнинг тили шу қадар нордонки, уни мудроқ оғушида узоқ қолмоғига изн бермайди. Оқибат, келиннинг қошлари керилиб, кўзлари чақчайди. Тили андишага бўйсинмай кўяди. Жувон томондан олашақшаққа менгзалган кампир эса, баттар қутуради. Келинининг семиз ва танбаллигини турли балоларга қиёслаб, унини ўчирмоққа уринади.

Қисқаси, сокин ҳовли юзи кампир уйғониши билан бир сесканиб тушгандай бўлади. Ини ёнида ҳайбатли бир тарзда чўзилиб ётган ит буни ичдан сезади. Бироқ лоқайд кўз юмади, чунки унинг ўз дарди ўзига етарли. Ит негадир, сўнгги пайтларда ўзи тугилиб ўсган кенг даштни кўмсайдиган бўлган. Ҳатто тушларида кўриб чиқади. Лекин ўша дашт қаерда, қайси томонда, буни у аниқ билмайди. Билгани, дашт бу хил дилгирликлардан холи. Майсалари тўшга уради. Ҳавосида кўклам ҳиди анқийди. Шунинг учун ҳам даштни кўмсаб, гоҳо тунлари гингшиб, гоҳо увлаб чиқади.

Тақдир айлари тушганда, дашт кўклам ҳукмида эди. Шу боис, унинг дашт ҳақидаги хотиралари баҳор таровати билан қоришиқ ҳолда гавдаланади кўз ўнгида. Боз устига, кўклам кезлари ич-ичидан нимадир жўшиб, танига англарибир кувват инади. Аммо вужудида пайдо бўладиган бу куч тунда девор ҳаглаб, ташқарига чиқмоғига камлик қилади. У тунда туғиладиган ўша туйғу етовидга кўп бор уриниб кўрган. Деворнинг ярмисидан нарига етолмаган. Ўзиям девормисан девор-да. Баланд. Тепаси тунука соябонли. Бу хил баландликдан ит-ку ит, тулкиям сакраб ўтолмаса керак. Ёвқурдек басавлат итга эса йўл бўлсин.

Маҳалладаги аксарият ҳовлилар мана шу тарздаги баланд деворлар билан ўралган. Кундузги сайр пайтлари Ёвқур буни обдон ўрганиб чиққан. Ва яна биладикки, маҳалла адоғи кўп қаватли уйлардан иборат мавзегга бориб тақаллади. Одам дегани у ерда гуж-гуж. Мавзедан нариси кенг бугдойзор. Маҳалла боши эса улкан корхонага ёндош. Юксак гиштин мўрасидан туну кун қуюқ тутун аримайди. Корхона муюлишидан сал нари ўтилса, кунчиқишга чўзилган гавжум кўчага чиқилади. Кўча бети бошдан-оёқ дўкон. Машиналар жуда серқатнов.

Ит бу кўчадан ҳайиқади. Алаҳсиб неча бор машина тагида қолай деган.

“Сайр”га биров уни атай етаклаб чиқмайди. Кундузлари дарвозанинг гоҳида очиқ қолишидан фойдаланиб, ўзи айланиб келади. Қайтгач Ойсулув кампирдан албатта дакки ейди. Лекин кампирнинг тили заҳар бўлгани билан қўллари заиф. Ит калтак зарбини деярли сезмайди. Шунга қарамай, ҳар сафар кампирга бошлаб вовуллаб бергиси келаверади. Бироқ бу қилиги кампирга ёқмаслигини билгани боис ўзини тияди. Аммо баъзида вовулламоқ истаги шу қадар хурж қиладики, ўзини кўярга жой тополмай қолади. Негаки, теваракда хурмоққа сабаб бўлмиш нарсалар тўлиб-тошиб ётибди-да — гоҳ девор бошида бегона мушук пайдо бўлган, гоҳ ўйинқароқ болалар дарвозага тош отиб кетган, гоҳ унинг хўжайини Анорқул ароқ ҳидини бурқситиб кўчадан кириб келган... Ароқ исини Ёвқур жинидан ёмон кўради. Бу ҳид димоғига чалиниши билан унга боғлиқ хотиралар хаёлида жонланиб, жазавога тушади. Ёмони, Анорқул бу ҳидни ит ёқтирмаслигини билади. Билгани учун ҳам жиғига тегмоққа уринади. Тумшугига пуфлаб, ўзича завқланган бўлади. Ёвқур унинг лаб-лунжидан гарчча тишлаб олмоқдан зўр-базўр ўзини тияди. Унинг ҳақини кампир олиб беради. Бадмаст ўғилнинг гўштдор елкаларида калтак синади. Анорқул кампирга аччиқ қилиб, уйдан шиша кўтариб чиқади. Ҳамма нарсага бепарво хотини газак кўтариб келади. Она-бола гижиллашганда, у ҳамшиша эри тарафда бўлади.

— Хотин бўп сенам гапир бундай! — дейди охири кампир ёниб.

Келин пинак бузмайди. Унинг бу бепарволиги дийдиё қилаётган кампир узоқлашгунга қадар давом этади. Кампир кетиши билан у стол устидаги шишага ёпишади.

— Бас! Етар шунча ичганингиз!

Анорқул индамайди. Аёлининг семиз жуссасига ўшшайиб тикилади. Унинг мудом терчиб туришидан гаши келади. Богиниб бир сўз айтолмайди. Ойда бир-икки кўриниш бериб кетадиган қайнотасидан чўчийди. Қарашлари қаттиқ, шопмўйлов бу одам олдида ҳатто кампир ҳам тилини тияди. Фақат итгина бепарво. Табиий, куёвнинг кун кўриши қайнотасининг обрўйи орқали эканлигини билмайди. Англагани, шопмўйловнинг бу ҳовлида таъсири зўрлиги. У келса, уйдагилар алланечук тинчиб қолишади. Шопмўйлов ҳеч вақт узоқ ўтирмайди. Кибрли нигоҳи ила куёвнинг мулкини ўз мулкидай назаридан ўтказгач, тезда кета қолади. Қизиқ жиҳати, у келса гумбаздек жувон ёш қизалоқлардай эркаланади, куёв ипакдек эшилади. Кампир боғдан бери келмайди.

Ёвқур ерда чўзилиб ётган кўйи бу синоатларни жимгина кузатаркан, бу одамларнинг бирортасиниям ёқтирмаслигини ўйлайди. Бу ҳовлида уни кунда икки бор ялоққа тўкиладиган хўрак эмас, тийраккина-болакай тутиб туради. Болакайнинг қарашлари катталарникига сира ўхшамайди, гоят беғубор. Ит унинг юзи-кўзидан тўйиб-тўйиб ялагиси келади. Аммо Ойсулув кампир бунга изн бермайди. Болани турткилаб, итни калтаклаб қола-

ди.

Ёвқур ҳар тонг болани соғиниб кутади. Афсуски, у жуда кеч уйғонади. Унгача ҳовлидаги барча ишлар саришталаниб, катталар бир неча марта гижиллашиб олишга ҳам улгуришади.

Болакай эшикда ҳамшиша тўсатдан пайдо бўларкан, дум-думалоқ, қоп-қора, шўхчан кўзлари қувончдан порлаб, куёш нуридан ялтираётган ток барглари-га, дарахтдаги қушларга, юзидан заҳар томиб турган бувиси-ю, беғам кавшанаётган онасига, калта думи ила ер супураётган итига бир-бир назар ташлаб, пилдираганча пастга тушади-да, Ёвқур сари интилади. Ўз навбатда, ит ҳам уни илҳақ қаршилайди. Катталар аралашгунча бўлмай болакайнинг юзи-кўзидан ялаб-юлқишга улгуради. Оқибат, болакай силкиланади, ит тепкиланади. Бунақа пайтда болани ҳимоя қилиш-қилмаслигини билолмай, итнинг боши қотади. Бегона муҳитда нима қилишни яхши билади. Аммо ҳовлида...

У аёлларнинг оҳ-воҳидан ёғоч инига кирибгина кутулади. Ўзича ириллайди. Калтак тушган ерларини эринибгина ялайди. Баъзан шунга ҳам ҳафсаласи келмайди.

Болакайсиз бу дунё унга жуда зерикарли.

Мана энди у бу ҳовлини тарк этмоғи лозим. Болакайнинг чиқмоғини кутишдан эса наф йўқ. Ҳали-вери кўриниш бермайди у. Боз устига, ўлим кутиб турмайди. Дарвоза очилиши билан ҳаялламай жилмоғи керак.

Куни битаётганини бугун тунда тасодифан сезиб қолди. Аждодларининг тимсоли бўлмиш улкан малла ит бошида, юлдузлар гужғон ўйнаган кўкда чўнкайиб узоқ ва узоқ увлади. Уни ёнига чорлади. Ёвқур улкан бу малла итни илгари ҳам тушларида кўп кўрган. Аммо бу сафарги чорлови бўлакча эди. У туши туфайли эмас, ичдан куни битаётганини сезганди. Кетмоқ керак, имкони борича тезроқ. Бироқ видолашмасдан кетмоғи ҳам қийин эди.

У аста ўрнидан кўзғолиб, деразалардан бирига яқин борди. Дераза рапиға панжаларини кўйиб, ичкарига мўралади. Қоронғиликда ҳеч нарсани кўрмаса-да, ичкарини димоғи билан “обдон пайпаслади”. Эр-хотиннинг ачимсиқ тер ҳиди орасидан болакайнинг норасталарга хос исини илғагач, оғриқли гингшинди. Сўнг ошиқмай эшикка келди. Болакайнинг қизил туфлисини узоқ-узоқ қидлади.

Бу видолашув, чорасиз хайрлашув эди.


Шу пайт эшик ширқ этиб очилиб, унинг кўзлари кампирнинг қаҳрли нигоҳи билан тўқнашди. У кампирдан илиқлик истади. Илиқликни сезса, бу хонадонни тарк этиш осонлашадигандек туюлди. Бироқ кампир жуссасига ярашмаган ўткир овозда ўшқириб берди.

— Тур! Э, сумангламай ўл!

Ит думини қисиб нари кетди. Дарвоза очилишини кутиб ётди. Видолашувга бўлган умиди чил-парчин бўлган, тезроқ жилмоқдан ўзга иложи қолмаганди.

У юз-қўлини юваётган кампирнинг ҳаракатларини жимгина кузатиб ётаркан, бирдан сакраб ўрнидан турди-да, ҳовлида изғиб, ҳамма нарсани бирма-бир искаб чиқди. Ҳатто бостирма тагидаги бузуқ машина билан ҳам мана шу тарзда хайр-хўшлашди.

Кейин дарвозани ланг очиб, товуқ катаги томон юрган кампирга пешвоз чиқиб, этагини қидлади. Ёмон бўлса-да, шу хонадон азбоси, қўлидан емак еган. Хайрлашмоғи керак-да. Турган гап, кампир бобиллаб берди. Ит бу хонадонни бутунлай тарк этаётганини хаёлига келтирмаган ҳолда, одатдагидек, уни қарғишга кўмиб ташлади. Нега деганда, Ёвқур ҳеч кутилмаган қилиқ қилган, яъни кампирнинг қўлини ялаган эди.



Кампир калтак қидириб топгунча, ит дарвозадан чиқишга улгурганди...

* * *

Ёвқур дарвозадан узоқлашмай, кўча ўртасида тўхтади.

У бошини бир ён буриб, ҳовлига сўнгги бор назар ташларкан, намли кўзларини дарвоза, бўғот, иш-кому баланд деворга бир-бир тикиб, гўё қай томонга юришни билмаётгандек, шу созда бирпас туриб қолди. Сўнг кўча адоғини кўзлаб, аста йўлга тушди. Бир оз юргандан кейин кўча бўйидаги улкан ёнғоқ дарахти томон беихтиёр бурилди. Одатига биноан ёнғоқ теварагида ис-каланар экан, кеча тунда бу ерга қайси жониворлар келиб-кетганини зумда аниқлади. Негадир таҳдидли ириллади. Орқа ўнг оёғини намойишкорона кўтариб, дарахт пойига чоптирди. Майли, кўшни итлар исини сезиб турсин. Уч-тўрт кундан сўнг ҳидиям учади бу ердан.

У кўча бўйлаб оҳиста йўртиб бораркан, қатор ёпиқ дарвозалар тагидан, тирқишидан мўралашиб, ириллаётган, тирманаётган ва овози борича вовуллаётган катта-кичик итларга парво қилмади. Аммо муюлишдан семиз амаки етовида чиққан лунжлари осилган, улкан бақалоқ итга кўзи тушганда, хиёл сергакланди. Кутганидек, бақалоқ унга ташланди. Эгаси қўймади. Тизгинидан тортиб, эркаловчи оҳангда тинчлантиришга уринди.

Бақалоқ маҳаллада омади чопган итлардан эди. Хўжайини яхши, алоҳида меҳр билан парваришлайди. Ёмони — ҳамаша тизгинда. Эгаси уни тонгда, гоҳида эса оқшомлари сайрга олиб чиқади.

Ёвқур уни энг аҳмоқ итлардан бири санайди. Аҳмоқлиги шундаки, у ўзини дунёдаги энг зўр итлардан бири деб биледи. Бу ҳол унинг вазоҳатидан, ўзини тутишидан англашилади. Аслида эса, Ёвқур иштирок этиб келган аёвсиз жанглarda бир дақиқадан ортиғига бардош беролмайдиган пўк бир жонивор у. Жониворки шу маҳаллада туғилиб, шу маҳаллада ўсган. Дунё ҳақидаги тасаввурим маҳаладан нарига ўтмайди. Бу ёруғ оламда кенг даштлар, юксак қирлар, сервиқор тоғлар борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Шунингдек, итлар жангини ёввойи бир жазави билан томоша қилишни хуш кўрадиган оломон борлигиниям билмайдилар. Билмагани учун ҳам ўзларини зўр санайдилар. Кенг даштда туғилиб, қисқа умрининг асосий қисмини оломон қуршовидаги шафқатсиз жанглarda ўтказган Ёвқур шунинг учун ҳам бу хил жониворлар устидан итларча кулади.

У Бақалоққа ўхшаш итлар ҳатто тасаввур этолмайдиган ўша ўзи туғилиб ўсган даштни ҳамаша кумсаб келди. Умри тугаётганини сезгач эса, бу соғинч янада кучайганди. Бироқ у этиб бўлмас сарҳад, Ёвқурнинг бирдан-бир истаги, овлоқ бир гўшани топиб, тинч жойда тинчгина ўлим топмоқ эди.

У шу истак оғушида бир маромда йўртиб бораркан, йўл четидаги ахлат идиши ортидан човуллаб чиққан қора лайчанинг овозидан чўчиб кетди. Лайча беҳуда тирғалиб, бирон иш чиқаролмаган бўлса-да, анчагина гашига тегди.

Қизиқ, бу дунёда ҳеч тинчлик йўқ экан-да. Эсини танибдики, гурбат ичида яшаб келади. Умри давомида неча-неча хонадонларни кўрмади. Муқим бир жойда яшамаслиги аввало тақдир изми бўлса, иккинчидан, келишимли келбати, табиат ато этган кучи туфайли эди. Кўркам жониворга кимлар ошиқ бўлмайди дейсиз. Шўрлик итнинг меҳри бўлиनावериб, юраги парчаланиб кетган. Ит зоти азадан шу кўним топган жойида, ал-

батта, кимгадир меҳр кўяди. У энди кимгадир меҳр кўйганда, жойи ҳам, эгаси ҳам ўзгариб қолаверарди. Унга кимлар эгалик қилмади. Кимдир уни арқонда асради, кимдир симтўр ортида. У эса барига чидади. Хиёл эркинликни эса сўнгги хўжайини Анорқулнинг хонадонидан топгандай бўлди. Аммо сира чакаги тинмайдиган Ойсулв кампирнинг гиди-бидиси бу эркинликни унга татитмасди.

Анорқул лоп этиб ёнган ҳавасга учиб, унга эгалик қилган бўлса-да, бирон марта кўрга олиб тушмаган. Оқибат, Ёвқур оддийгина хонаки итга айланди. Бинобарин, у ортиқ курашга ярамасди. Шаҳарча четидаги жангда у қаттиқ жароҳат олганди. Жисман бакуватлиги боис, ўзини тўла тиклаб олган эса-да, бўлак жангга ярамасди. Бироқ буни Анорқул билмасди.

Ўз навбатида, ваҳший, жазавали қийқириқларга ўрганиб қолган Ёвқур тинч ҳаётга зўр-базўр кўниккан. Бу тинч ҳаётда у болакайга қаттиқ меҳр кўйганди. Мана энди, болакай билан видолашмасдан кетмоққа мажбур эди.

У маҳалладан чиқиб, кўпқаватли уйлар оралаб бораркан, ўзига қизиқиш ва ҳайиқиш ила тикилаётган айрим нигоҳларни пайқаб, қадамини сал тезлатди. Энди уни ҳеч нарса — на одамлар, на уларнинг эркалаб чақиритилари қизиқтирарди. Даштга чиқиб, ҳоли жой топмоқ унинг бирдан-бир истаги эди.

Ҳартугил, сўнгги бинолардан сўнг дала кўзга ташланиб, у энгил тортиди. Ошиқмайроқ йўртишда давом этди. Дала этагида кенггина, тезоб сойга рўпару келди. Бошқа вақт ўйлаб турмай сойга сакраган, нариги қирғоққа осонгина сузиб ўтган бўларди. Аммо ҳозир буни вужуди кўтармасди. У ноилож анча наридаги кўприк томон қайрилди.

Икки машина сигарли ёғоч кўприк устида юкхонаси очик турган қизил “Жигули”га назари тушгач, юраги андак сирқирагандай бўлди. Беихтиёр гингшиди. Ҳадикланиб бир зумга тўхтади. Нега деганда, кенг даштдан, бахтли онларидан уни мана шу хилдаги уловлик киши тортиб олганди-да. Бу нарса жониворнинг хотирасида яхшигина сақланиб қолганди. Унгача у бахтиёр эди. Сувонқулнинг сурувиги эргашиб, лўмбиллабгина юрарди.

Сурувда бир эмас, тўрт ит бор эди. Ёвқур уларнинг энг кичиги эди. Сувонқул яхши кўрарди уни. Зуваласи пишиқлигини яхши биларди. Билгани боис, кўз қорачиғидай асрарди. Сўраб келувчиларга нисбатан кўр ва соқов эди.

Аммо қизил “Жигули” эгаси Талъат айёр одам эди, ҳеч нарса сўрамади. Сувонқул билан куюқ сўрашиб, майсага ёнбашлади. У ёқ-бу ёқдан гурунглашган бўлди. Сўнг бирдан эсига тушгандай, сакраб ўрнидан турди. Машина юкхонасини очиб, ундан халта-хулта олди. Майса устига газета ёзди. Кейин чўнтагидан жажжи приёмник олиб, мурватини буради. Ёқимли куй таралди. Даштда гўннга қоришиб юрадиган Сувонқулга приёмник жуда ёқди. Киши билмас, ҳавасланиб қараб қўйди. Талъат буни сезса-да, сир бой бермади. Халталардаги егуликларни газета устига териб кўя бошлади. Тансиқ таом ва меваларга ҳатто итларнинг ҳаваси келди. Ҳид олиб, безовталанишди. Талъат дедикки, ҳафтада бир-икки далага чиқиб, нафас ростларкан, яъни ҳаво алмаштираркан, дўхтирлар шунақа деганмиш. Айни дамда унга даладан ҳам кўра, чехрасидан одамийлик барқ уриб турган Сувонқул ёқиб қолганмиш, ўтиб кетолмаганмиш.

У халталарнинг биридан шиша чиқарди. Бунга қалайсиз, дегандай имо қилди. Сувонқул тамшаниб, йўқ,

деди. Талъат, ихтиёрингиз, дея шишани халтага солган бўлди. Сувонқул чидаб туролмади, қўйинг, дея қўл силтади. Талъат жилмайиб, шишани очди. Пиёлаларга ароқ қўйилди. Қўқиштириб ичдилар. Кейин яна. Сувонқул қизарди, кўзлари мастона сузилди.

Улар узоқ суҳбат қуришди. Талъатнинг таклифи билан ака-ука тутиндилар. “Ака” унга бир четда ёқимли куй таратиб турган приёмникни ҳада қилди. Бундан “ука»нинг боши кўкка етди. “Ака»га нимадир совға қилмоқ истади. Қўйдан бошқа нимасиям бор унинг.

— Ака, қўйлардан танлаб мошинага босинг, — деди овози тўлқинланиб. — Хоҳласангиз, битта, хоҳласангиз, иккита. Кам десангиз, ана, ўнта босинг. Энди сиз акамсиз! Менга жигарсиз!

“Ака” ҳадагани қабул қилмоққа ошиқмади. Газета парчасига нимадир ёзиб узатди. “Манзилим. Қачон борсангиз, эшик очик. Бормасангиз хафа бўламан”, деганга ўхшаш гаплар қилди.

Сувонқул қоғоз парчасини бамисоли тумордек қабул қилди. Авайлаб қўйнига солди. Қўйнигаям ишонмай, телпаги қатига қистирди. Кейин яна қўйнига яширди. Кейин бирдан йиғламсенга овозда деди:

— Чинданам менга ака бўлинг! Ёлғиз улман! Биродарим бўлишини ингайман!

Талъатнинг кўзлари намланиб, уни бағрига тортиди.

— Буни қарангки, — деди таъсирчан оҳангда, — менда ука йўқ эди. Сиз...

Улар қайта ва қайта кучоқлашдилар. Тагин бир пиёладан ичдилар.

Бир маҳал “ака”, кетаман, деб қолди. “Ука” унинг йўлини тўсди.

— Қуруқ қўл билан кетишингизга қўймайман, қўйлардан танлаб багажга босинг, — деди.

“Ака” бош чайқади:

— Қўйни нима қиламан. Ука топдим, шунинг ўзи етади менга.

“Ука” бундан баттар таъсирланди. Кучоғини янада кенг ёзди.

— Ака, қуруқ кетказмайман барибир!

Талъат негадир приёмник овозини кўтарди. “Энди мен кетай, сизга барибир тўймайман”, деганга ўхшаш гаплар қилди. Сувонқул гандирақлаб унинг йўлини тўсarkan, қуруқ кетказмайман, дея тантиқланди.

Улар яна ичдилар.

Талъат афтини бужмайтириб, шўрбодринг газак қиларкан, гўё кўзи тўсатдан Ёвқурга тушган бўлди. Эгилиб уни эркаларкан, сўрашга ботинолмаётгандек, яхши ит экан лекин, дея хўрсинган бўлди.

— Ака, шу сизга ёқдимиз? — Сувонқул минг қўйли бойдай керилди. — Ёққан бўлса, олинг! Ҳеч кимга бермаганман, лекин сизга бераман. Чунки сиз акамсиз. Сиз учун керак бўлса жонимниям ҳада қиламан. Бу ҳаром бир жонивор экан. Олинг, ака! Оти Ёвқур. Ўзим қўйганман отини. Бўри оладиган кучукда бу. Олинг, сизга ҳада бу, ака!

— Қандай бўларкан, — “Ака” хижолатомуз бош қашлаган бўлди. — Ноқулай-да, укажон.

Бу синоатларни жимгина кузатиб турган Ёвқур Сувонқулнинг қўли билан машина юкхонасига жойланди.

— Ит экан бу бир, жоним сизга қурбон, ака!

“Ака-ука”лар кучоқлашиб узоқ хайрлашдилар.

Жониворнинг кўзи тушган сўнгги нарса чўққиси харсанг тошлар билан “безалган” яланғоч қир бўлди.

Ёвқур даштдан айро тушган бу кунни узоқ эслаб

юрди. Юкхона эшигини қирсиллаб ёпилиши, зимистонда димоғига урилган турли ҳидлар ҳануз хотирида яшаб келади.

У шунинг учун ҳам кўприкка етмай тўхтаган, юкхонаси ланг очик машина нохуш хотираларни қўзғаб, юрагига андак ҳадик солганди. Бироқ ортга ҳам йўл йўқ эди.

У машина ғилдирагини алмаштираётган қоратўр йигитга, кўприкдан наридаги яшил бўғдайзорга, ортда қолган шаҳарга бир-бир разм соларкан, дадил олға юрди. Машина эгаси ёнидан шарпа янглиғ сирғалиб ўтган итни пайқамади ҳам.

Бўғдойзор чексиз ва сокин туюлса-да, уни одамлардан холи деб бўлмади. Кенг даланинг у ер-бу еридан кишилар шовури қулоққа чалинар, бўғдойзорни кесиб ўтган йўл хийла серқатнов эди. Шунинг учун Ёвқур сой ёқалаб кетган ёлғизоёқ сўқмоқни маъқул кўрди ва аста йўртиб кета бошлади.

* * *

У сувга бош эккан толга етмай тўхтади. Холи жой топиш ғоят мушкуллигини сезгандек, гамгин чўнқайди. Боз устига, сой бўйида қўй-қўзиларни қоқиб юрган болаларнинг шовқини тагин шаҳарчада қолган болакайни эсига туширганди. Кўнгил узиб кетиш оғир кечмоқда эди.


Бу сафар у шаҳарчага узоқроқ тикилиб қолди. Ахир у ерда болакайдан ташқари, бир неча йиллик умри, яхши-ёмон кунлари қолмоқда эди-да.

Умуман олганда, яхши кунлари бўлганмикан? Шунингдек, ёмон кунларининг ёмонлиги нималардан иборат? Нега деганда, ҳамиша егани олдида, емагани ортида эди-ку. Унинг оғзи теккан емишлар бошқа итларнинг тушига ҳам кирмасди-ку. Бироқ бунинг бари ниманинг эвазига? Бақувват жуссаси, даҳшатли жағлари, иблисдек чаптастлиги туфайли эмасмиди. Табиат ато этган мана шу хусусиятлари сабабли у кўп нарсага эга, шунингдек, кўп нарсадан маҳрум эмасмиди?

Яйловдалигида ундаги бу хусусиятлар бир сифатга, яъники “зўр кучук” деган атамага йўғрилганди. Даҳшатли жағлари эмас, мавжудлигининг ўзи аҳамиятли эди. Сувонқулга шунинг ўзи кифоя эди. Қиш кезлари қўтон оралайдиган бўриларга бас келадиган ити борлигининг ўзи муҳимроқ эди. Ишқилиб, Сувонқул уни ўзи-ча қадрларди. Ҳар нарсанинг яхшиси кам бўлишини тузукроқ фаҳмларди. Бу етмагандек, Ёвқур ғоят фаросатли жонивор эди. Кишилар сўроқлаб кела бошлагандан бери қадри ортиб борарди. Айниқса, қўшни сурув чўпонлари унга ҳавасу ҳасад билан боқардилар. Бу ҳол Сувонқулга ҳузур бағишларди, ҳам ташвиш туғдирарди.

Кулранг она ит қўтон ортидаги инда болалаганда, бешта кучукча орасида зумрад янглиғ бир жонивор мавжудлигини у бошда илғамади. Кучуклар оёқлаб, ялангликда лўмбиллашиб юра бошлаганда, эътиборини улардан бирининг ҳаракати тортди. Бошқа кучуклар чўпга, хасга ўралашиб, ингиллашганда, у дадил одимлар, оға-иниларидек дуч келган нарсаларга илакиша-вермас, гоҳида чўнқайиб, катта итлардек узоқ-узоқларга жиддий тикилиб қоларди. Қўтонга яқинлашаётган қорани узоқданоқ биринчи бўлиб пайқар, муносабати ҳам шунга яраша эди. Бутун вазоҳатидан Ёвқур феъли англашиниб турарди. Ана шу феъли Сувонқулнинг тилида биргина сўзда акс этди: “Ёвқур!”

Сувонқул уни қўлига олиб, эзгилаб кўради. Кейин барча кучукларни йиғиб, селдан ҳосил бўлган чуқурга ташлайди. Кучуклар чуқур тубида уймалашар экан,



фақатт бири — Ёвқургина юқорига тирмаша бошлайди. У чуқур оғзигача яқинлашар, сирғалиб пастга тушар ва яна юқорига тирмашарди. Қолганлари захда бемақсад, бесамар тентирашганда, у, бу ёруғ оламга ёлғиз шу юмуш учун келгандек, ташқарига интилишда давом этарди. Одатда, беҳуда ҳаракатдан кўп жониворларнинг тез ҳафсаласи қайтади. Нолакор фингшимоқнинг пайида бўлишади.

Сувонқул кучукларни чуқурдан бир-бир тортиб оларкан, Ёвқурга узоқ тикилиб қолади. Бироқ уни синчи деб бўлмасди. Синчилик йўқ эди унда. Шу боис, кўшни сурув чўпони Қосим шилпиқнинг йўлини пойлайди.

Қосим шилпиқ кўп куттирмайди.

Сувонқул кучукларга имо қилади.

— Шу бизди кучукларни бир кўриб берасизми, бово, — дейди.

Қосим шилпиқ ошиқмайди. Новвот солинган чойни хўриллатиб-хўриллатиб ичаркан, улар томон қараб ҳам кўймайди. Бунинг устига, одатдаги дийдиёсини тугатишга ҳали улгурмаганди. У ўғлидан нолирди, келини-ю кампиридан нолирди, уйда тариқча қадри йўқлигидан койинарди, кетаман синглимниқига бошимни олиб, дерди.

Сувонқулни чолнинг дийдиёси қизиқтирмайди. Кўп эшитган буни. Тезроқ кучугини билиб беришини истарди.

Ниҳоят, Қосим шилпиқ дийдиёсини бас қилиб, эран-қаран ўрнидан кўзгалади. Эринибгина итларга яқинлашади. Кекира-кекира, тили тагига нос ташлайди. Орада яхши ит мингдан битта бўлишини, туғилишини айтиб, қайсидир йили “Ўрол” мотоциклига алмаштирилмаган кимнингдир итини таърифини келтиради. Шунда ҳаддан ташқари имиллаётган чол бирдан сергак тартади. Чўнқайган кўйи ўзига тикилиб турган Ёвқурнинг қаршисида бир зум тек қотади. Сўнг, уни авайлаб қўлига олади. Йўғон, қийшиқ бармоқлари жониворнинг бутун тани бўйлаб пайпасланади. Шилпиқ кўзларини пирпиратиб, гоҳ қўлидаги кучукка, гоҳ Сувонқулга боқаркан, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, уни маҳкам бағрига босганча кета бошлайди.

— Ит эмас, таппи бу, — дейди Сувонқулнинг ҳай-ҳайлашидан сўнг, зўрға тўхтаб. — Бунингни фақат рангги яхши экан. Шугинани берақол.

Сувонқул содда, аммо аҳмоқ эмас, чол ҳурмати кулимсираб, итга қўлини чўзади.

— Э, бунинг рангги бизгайм ёқади.

— Шу ҳаром қотгурчалик қадримиз йўқ экан-да, а? — Қосим шилпиқ кучукни беришни хаёлига келтирмайди. — Сени иним деб юрсам, бегонадан ёмон экансан-ку, а!

— Қадрингиз баланд, фақат итни ташлаб кетинг.

— Биласан, кўзимнинг мазаси йўқроқ. Касал кўзга мана шундайчикин ранг даво деб эшитганман.

Чолнинг йўқ ердаги баҳонасидан Сувонқулнинг кулгиси қистаса-да, кулолмайди.

— Ана, иккитасиям шу рангда, олиб кетаверинг иккисиниям, — дейди.

— Мен бечора бир одамман, — чол кўзларини намлайди. — Улим ота, кампирим эр ўрнида кўрмайди. Ҳеч бўлмаса сен ўртама юрагимни. Сендан кўй сўрама-япман, жон сўрама-япман, биттагина кучук учун шунчами?

— Шундан бошқа барини сўранг-да, олиб кетаверинг. Йўлингизни тўсган номард.

— Бечора бир чолди хафа қилишинг яхшими, иним. Илойим, улгинангни кўтарай ўзим. Кетай, йўлдан

қолдирма мени.

— Шўрва осганман, — Сувонқул чолни ранжитмасликка тиришади. — Шунни бирга-бирга ичайлик, кетарсиз кейин.

— Бермайсан?!

— Чўпондан жон сўрасанг-да, ит сўрама дегансиз.

— Мен бирини сўраяпман, сенда...

— Фақат бунисиниямас, қолган ҳаммасини олиб кетаверинг.

— Менга шуниси керак-да.

— Бу менгайм керак.

— Отангга ўхшаб жуда ўр экансан, лекин.

— Отамгайм бермасдим буни.

— Амакинг Садир чўлоқ ҳам гўр эмас...

— Амаким мен билан ҳам урушли.

— Тоғанг Ашур маймоққа тортибсан!

— Уруг-да.

— Бовонг Эркин читтак яхши одам эди лекин.

— Бовомни эслаёлмайман.

— Қора кунимда у менга бир чакмон берган, сен бир ҳаром итингни аяяпсан.

— Ундан кўра, устимдаги тўнимни ечиб бера қолай. Ана, қари эшагимам сизга. Кучукка тегманг фақат.

— Ит бўп қопсан ўзингам.

— Даштда ёлғиз юрганимиздан сўнг, ит бўламыз-да, — Сувонқул ҳокисорона жилмаяди. — Шўрво пишиб қолди.

— Селда ўн қўйим оқиб ўлди деб алдаганингни раҳбарларга айтаман.

— Сиз ўн бештасига қоғоз қилдиргансиз.

— Меники чиндан оққан.

— Меникиям.

— Шу итни бер-да, ана сурувимдан истаган бир кўйингни опкетавер.

— Керакмас кўйингиз, итни беринг, бово.

Қосим шилпиқ, “ма, пишириб е”, дея зарда ила улоқтирган жониворни Сувонқул базўр илиб олди.

— Қанақалигини айтмадингиз, бово.

— Ит эмас, тезак бунинг!

— Шунингчун боврингизга босиб олган экансиз-да, — Сувонқул беозор жилмаяди.

— Одам-подам эмас экансан лекин, — чол баттар тутақади.

— Шўрвани нима қиламиз?

— Шўрвангни энангга бер!

— Яримта ароғимам бор. Тунов кунни Шерматнинг тўйидан опкелувдим.

Диконглаб кетаётган чол бу гапдан сўнг тўхтайди.

— Кучугингни бермадинг, ароғингниям ичмайман, — дейди сира паст тушгиси келмай.

— Ихтиёрингиз. — Сувонқул унинг ҳолатидан кулади. — Аммо-лекин шўрва билан зўр кетади-да жонивор.

Қосим шилпиқ иккиланади. Қолай деса, оғзидан ҳар хил гаплар чиқиб кетган. Юзи чидамайроқ турибди. Қолмай деса, нафси ҳакалак отиб кўймаяпти. Бийдек даштда ароқ дегани анқонинг уруғи. Охири, ўринли баҳона топади-да, ўртадан кўнгил хираликни қувади.

— Майли, ҳеч кимга овоза қилмайман, — дейди писанда оҳангда. — Қўлингдаги ит эмас... — У фикрини сўзда ифода этолмай, бармоқларини шикирлатади. Кейин бирдан бақириб юборади: — Ичимни куйдирма кўп. Бунақаси яқин йиллар ичида туғилмаган. Асра буни! Ошиғи

қўп бўлади бунинг. Битга-яримта лип этиб илиб кетмасин тагин.

Қосим шилпик таом устида қайта ва қайта ваъда берган бўлса-да, Сувонкулда ноёб ит борлигини барибир овоза қилди.

Кейинчалик Сувонкул кайф устида итни Тальатга тортиқ қилиб юборганини эшитиб, дарғазаб келиб, йиглаб кетади. Шундагина Сувонкул нима қилиб қўйганини фаҳмлаб етади ва қанчалик уят бўлмасин, Ёвқурни қидириб йўлга тушади. Ака-ука тутинганмиз, аҳволимни тушунар деб умид қилади.

* * *

Ўшанда симтўр ортига қамалган Ёвқур Сувонкулнинг ҳидини у дарвоза қоқмасданоқ илғайди.

Улкан ҳашамдор дарвоза аввалига оҳиста қоқилади.

Сўнг қишлоқчасига чақирёқ овози эшитилади.

— Тальят ака! Ов-в, Тальят ака!

Тальят деганлари кенг ҳовлидаги баланд сўрида ёнбошлаб ётарди, чақирёқдан ажабланади-ю, лекин қўзғалмоқни хаёлига келтирмайди. Дарвозани аёли бори очади.

Эшикда, бошида ўша-ўша яғири чиққан телпак, эски тўнли Сувонкул кўринганда, Ёвқур инига сиғмай, сакраб, ер тирнаб ётарди. Унга кўзи тушгач эса баттар кутуради. Негаки, ҳовлига Сувонкул билан бирга қаддон дашт ҳиди ҳам кириб келганди-да. Бу шунчаки ҳид эмас, озодлик нафаси эди. Бир неча кун ичида Ёвқур эркинликни, даштни, сурувни, келиб-кетадиган чўпонларни, итларни шу қадар соғингандики, соғинчдан гўё ҳализамон ўлиб қоладигандек эди.

Сувонкулнинг таширфи итни қанчалик қувонтирган бўлса, шу даражада Тальятнинг энсасини қотирди. У ҳатто ўрнидан туришни лозим топмади. Қаддини сал кўтариб, ўтирган ерида совуққина қўл чўзди.

— Келинг!

— Аранг топдим, ака, — Сувонкул қимтинганча қўшқўллаб кўришди. — Манзилни нотўғри берган экансиз, бозордан суриштириб топдим. Сизни танимайдиган одамнинг ўзи йўқ экан. Айтишди, кўрсатишди. Акамни кўрмай кетиш йўқ, дедим. Мана, топиб келдим, ака!

Тальят кўркам ҳовлисига ярашмай турган меҳмонга хушламай тикиларкан, тагин, келинг, деди-да, сўрига ишора қилди.

— Чиқинг!

Сувонкул чанг этигини ошиқмай ечиб, сўрига чиқаркан, “ака”сини ёқтирмай турганини охири пайқайди. Хижолат тортиб, энгил-бошига тезгина разм солди. Сўнг мезбонга ажабсиниб кўз ташлади. Тальят деганлари яйлловдаги ўша кимсага сира ўхшамасди. Совуқ ва кибрли, бир қадар қахрли эди. Ўзини худди етти ёт бегонадек тутмоқда эди.

Сувонкул тезроқ мақсадга ўтмоқ лозимлигини англади.

— Ака, — деди акиллаб, ингиллаб симтўрга ёпишаётган Ёвқурга имо қилиб. — Шунинг дардида келдим. Уят бўлса-да, акам тушунар деган ўйда, эшигингизга бош эгиб келдим. Урсангизам, сўксангизам, бунга ҳақингиз бор, шугинани қайтиб берсангиз деб келдим ҳузурингизга. Шаҳарда бундай ит хор бўлади. Бунинг жойи дашт, ака.

— Бер демаганман, берган ўзингиз.

— Тўғри, ака.

— Берилган нарса қайтариб олинмайди.

— Гапингиз чин, ака.

— Уят бўлишини ўйламабсиз-да.

— Акамсиз, тушунарсиз деб умид қилдим.

— Унда сизам мени тушунинг.

— Бусиз менга қийин бўлапти-да, ака.

— Менгаям қийин бўлади-да.

— Сурувни бировга топшириб келивдим...

— Чойлаб кетмайсизми?

— Бошқа сафар, ака. Ановуни берсангиз, кета

қолсам.

— Ҳай, яхши боринг.

— Бердингиз-а, ака?

— Нимани?

— Кучукни-да.

— Ҳада қайтиб берилмайди.

— Сизга бошқасини...

— Йўқ, бизга шуниси дуруст.

— Одамни қийнаманг, ака.

— Бўлари гап шу.

— Ахир биз оға-ини тутинганмиз-а, ака.

— Шундай бўпмиди, — Тальятнинг қалин қошлари ҳайратли керилди. — Эслаёлмайман.

— Одамни калака қилманг бўйтиб, э.

— Ит ҳақида гапирманг-да сизам.

Улар сўрида гап олишар экан, Ёвқур ўзида йўқ шод эди. Димогида даштнинг ўткир ҳидини сезгани сайин симтўрни ёриб чиққиси, кенгликда ҳолдан тойгунча елиб-югургиси келарди. Тор жойда торикқан юраги эркинлик истарди. Ўзини аллақачон даштда ҳис этмоқда эди. Бунга сари, анову иккисининг гапи тугай демасди. У ўзини ҳар томонга ташлаб, сувини тўкиб, ялогини ағла-риб ташлади. Сувонкулдан таралаётган тер, чанг, қий, тутун исини ҳидлаб туймасди. Қоришиқ бу ислардан тобора кутуриб бормоқда эди.

Бу орада “ака-ука”ларнинг овози қаттиқ-қуруқ чиқа бошлади. “Ака” муомилада Сувонкулни одам ўрнида кўрмагани сайин, “ука”нинг жони халқумига келмоқда эди.

Шу пайт дарвозада Тальятнинг чин укалари кўринди. Барваста бу йигитлар ҳам Тальят каби совуқ ва кибрли эдилар. Улар сўрашмоққа қўзғалган Сувонкул билан қўл учиди кўришиб, акага саволомуз қарашди.

— А-а, — деди Тальят бепарво қўл силтаб. — Кучукни беринг, деб келти. Бу қишлоқлар жуда қизиқ-да, ўзлари бериб, ўзлари сўраб келишади.

— Ўрнига жонимни берай деяпман-ку, ака, — деди Сувонкул бамайлихотир сигарет тутатаётган Тальятга, гоҳ қовоғи очилмай турган йигитларга жавдираб. — Беринг, шуни. Келаси баҳорда бундан зўрини опкеб бераман. Чин укалик сўзим!

— Меҳмонга чоям қўймабсиз? — Йигитлардан бири совуқ ишшайди.

— Дарвоқе... — Тальят уй томонга ўгирилиб, чой, дея бақирган бўлди.


— Оға-ини тутингандик-а, ака, — ниҳоят ўзини лақиллатилганини фаҳмлаб етган Сувонкул аламонок бош чайқади. — Қиёматли ака-ука тутинивдик-а!

— Қачон? — Тальят эрмаклар кулди. — Худога шукр, мана, укаларим бисёр...

— Укам йўқ девдингиз-ку ахир, — Сувонкул шундагина йигитларнинг унга ўхшашлигини пайқайди.

— Наҳотки. — Тальят унга ўшшайиб тикилди. — Қачон бўливи бу гап?

— Ҳаром бир жониворни деб гижиллашимизнинг ўзи нодонлик! — Сувонкулнинг овози қалтираб чиқди. — Лекин сиз одам боласининг ишини қилмадингиз! Бошлаб аллабсиз мени. Ҳа-а, одамнинг соддаси бўмай ўлай мен!



Ёвқур Сувонқулнинг изидан беҳуда ангиллаб қоларкан, табиий, бундан кейинги тақдири не кечишини билмасди. Билган, аниқроғи, ҳис қилган бирдан-бир нарсаси, илгари бу ҳолатни ҳеч туймаган, кучли ториқшдан ёраги тарс ёрилиш даражасига етганди. У ўзини қўярга жой тополмай, гоҳ симтўрни тишлаб тортқилар, гоҳ эса, кенг даштдан тор қафасга олиб келиб қамашларининг сабабини англаб етмоқчидай, бўзчининг моксидай у ён-бу ён бориб келар, сўнг бирпас тин оларди-да, ҳаммасини яна қайтадан бошларди.

Тутқунликда унинг учун емишнинг ҳеч қизиғи қолмаганди. Даштда эса овқатланиш фурсатларини интиқлик билан кутарди. Оғзига оладиган ҳар бир луқмаси шу қадар лаззатли татирдики, азбаройи ҳузур қилганидан кўзлари юмилиб, қўйруғи ўйнаб кетарди. Бу ерда эса емиш тугил, вақт ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эди. Яйловда адо этиши лозим бўлган юмуши тайин эди. Тонгда сурув атрофини бир қур айланиб келарди-да, ўт ёнаётган ўчоқдан сал берида чўнқайиб, емак беришларини кутарди. Кейин кун бўйи қўй-қўзиларга кўз-қулоқ бўларди. Қоқ тушда бир оз мизғиб олишнинг унутмасди. Уйқуси зийрак, қулоғи ҳамшиша динг эди. Сурув, даштда пайдо бўладиган нотаниш қора-қуралар доимо унинг диққат марказида эди. Дилбар оқшомни эса алоҳида завқ билан қаршиларди. Тоғ томондан кўзголадиган шабадага юз туганча оловга тикилиб ётишни хуш кўрарди. Кўзи оловда бўлса-да, қулоғи ҳар вақт теваракда эди. Қилт этган нарса унинг назаридан четда қолмасди.

У бу юмушларни табиий бир завқ билан адо этаркан, Сувонқулни дашт эгаси, қўй-қўзиларни эса қўруқлашиши шарт бўлган жониворлар деб биларди.

Сувонқул келиб-кетгандан сўнг эрксизлик ва беқорчиликдан юрак-бағри қон бўлган жонивор увлашни одат қилди. Бора-бора бу қилиғи ўзига ҳам ёқиб қолди. Негаки, улаган кезлари қандайдир енгил тортарди. Аммо бу вақтинчалик ҳолат, симтўр ортидан ҳовлида эмин-эркин юрган одамларга, мушукларга, донлашаётган товуклару дарахтлардаги қушларга кўзи тушгандан тўсагдан қутуриб кетарди. Ўзини симтўрга уриб, неки тирик жон бор, барини бўғизламоқ, тишламоқ қасдида ирғишларди, сакрарди. Секин-аста бу феълига сингиб, у сиркаси сув кўтармайдиган, жиззаки, тажовузкор итга айлана борди.

Талъатга эса айни шу нарса керак эди. У тутқунликда итнинг дилгир ва ғазабкор тортишини, эгасидан бўлак ҳамма нарса жиғига тегадиган бўлиб қолишини яхши биларди. Итнинг шу ҳолатидан фойдаланган ҳолда, уни ўз йўсинида тарбиялай бошлади. “Ёвқур, бос!” деган буйруқни унинг онги ва шуурига сингдира борди.

Кўп ўтмай Талъат симтўрни ёғоч девор билан алмаштириб, уни ташқи оламдан бутунлай мосуво этди. Бу тарбиянинг навбатдаги тури бўлиб, ташқи дунёдан айро тушиш итнинг тажовузкорлигини янада орттирарди. Орада у жониворга нотаниш кимсаларни ҳовлисига таклиф этиб, итни уларга гиж-гижлар, гоҳида эса атай овқатини кечиктирар ва оқибат, ваҳшийлашган ит ўзини ҳар ён ташлаб, уришмоқ, ёқалашмоқ, йиртмоқ қасдида тўлғанарди.

Шунга қарамай оидин тунлари Ёвқур барибир даштни кўмсарди. Даштдан ягона эсдалиқ бўлмиш кўкдаги ойга термулганча, яйловни соғинар, туңги гулханни истарди. Эркинлигига даҳл қилаётган бўйнидаги занжирни, тўрт деворни, қўйинги, теварагидаги жамики нарсани шу қадар ёмон кўрардики, жағи етган неки бор, барини бурдалаб ташлагиси келарди. Шу қўйда ўртанар-

ди, ирилларди, ингилларди, сўнг тумшугини кўкка чўзганча чўзиб-чўзиб увв тортарди.

У бора-бора Талъатдан ўзга кимсани тан олмай қўйди. Негаки, у томоғига қарарди, тагини тозаларди, яғринини силаб-сийпарди. Енги ва этаги узун, қалин пахталик рўдапони кийиб, у билан олишарди. Виқорли ҳатти-ҳолатга ўргатарди. Буйруқ измида тарбияларди. Бу ёруғ олам тушунчаси ёлғиз эгаси эканлигини шуурига сингдиришга уринарди. Оқибат, Талъатдан ўзга жон гашига тегар, қаҳрини кўзитарди.

Майдонда ўзига илк бор рўпарў келган “Чемпион” лақабли малла итга шу кайфиятда ташланганида, ит қолиб, теварақдагилар ҳам чўчиб кетганди унинг йиртқичона важоҳатидан. Ўшанда у на атрофдаги одамларни пайқаган, на бошқа нарсани. Бўйинини чирмаган сиртмоқда халос топиши билан қаршисидаги жониворга ўқдек ташланган ва тирикликдан ягона мақсади-тишлашу бурдалашдан иборатдек, қонли жангга боши билан шўнғиганди...

Даврадаги қонли жанглари бошидан кечири бошлагач, у гоҳи тунлари ғалати туйғулар исканжасида қоладиган бўлди. Илгарилари у оидин кечалари кўпроқ даштни кўмсарди. Кейинчалик тасавурида жонланадиган бу манзара ўрнини ой ва юлдузлар тарҳидаги юксак тепаликка чўнқайган қўйи, тумшугини кўкка чўзиб узундан-узун увлайдиган маҳобатли ит эгаллади. Бу итнинг нидоси уни қаергадир, нимагадир ундар ва у ўзини бир муддат билмай қоларди. Ой нурига чўмилган сирли ва сеҳрли сарҳадларга бош олиб кетгиси келарди. Бу ҳолат унда кўпинча жангдан сўнг юз берарди.

* * *

Ёвқур, назарида, жадал йўртаётган эса-да, аслида анча ҳорғин ҳаракатланаётган эди. Кенг даланинг бирор бир пучмоғидан овлоқ жой топиш умиди бўлгани ҳолда, бирдан унинг бу далада ўлгуси келмай қолди. Бунга яқин-йироқдан эшитилаётган кишилар шовури эмас, димоғига чалинган тутун ҳиди сабаб бўлганди.

Бу шунчаки тутун ҳиди бўлмай, у деярли унутиб юборган тезак иси эди.

Оқшомлари Сувонқул тезак ёқарди, қий ёқарди. Тунлари Ёвқур оловга тикилиб, дашт бағрида эркаланиб ётарди, тантиқланиб ётарди.

Сой бўйида қўй боқиб юрган болалар томонидан ёқилган гулхандан кўтарилган тутун ҳиди солганди унинг ёдига даштни. Қизиқ, тутун ҳидини илғашни билан шуури тиниқ тортиб, хотиралари жунбушга кела бошлаганди. Тасавурида қайта жонланган дашт экиндан, жумладан, одамлардан холи эди. Даштда тинчгина “пинак”ка кетиши мумкин бўлгани ўнқир-чўнқирлар сероб эди. Ярим тунда яйловда бўрилар изғиган кезлари биқинмоққа қулай бўлган кўтон ортида ини мавжуд эди. Бу инга Сувонқул томонидан мажбурий қамалса-да, ҳар ҳолда дашт қўйнида эди. Эртанги кундан умиди бор эди. Дала шабадаси билан ўйнашмоққа имкони бор эди.

Аслида, тунда юраги ўлим нафасини сезгандаёқ, кўнгли қир этагида ястанган даштни кўмсаганди. Аммо у фақат кўмсаш билан чекланиб, хотиржам кўз юммоқ учун шаҳарча четидеги далани кўз остига олганди. Аксига олиб далада бунинг иложи йўқ. Эндиликда унинг бор умиди узоқда қорайиб турган қирдан эди. Назарида, интилаётгани шу қир эди. Тутун иси ўша қирга умидвор тикилмоғига сабаб бўлганди.

Буни қарангки, у кейинчалик деярли унутиб юборган дашт ўлим соя солгандагина хотирида тиниқроқ жонланди. Тасавурида қайта тикланди, шаклланди.

Шакл эса сокин ва нурли бир тарзда маъно касб этиб, олға интиломоғига куч бағишламоқда эди.

Илгари у даштни қайси томондалиги билан унчалик қизиқмаганди. Ҳатто, тушларида ҳам рақиблари билан олишиб чиқадиган жониворга дашт нимаси? Ахир у давранинг гули — саркаш, жиззаки, ваҳшиёна завқ оғушида гувранадиган бир тўп оломоннинг эркаси эди. Тириклик деганда, жанг ва қон ҳидини англари. Умида учратмаган янги-янги ғанимлари билан олишганда, ажиб бир сархушликдан ҳузур қиларди. Бу сархушлик қон ҳиди билан қоришиқ эди. Оёқлари остида жонҳолатда тўлғанаётган ғанимлари бўғзига оғиз солганда, у йиртқичона бир ҳисдан шу қадар роҳатланардики, буни таъриф этмоққа сўз йўқ эди.

У мудом олишмоқни истарди. Талъат уни машинага етаклаб чиқиши билан бутун вужуди ваҳшиёна бир туйғудан қалтирай бошларди. Сабри чидамай қоларди. Рулда ўтирган Талъатнинг елкаси ва энсасига тумшуғи билан нуқирди. Турткиларди. Жанг турли жойларда уюштирилди. Гоҳ узоқ юришарди, гоҳида тез етишарди.

У тўпланган оломон ва итлар ҳидини узоқдан илгарди. Фингиб, эгасини баттар турткиларди. У эса, сабр қил-сабр қил, дея куларди. Бунга сари Ёвқур баттар типирчиларди. Аввал йиғилганларга назар соларди, сўнг итларга, негадир машиналар ҳам эътиборидан четда қолмасди. Кўз ўнгидаги бу манзаралар айро эмас, бир бутунликни ташкил этарди. Навбатини кутаётган итлар, жазаво оғушидаги оломон, ўртада жон олиб, жон бераётган икки нафар ит, ҳавонинг авзойи, ҳатто шабаданнинг эсишигача маълум бир яхлитлик касб этар ва бу нарса эҳтиросини янада кўзгатарди.

У машинадан ҳамшиша тантанавор тушарди. Хотирда маҳкам ўрнашиб қолган қизил “Жигули” эмасди бу. Қорамтир машина эди. Талъат деганлари машинани тез-тез алмаштириб турарди. Шунингдек, Ёвқур ҳам аввалги ит эмасди. У тутқунликдан торигиб, “дод-вой” қиладиган жонивордан мақсади аёнлашган ва бу мақсад йўлида ҳеч балодан тап тортмайдиган жонга айланганди. Ўзга итлар билан олишиш, оёқлари остида ётган рақибини аёвсизларча пийпалаш унинг шуурига, идрокига тўла сингдирилганди. Сингдирилган бу туйғу одамларнинг қийқиригидан, итларнинг тажовузкорона шовқинидан ҳар гал янгидан куч олиб, даҳшатли бир ваҳшийликни юзага келтирардики, бу ваҳшийлик олдида тириклик бир чақага қиммат эди. Қонга беланиб олишувларнинг асосий моҳиятини ана шу ҳолат ташкил этарди.

Ёвқур тасмасидан маҳкам тутган эгасининг етовида виқорли одимларкан, одатига биноан, таниш ва ҳаяжонли башараларга тезгина кўз ташлаб оларди-да, сўнг даврадаги итларнинг энг бақувватини танлаб, унга адоватли тикилганча, Талъат кўрсатган ерга бамайлихотир чўзиларди.

Уриштирмоққа олиб келинган итлар ўзларини турлича тутарди: айримлари лоқайд ерда чўзилиб ётар, баъзиларининг ғайрати ичига сиймай типирчилар, бошқаларида эса ҳар икки ҳолат қоришиқ бўларди. Аммо барининг нигоҳида бир маъно жам, яъни жон олиб, жон бермоққа ҳозирлик мужассам эди.

Бошқа итлардек, унинг изми эгасининг қўлида эди. Қачон даврага тушади, қайси ит билан ёқалашади — буни билмасди. Ақиллаётган, ириллаётган ёхуд жимгина чўзилиб ётган итларнинг қайси бирига рўпару келади, сирасини айтганда, унга барибир эди. Муҳими, олишмоқ қон тўқмоқ, кези келса, мавҳ этмоқ эди.

Даврада ҳукм сурадиган жазаво ёввойи бир завққа йўғрилган бўлиб, итлардан тортиб одамларгача унинг

асири эди. Итлар шафқатсиз суръатда олишар, ер қизил қонга бўялар, бунга сари одамлар қийқиришар, бунда ақл билан ваҳшийлик ўртасида чегара қолмасди. Бари қоришиб, бир-бирига сингишиб кетарди.

У шабада аллақарларданбир олиб келадиган турфа ҳидлардан аввалгидек завқланмасди. Ошна тутунган эндиги ҳиди-қон, тер, сўлак, ҳайқираётган кишилардан гупураётган турли-туман ислар қоришмаси эди.

Бу ҳидлар Ёвқурга эсидан айрилар даражада қаттиқ таъсир этар, қутуртирарди.

Бу ҳаёт тарзига у осонликча кўникмади.

Сувонқул келиб кетганидан сўнг, эркинликка кўниккан бу жонивор тутқунликнинг барча азобларини бошидан кечирди. Табиат ато эткан мислсиз ғайратини нечук сарфлашини билмай, тахта деворни ғажишгача бориб етди. Бу етмагандек, Талъат пахталик рўдапо кийиб, шусиз ҳам ичига сиғмаётган ғайратини баттар жўштирар ва уни тийиқсиз бир ғазабга айланттирарди. Унинг кунлари, узун тунлари мана шу хилда ўтар ва, назарида, бу диққанафаслик ҳеч қачон тугамайдигандек туюларди. Ёғоч девор ортида умрбод қолиб кетадигандек эди.

Йўқ, эрта баҳор кунларидан бирида Талъат одатдагидан ўзгачароқ қиёфада кириб келади. Уни бирпас эркалаган бўлади. Сўнг ташқарига етаклаб чиқади.

Ёвқур ишонқирамай одимлайди. Сўри четида ўзига ора бераётган мушукка ташланади. Озодликдан сармаст кўринган қорага қараб ғапшинади. Занжирдан маҳкам тутган эгасига бўй бермасликка тиришади.

Талъат уни бир амаллаб машинага солади.

Ўша куни Ёвқур илк бор даврага рўпару келади. Қизил қонига беланиб олишаётган итларни кўради, Одамларнинг жазавасидан ҳайратда қотади. Умру бино бўлиб, бу қадар кўп одаму итларни бир ерда йиғин ҳолда кўрмагани боис, дастлаб довдирайди. Фингиши инграшга айланади. Бўлаётган ҳодисадан эмас, манзаранинг ғоят хунуклигидан ваҳимага тушиб, фингшийдди. Сўнг итоаткорона бир четда чўнқайиб, кишиларга, олишаётган итларга, кўкдаги қушларга алаҳсийди.

Бир пайт Талъат уни турткилаб қолади. Яғринини силаб-сийпаб нимагадир гиж-гижлай бошлайди. Даставвал нимагалигини у тушунмайди. Кейин бундай қарасадди, қаршисида ола бир ит ириллаб турибди. Анча нарида, лекин кўзлари унда. Шундагина у ўзидан нима талаб этилаётганини англайди ва умрида кўрмаган нотаниш жониворга жон-жаҳди билан ташланади.

Ўша куни “чемпион” лақабли энг зўр итлардан бирини енгганини, турган гап, у билмади. Билган бирдан-бир нарсаси, бу хил давраларда урушмоқ лозимлигини идрок этиш бўлди. Кейинчалик у ҳар бир жангни кўмсаб қаршилайдиган, бу кунларни сабрсизлик билан кутадиган бўлди. Қонли олишувлар унинг ҳаёт тарзига айлана борди.

Эндиликда сўқмоқ бўйлаб оҳиста йўртиб бораётган бу жонивор бир пайтлар ишқибозлар орасида доврўқ қозонган итга сира ўхшамасди. Келбатида андак ўхшашликни демаса, аввалги куч-қувватидан асар ҳам йўқ эди.

У узоқдаги қирни қора тортган бўлса-да, овлоқ жой умидида теваракка аланглашни қанда қилмас, бирок дала кенг эса-да, одам шовуридан холи эмасди.

Одамзод унинг яшашига ҳалақит бергандек, тинчгина кўз юммоғига ҳам йўл қўймаётганди.

* * *

Охири у чарчади. Дашт хотираси туфайли юзага келган эрталабки иштиёқ ва интилиш хийла сустлашиб,

дуч келган бута тагига ўзини таппа ташлади. Вужуди бўйлаб секин-аста таралаётган ички ҳолеизликданми, шу созда жимгина ўлиб қўя қолмоқни истади. Бироқ ўлмоғига ҳали эртароқ эди. Негаки, унинг ҳид олиш, кўриш, эшитиш, ҳис қила билиш сезгиси ҳали бинойидек эди. Одатда, ўлимни қаршилайдиган ҳар қандай жонивор биринчи галда мана шу сезгиларидан маҳрум бўлади. Ўлим эса сўнг...

У чўзилиб ётган ерида сойнинг эгри-бугри ўзанига ҳусисиз назар соларкан, теваракдаги шовур шуурида аке этаётганини пайқайди. Тунлари кўтон ортидаги ертўласимон чоғроқ инида қамалиб ётганига қарамай, ташқарида юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни англаб етгандек, ҳозирда ҳам қайноқ ҳаёт сасини ҳис ва сезгилари орқали идрок этмоқда эди.

Кучукваччалигида айрим тунлари Сувонқул уни ўша инга қамаб, даштда изғийётган бўрилар тажовузидан омон сақлашга ҳаракат қиларди. Нега деганда, бўри зоти зуваласи сал бошқачароқ узилган итларни мурғаклигидаёқ маҳв этмоққа интилади.

Азалдан шу.

Шунинг учун Сувонқул уни кундузлари ёнидан жидирмасликка тиришар, тунлари эса қамаб қўярди.

Ёвқур қаттагина харсангтош билан маҳкамланган эшикни беҳуда тирмаларкан, пусиб яқинлашаётган бўриларнинг исидангина эмас, шарпасиданоқ пайқар ва ангиллаганча эшикни баттар тирнар, ўз хаёлида эгасини хавфдан огоҳ этмоққа уринарди. Сувонқул милтиғини варанглашиб, уларни ҳайдаб солса-да, йиртқичларнинг кўпда узоқлашмай, шу яқин-атрофда ўралашаётганини у ички бир сезги билан ҳис этаркан, ташқаридаги катта итларнинг журъатсизлигидан ҳайрон қоларди. Бўрилар яқинлашаётганини пайқаган итлар кўтонни ўз ҳолига ташлаб, Сувонқулнинг пинжига уриб кетишарди. Йиртқичларни катта хавф деб билмаган Ёвқур эса тишлашга интилар, бунга монелик қилаётган бўрилар тутқунликдан нолигандай, гингширди, ангилларди, аккилларди.

Тунлари уйкудан қолган Сувонқул гоҳида ўзича тўнғилаб қоларди: "Сени деб кўтон теварагидан жондор аримай қолди. Ё шу бирортасига бериб юборсаммикан".

Аммо бу шунчаки пўписа эди.

Ёвқурни бировга бериш Сувонқулнинг хаёлига ҳам келмасди. Талъат боғлаб лақиллатиб кетганидан кейин биринчи қилган иши, Талъат ҳада қилган приёмникни уриб синдириш бўлган. Аввалига ачиниб, сўнг устидан ҳиринг-ҳиринг кулган Қосим шилпик билан ёқалашган.

Даштга сиғмай кўп қийналган, кейин одатдагидек, кўниккан.

Ёвқур даштдалигида тонгни қаршилашни яхши кўрарди. Тонг бўзариши билан харсангтош бир четга сурилиб, эшикча очилар ва у ташқарига ўқдек отилиб чиқарди. Тунги тутқунликнинг ҳиссасини чиқармоқчидай, кўтон айлиниб чопар, сўнг майсалар устида обдон ўмбалоқ ошиб ўйнади. Саодатли кунларининг саодатли ҳар бир лаҳзасида яйраб-яшнашга ҳаракат қиларди. Кейин қир бошини қирмизи рангга бўяб, эринибгина мўраламоқни бошлаган қуёшни чўнқайган қўйи қаршиларди. Нигоҳи билан қаноатланмай, тумшугини чўзганча ютақиб ҳавони искар, димоғига чалинган ҳидлар кўмаги ила теваракни янада тевароқ идрок этмоққа уринарди. Тунда изгитан бўрилар ҳидига қоришиқ ўлак-са иси, кўтон исига аралаш ўчоқда тутаётган тезак хиди... Бари гоёт қадрдон, шунингдек, гоҳ гуссага чўмдирадиган, гоҳ эса ғайратини жўштирадиган турфа ҳидлар эди.

У яна билардики, тунда сойликда хомталаш қилиб кетилган бирор бир жониворнинг жасади атрофида доимо бўрилар ҳиди анқийди. Тутун ҳиди ортида ёмиш бор. Шунингдек, ўғиз ва қон иси эса бирорта совлиқнинг қўзилаганидан дарак беради...

Ёвқур борлиқни тезроқ англашга интиларди. Димоғи унинг яқин йўлдоши, билиш воситаси эди. У бошқа итлардек кўзи билан чекланмасди, димоғига кўпроқ суянарди, инонарди ва шунга қараб ҳаракатланарди.

Ҳозир ҳам у чарчоқ оғушида аста мудраркан, димоғи ила теваракни англаб ётарди. Бироқ олам шовури-тириклик ортиқ уни ҳаяжонга солмас, қайтанга чексиз гуссага чўмдирмоқда эди. Бу далада тинчгина кўз юма олмаслигидан хавотирда эди.

У ёшини яшаб, ошини ошаб, яъни кексайиб ўлмаётганди. Кексалик ҳали анча олисда эди. Жангу жалаллардан орттирган дарди туфайли тарк этаётганди бу оламни. Ўлимни чорлаётган ички дарди нелигини яхши биларди. Негаки, бу дард илгари ҳам бир неча бор бош кўтарган ва у ҳар сафар унинг ўлим билан якун топишига чап бера олганди. Бироқ бу гал чап бермоқнинг имкони йўқ, шу пайтгача узоқдан кўз солиб келган ўлим шарпаси эндиликда нақ тумшуги атрофида ўралашмоқда эди.

Итнинг вужудига чирмашган дардни Талъат илгарийёқ пайқаганди. Пайқаган заҳотиёқ Ёвқурга нисбатан бўлган муносабати кескин ўзгарган. Сал аввал тумшугидан ўпмоққа ҳозир бу кимса энди итдан тезроқ қутулмоқ пайига тушиб қолганди. Бироқ ит жонивор мол эмасдики, семиртириб қассобга оширсанг. Шунга қарамай, у итнинг томоғига қараган, яхшилаб парваришлаган ва анчадан бери кўз-тикиб, оғиз солиб юрган Назар узунга пуллаб юборганди. Шунчаки эмас, гўё қадрдонлик ҳурмати туфайли унинг райини қайтаролмаган бир тарзда сотиб юборган.

Бу уйдан насибаси узилганини Ёвқур Талъатнинг авзойидан, Назар узуннинг кўзлари йилтиллашиданоқ сезганди. Етаклаганда, "ётоғи"дан ҳаммиша сапчиб чиқадиган ит бу гал оёқ тираб олган. Оқибат, уни ташқарига судраб чиқаришган, машинага ҳам шу ҳолда солишган. Агар жағларини маҳкам сиқиб турган тумшукбанди бўлмаганида, Назар узун деганларининг адабини бериб қўярди-я. Бироқ Назар узун у билан жуда тез тил топишди. Талъатга ўхшаб уни тутқунликда асрамади. Томоғига қараш билан чекланмай, саҳар ва кеч оқшомлари уни сайрга олиб чиқар, кундузлари совуқ сувда чўмилтирарди. Аммо итга болаларни яқин йўлатмасди. Меҳр кўзда, болаларни яхши кўриб қолишдан, тўғрироғи, меҳри ийишдан чўчирди. Болаларга меҳр кўйган ит эса ҳеч қачон чинакамига олишолмайди.

Тани кучга тўлиб, дарддан фориг бўла боргани сари Ёвқур жанг истарди. Муздек сув, тоза ҳаво, метёридан ортиқ парвариш туфайли, у вужудига илашган дардни тез енга олди. Пайлари метиндек мустақкам, жағи эса темирни бурдалашга қодир эди.

Назар узун тарбия ва парваришда Талъатга нисбатан ўзгачароқ йўл тутган эса-да, асосни, яъни ўзга жонга адоват сақлашни унуттирмади. Ёвқур ўша-ўша барча тирик жонга газабкор кўз билан боқарди.

Ниҳоят узоқ қутилган вақт ҳам етиб келди. Кўз кунларининг бирида Назар узун уни майдонга олиб чиқди. Соврин катта эди. У икки кўр олишди ва учинчи кўрда Талъатнинг "Чавқар" лақабли янги итига рўпару келди. Бегона итнинг тасмасидан тутиб турган собиқ эгасига беихтиёр талпинаркан, унинг кўлларини яламоқ истади. Бироқ Талъатнинг боқишлари гоёт бегона эди. Важоҳати Чавқарниқидан пеш эмасди. Кўзларида ваҳшиё-

на ёввойи бир завқ ўйнади. Ёвқурга қарши янги итини гиж-гижларди. Ва шундагина Ёвқурнинг диққати собиқ эгасидан Чавқарга кўчди. Юрагида рашкка ўхшаш ни-мадир уйғонди ва рақибига ўша қизғаниш заптида ташланди. Бир ҳамладаёқ уни таппа тагига босди.

Алами кўзиган Талъат уни бир тепти. Бу тепкидан эмас, муносабатдан, янада аниқроғи, собиқ эгасининг кўзларидаги бегоналикдан Ёвқурнинг қаҳри кўзиди ва чаптастлик билан унинг болдирига оғиз солди.

Бўлди тўполон.

Шу кундан эътиборан, Талъат унинг ганимига айланди. Ҳар сафар янги-янги итларни унга қарши кўймоққа ҳаракат қила бошлади. Аммо у жангга мутлақо ярамайди деб ўйлаган собиқ ити ҳар гал голиб чиқаварди. Оқибат, у Ёвқурга қайта эга бўлмоқни истайди. Бироқ Назар узун деганлари Сувонқул эмас, унинг аврашларига учмади. Унинг кўзини куйдириб, Ёвқурни даврандан даврага олиб юришда давом этди.

* * *

Чарчоқ ва ҳолсизликдан кўзи илинган Ёвқур ди-моғига урилган янги ҳиддан сергак тортиди. Теваракка назар солди.

Сой кескин бурим ҳосил қилган ясси дўнглик эта-гидаги кўм-кўк чимзорда уймалашаётган йигитларга кўзи тушди. Дўннга тумшук тираб турган оқиш машинадан берида, чим устига ташланган наमतда тўрттаси ёнбош-лаб ётар, бири ўт ёқиш билан овора эди. Яна бири...

Ёвқур уларга ортиқ эътибор бермай, ошиқмай ўрнидан кўзгаларкан, шабадада тебраниб, яғринини сийпалаётган бўлиқ бошоқларни негадир ҳидлаб кўйди. Сўнг аста жилди.

Ортидан йигитларнинг кучли қаҳ-қаҳаси қувлаб етганда, у хийла илгарилаб кўйганди. Тўхтаб, ўгирилди. Одатича ҳид олди. Кўкка ўрлаётган тутун аралаш кабоб ҳидини илғади. Кабоб ҳидини сезган Ёвқур аввалгидек тамшанмади, лаб-лунжини яламади. Емиш энди уни қизиқтирмай кўйган. Бироқ кабоб исига қоришиқ ароқ ҳидидан жонсаракланди. Кетма-кет пишқирди.

Кейин бу ердан тезроқ узоқлашмоқ тараддудига тушиб қолди.

Ёмоннинг ҳам яхши жиҳати бор дегандек, Талъат уни бу хил нохуш ҳидлардан асрарди. Назар узун эса бу борада унинг ғирт тескариси эди. Ҳар гал туман марказидаги гавжум емакхонада тўхтамасдан ўтолмасди. Машинасини кўз кўрар ерда қолдириб, столлардан бири теварагига ястанарди. Лаҳза ўтмай улфатлари ҳам йиғила қоларди.

Машина ичида қолган Ёвқур атрофни дилгир кузатаркан, бу ердаги ҳамма нарса — кўра ёнидаги кабоб-паз йигитдан тортиб, ўткинчи-ю хўрандаларгача унинг гашига тегарди. Айниқса, ўйинқароқ болаларнинг машина ойнасини дўқиллатиб қочишлари ёмон газабини кўзгарди. Бунга-ку бир амаллаб чидарди, энг ёмони кейин бошланарди. Бўкиб ичишган улфатлар Назар узунни кузатишаётиб, бирдан итга қизиқиб қолишарди. Назар узунга эса шу керак. Чўп билан тишларини кавлай-кавлай, бугунги жанг таассуротларини сўзлаб бераркан, жўраларининг ичини куйдириш мақсадида анча-бунча ёлғонларни ҳам кўшиб юборарди. Жондордан тарқаган ит мана шунақа зўр бўлади, дея таъкидлаб кўярди. Улфатлар итдан бўрилиқ сиёғини қидириб, машина ойнасидан ичкарига мўралашар, бунга сари Ёвқурнинг жазаваси кўзирди. Гоҳида эса у ҳайратли даражада тўнглашиб қоларди. Орқа ўриндикда чўзилиб ётганча, ҳеч нарсага эътибор бермасди. Бу энди бугун бўлиб ўтган жанг-

нинг оғир-енгиллигига кўпроқ боғлиқ бўларди. У жанг-да ҳорган, озорланган жисмига ором бериш илинжида тинчгина узала тушиб ётаркан, эгасининг бу қадар узоқ овқатланишидан ҳайрати ошгандай, онда-сонда ташқарига қараб кўярди. Орадан уч-тўрт суяк чайнарли вақт ўтибдики, Назар узун ўрнидан турай демасди. Кейин у аста пинакка кетар ва ҳамisha бир хил туш кўрарди. Тушида у кенг даштда ўйноқлаб юрган бўлади. Уйғониб эса, тутун ўрлаётган кўрани, қаримсиқ юзли кабобпаз йигитни, ичкиликдан бўғриқиб, чақчақлашиб ўтирган улфатларни, ўз ташвишида ўтиб-қайтаётган кишиларни кўрарди. Олам тор тортиб, у беихтиёр ғингширди. Тумшугини оёқлари орасига суқиб, қайта пинакка кетишга уринарди. Шунда бирдан машина эшиги илкис очиларди-да, ичкари ароқнинг бадбўй ҳидига тўларди.

У ғижиниб ириллайди, ириллаб ғингшийдди.

Назар узун унинг норозилигини дарров илғайди. “Бугунги ғалабани ювдик-да, жўражон!” дея эркалаган бўлади.

Ёвқур яғрини томон чўзилган панжани ёқтирмайди. Таҳдидли ириллайди. Ириллаган кўйи тескари ўгирилади. Эгасининг эркалаш ниятида узатилган қўлини тишлаб олмоқдан ўзини бир амаллаб тияди.

Ёвқур нозиктаблуги боис эмас, ҳувв, бирда юзи-кўзига сепиб юборилган ароқ туфайли бу ҳидни ёмон кўриб қолган. Илгарилари ароқ ҳиди шунчаки нохуш ислардан бири бўлиб, Ёвқур айтарли унга эътибор бермасди. Сепилган ароқдан кўра, ўша пайтдаги вазият ва ҳолат унга кўпроқ таъсир этганди. Қисқача қилиб айтганда, аламини ичкилик билан босмоқ ниятида қўлига шишани олган Талъат ўшанда ароқни эмас, гўё юрагидаги бор газабу нафратини сочганди.

Бошини бир ён буриб, ич-ичидан ириллаётган итнинг важоҳатидан Назар узун чўчийди. Қўлини тезгина тортиб олиб, ҳушёрланади: “Жондордан тарқагани чинга ўхшайди буни. Турқини қара, ейман дейди-я! Бўшалса, дуч келган одамни ғажиб ташласа керак...”

Ёвқур, жанг пайтини ҳисобга олмаса, қолган вақт, ҳатто машина ичида ҳам доимо тизгинда бўлади. Аслида урушадиган итларнинг қисмати шу. Аммо у бир сафар тизгиндан бутунлай холи бўлган. Кетмоққа, эркинлик оғушига сингмоғига имкон туғилган. Бироқ у кенг дала-дашгта эмас, ўзи ғажиб узган узун тасмани судраганча, қишлоққа югурган. Ёпиқ эшикни яғрини билан туртиб очиб, Назар узуннинг укаси Хуррамнинг олдида борган. Қаттиқ-қаттиқ ҳуриб, уни ортидан юришга ундаган.

Қишлоғи яқинидаги жарликда машинасини ағдариб юборган Назар узун унинг мана шу сай-ҳаракати туфайли ўлимдан қолган. Ўзига келиб, ўйлагани шу бўлган: “Яхшиям, занжирда тутмаганим. Занжирни узолмасди, қишлоққа боролмасди. Ўрта ерда ҳаром қотган молдек ўлиб кетарканман”.

Шундан сўнг Ёвқурнинг доврўғи янада ортган.

Бироқ ит меҳр кўйган Назар узуннинг ёмон қилиғи кўп эди. Итини мақтаб юриб, бир оқшом кайфда уни қартада ютқазиб кўяди. Қартада ютиб олган Содиқ калла учун итнинг шон-шухрати-ю, қудрати бир чақага қиммат эди. Шунчаки бир ит-да. Муҳими, уни ютиб олди. Бор гап шу. Аммо эртаси кайфи тарқаган Назар узун чарх уриб келганда, итга нисбатан қизиқиши хиёл ортгандай бўлади ва йўлига бир оз таранг қилиб, унинг нархини оширмоқ истайди. Аксига олиб, Назар узун бир оз тезоблик қилади: “Яхши ит сизга ҳайф! Бу борада барибир сиз ҳеч нарсага тушунмайсиз-ку. Тинчгина сўқимларингизни боқиб юраверсангиз-чи!” дейди. Табиатан қайсар бўлган Содиқ каллага шунинг ўзи етади.



Назар узунни ҳовлисидан ҳайдаб, Ёвқурни узун симга маҳкамлайди. Куни кечагина давраларнинг гули ҳисобланган итнинг чекига энди унинг сўқимларини кўриқлаш тушади. Жониворнинг бу қадар жўн юмушга тортилиши Назар узунга кўп алам қилади: “Сиз гавҳарни хор қилаяпсиз! Ҳеч қуриса давраларга опчиқинг, ўзим уруштириб берман”, дейди. Содиқ калланинг тирикчилиги сўқимдан, ит уруштиришдан бебаҳра кўнгли эса гинақудратга тўла эмасми, баттар тўнини тескари кияди: “Гавҳарингни тезакка белейман, лекин зинҳор сенга бермайман”, дейди.

Куни, кутилмаганда, ўн чоғли сўқимни кўриқлашга қолиб, молхона олдига тортилган узун сим арқон бўйлаб нари-бери бориб келишга маҳкум этилган Ёвқур бу ҳолга кўниқолмай, жангни кўп кўмсайди. Сўнг бора-бора ғайрати сўниб, ювош итга айланади. Боз устига, боқувнинг мазаси йўқ, ялоғига ювиндидан бошқаси тўкилмасди.

Аслида эса Ёвқурнинг ювош тортиши сиртдан эди. Ичида мудроқ бир қувват яшарди. Бу қувват ярим тунда, узоқдаги тоғ тарафдан шабада кўзғалиши билан уйғонар ва дилига дашт соғинчини соларди. Натижада, у сим бўйлаб қутуриб югуришга тушар, юлқинар, сакрар, иргишлар ва сахарга яқин ҳолсиз чўзилиб қоларди.

Бу ҳовлида у дўст орттиролмади. Содиқ калла сўқимларидан бошқасини ўйламасди. Тагига курсича кўйиб, уларнинг пишиллаб ем ейишларини соатлаб томоша қилиб ўтиришни яхши кўрарди. Итга эса қайрилиб қарамасди. Тўнг афти табассум нелигини билмайдиган бу одам барча нарсага, ҳатто кўкдаги қуёшу шабадада тебранаётган япроқларгача адоват кўзи билан боқарди. Фақат сўқимларига тикилгандагина юзига нимадир ингандай бўларди. Бошқа пайт...

Шу орада у бошқа туманга кўчиб кетадиган бўлди. Итни узоқроқ қариндоши Аноркулга топшираркан, тайинлади: “Сенга зўр кучук қолдираман. Бунинг ишқиди юрганлар кўп. Биттаси ҳалигача ич-этини еб юрибди. Агар мени тирноқча ҳурмат қилсанг, зинҳор уни бировга бера кўрма”.

Аноркул Ёвқурнинг доврўғини яхши биларди. Бу ҳадяни жон-жон деб қабул қиларкан, ўзича нималарни хаёл қилмади. Бироқ табиатан ғоят ҳафсаласиз бўлган бу банданинг орзулари орзулигича қолиб кетди.

Ёвқур оддий итга айлантирилди.

У бу ҳовлида болакайга меҳр кўйди. Катталарга бегоналигича қолди. Ароқ ҳидига эса ўша-ўша сира тоқати йўқ эди.

Ҳозир ҳам йигитлар уймалашаётган ердан ошиғич узоқлашишининг боиси шундан эди.

* * *

Тушга яқин Ёвқур бутунлай ҳолдан тойди.

Бу вақтга келиб, бўғдойзор аллақачон ортда қолган, қаршисида қандайдир қишлоқ қорайиб турарди. У қирга элтадиган йўлга кўндаланг тушганди.

Ит қишлоқ ораламоқни хаёлига келтирмади. Одам боласига рўпарў келмоққа на хоҳиши, на истағи бор эди. Шунингдек, овлоқ маскан илинжида ортиқ тева-ракка аланглас, қир худди оҳанграбодек уни ўзига тортмоқда эди.

У йўлига кўндаланг бўлган қишлоққа зимдан назар соларкан, кўзи қишлоқнинг кунботиш қисмидаги яйдоқ даштга тушди. Йўл бўйи ҳамроҳига айланган ило-низи сойдан узилиб, ўша тарафга юрса, дашт орқали қирга етиши мумкинлигини англади. Бундан кўнгли андак хотиржам тортиб, ўзини бўлиқ майсалар устига таш-

ларкан, шунда, одам боласини кўришни истамаётган эса-да, кимнидир қаттиқ соғинаётганини ҳис қилди. Шу ҳис оғушида беихтиёр ортига ўгирилди. Кўзи баланд-па-стликдан ўзгасини илғамади. Шаҳар эса узоқда, жуда узоқда қолиб кетган, яъни кулранг уфқ сарҳадига сингиб, бутунлай кўздан ғойиб бўлганди.

У ич-ичидан хуруж қилаётган ёниқ ҳисдан безовталаниб, қаттиқ ангиллаб юборди ва бирдан қоракўз болакайни кўмсаётганини фаҳмлаб етди. Бевақт ва кутилмаганда қайта кўзғалган бу туйғудан қутулмоқ иста-гида, у тумшугини оёқлари орасига олди. Шу созда гум-гурс ётаркан, даланинг бутунлай бегоналигини, қар-шисидаги қишлоқнинг ётлигини, у бош олиб кетишга мажбур бўлган шаҳарчадаги хонадон қай бир маънода юрагини иситиб, уни ўзига чорлаётганини ҳис этди.

Ёвқур бу алдамчи туйғуга бўйсинмасликка тир-ишиб, сирқираётган панжаларини яламоққа киришди. Аммо ўзини чалғитишга бўлган барча уринишлари зое кетиб, болакайнинг шўхчан нигоҳи кўз ўнгида тобора ёрқинроқ жонлана бошлади. У тумшугини ерга ишқа-лаган кўйи, аламноқ инграб юборди.

У, айниқса, сўнгги кунларда болакайга қаттиқ меҳр кўйганди. Серғалва Ойсулов кампирни нечоғли ёмон кўрса, болакайни шунчалик суярди. Гар болакайга нис-баган меҳри уйғонмаганда, унинг бу ҳовлида кўним топмоғи қийин кечмоғи аниқ эди. Кетарди бир куни уло-қиб. Кампирни демаса, кўчага чиқишига монелик қилув-чи одамнинг ўзи йўқ эди. Фақат қаёққа? Ҳамма гап мана шунда эди. Негаки, у пайтда Сувонкулни эсламасди, Назар узунни ўйламасди. Болалиги ўтган қўтону қир та-саввурида ҳозиргидек нурли тарзда жилваланмасди. Хира эди. Кўклам тунарида фавқуллода кўзғолишини дема-са, қолган пайт дашт хотираси кўлда уни безовта қила-вермасди. Қисқаси, Аноркулникида яшай бошлаган да-стлабки кунлари унинг ҳаёти янада бўшаб қолгандай туюлди. Содиқ калланикидаги тутқунликни демаса, ил-гари жанг завқи билан яшарди. Гирди ўралган тор жойда қанча ётмасин, эртанги кун умиди, сурури бор эди. Би-лардики, кунлардан бирида эшик аста очилиб, эгаси нимтабассум-ла кириб келади-да, уни номаълум томон-га етаклайди. Ўша номаълум томонда уни давра кутади, беомон жанг кутади. Давра шовурини узоқдан пайқашни биланоқ у ҳамма нарсага унутади, жанг шавқи билан яшай бошлайди...

Сўқим кўриқлашдан қутулиб, бу ҳовлига келган-да, орада бир-икки кўшни итларни талаб, сал-пал ху-морини боғандай бўлди. Аммо ўзи кўниққан ва қонини жўштирадиган одатдаги жангларга сира ўхшамасди бу. Анчайин жўн олишувлар эди. Кўшни итлар ташланиш-дан кўра тағида ангиллаб ётишни афзал билардилар. У эса кучли рақиб истарди.

Ана шундай кунларнинг бирида унинг эътибо-рини тўрт ҳовли наридаги “Тимсоҳ” лақабли ит тортди. Занжирбанд бу итнинг қаҳрли акиллашларидан у ўзига муносиб рақиб топгандай бўлди ва қуёшли кунларнинг бирида ўша ҳовли ёнига борди. Тахта девор тирқишидан ичкарига мўралади. Шарпасини сезиб, девор томонга ташланаётган зулукдек қоп-қора итни кўрди. Қани энди, занжирдан бўшалса-ю, тахта деворни ағдариб, Ёвқурга чанг сола қолса.

Унга кўзи тушган Ёвқурнинг ҳафсаласи жуда тез пир бўлди. “Тимсоҳ” баҳайбат бўлгани билан, аслида анчайин бўштоб жонивор эди. Бу хил итлар бир кўр оли-шувга ҳам бардош беролмайди. Тезда хотини ҳўллаб қўяди.

Ёвқур умиди пучга чиққанидан ғазабкор ирилла-ди. Занжирини узгудек талпиниб, акиллаётган “Тимсоҳ”

аввалига ҳушёр торгди. Сўнг ингилаб бирдан тинчиб қолди. Девор ортида қанақа маҳлуқ турганини у шу биргина ириллашданоқ сезганди. У фингиб қозиқ атрофини бир-икки айланди-да, сўнг инига биқиниб олди.

Ёвқур тирқишдан мўралаганча ириллашда давом этаркан, кутилмаганда бўйнига нимадир чирмашганини пайқайди. Илкис ўгирилиб, ўзини қучоқламоққа уринаётган болакайни кўрди. Нигоҳини тикка кўзларига қадади. Болакайнинг кўзлари катталарникига ўхшамас, беғубор, бетаъма... бутун олам сиққулик эди.

Ит зоти киши қарашиданоқ кўп нарсани англайди. Ҳар ҳолда айни шу дақиқада Ёвқурда болага нисбатан меҳр уйғонди. Болакайнинг қафтларини ялаб, унинг амрига бўйсинди. Кейинчалик бу меҳр кун сайин улғайиб, оқибат, итни ҳовлига "мих"лаб қўйди...

Аммо ўзилигини билдириб, шуурида чарх ураётган ўлим шарпаси тезда юрагида кўзғолган соғинч ҳисига нуқта қўйди. Тобора мадорсизланаётган оёқларини сургаб, олға юришга мажбур этди.

Кечга томон интилгани бу қир эмаслигини сезгач у ҳазин овозда увлаб юборди.

Қир шунчаки ўхшаш эди. Аслида қирлар қай бир жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлади. Аммо жонивор буни қайдан билсин. Устига устак, бу қир чўққиси ҳам яккам-дуккам харсанглар билан безалган, девордай тиклигини демаса, хотиридаги қирнинг айнан ўзи эди. Бироқ дашт бутунлай нотаниш эди. Қафтдек текис, тева-рақда на кўтон кўринади, на паст-баланд дўнгликлар. Оддий янтоқзор дашт. Бу етмагандек, анча нарида қишлоқ қорайиб турарди. У билган даштда эса қишлоқдан асар ҳам йўқ эди.

Ёвқур қадрдон нарсасини йўқотгандек, тева-рақка жонсарақ боқаркан, хотираси панд берганини англаб етгандек бўлди. У туғилган дашт қирлар қуршовида бўлиб, у қир бошидан мўралаган қуёш бу қир ортига ботарди. Аммо ит чўққиси қизғиш ва кулранг харсанглар билан безалган қирнигина тузукроқ эслаб қолганди.

Ит янтоқлар орасига ҳолсиз чўзиларкан, беихтиёр ўлим шарпасига қулоқ тутди. Унинг қанчалик узоқ-яқинлигини идрок этмоқ истади. Аммо тева-рақдан эшитилаётган тириклик саси — олисдаги дала йўлидан патилаб бораётган тиркалмали трактор шовқини, яғир, пастак тепаликдан туриб аллакимни бор овозда чақираётган оқ ятакли чолнинг овози, бир тўп эчкиларини олдига солган жувоннинг чийилдоқ товуши бунга монелик қиларди. Юраги эса ўша-ўша сокин гўша истарди. Аксига олиб, бу янтоқзор даштда унинг сира ўлғуси келмаётганди.

Даврадаги жанг пайтларида у ўлимнинг совуқ ва даҳшатли шарпасини бир неча бор ҳис қилган. Бироқ у шарпалар ҳозиргисига сира ўхшамасди. Улар лаҳзада келиб, унинг чаптастлиги туфайли тезда чекина қоларди. Бунисининг келиши эса бутунлай бўлақча, яъни тишдан эмас, ичдан ўзини огоҳ этмоқда эди. Зимдан қулоқ тутса, ҳатто шовурини илғамоқ мумкиндек эди. Бироқ ташқи шовур бунга изн бермаётганди.

Ёвқур азбаройи ҳориганидан тумшуғини оёқлари устига қўйганча бир зум пинакка кетди. Тезда туш ҳам кўра қолди. Тушида яна ўша ажлоди тимсоли — ойдин тунда тумшук чўзиб увлаётган улкан итни кўрди. У хазинтоб оҳангда ув торганча, уни ўзи томон чорламоқда эди. Овозида қандайдир улуғворлик, улуғворликдан ҳам кўра сирли нимадир бор эдики, Ёвқур бу чорловга жавоб қайтараман дея уйғониб кетди ва ўзини ерпарчин ҳолда кўрди.

Улуғворлик узоқ-узоқларга чекиниб, у ўзининг

жўн ва ночор ҳолатини теранроқ ҳис этаркан, янтоқлар орасида шу созда ўлиб кетишини мутлоққа истамади. Айни шу нарса жиндек куч ато этгандек бўлди. Аммо бу куч жисмига эмас, идрокига таъсир этди. Ва шунингдек, бу сафар ўлим шарпасидан зиғирча чўчимаётганидан ажабланди. Авваллари у ўлимдан кўрқарди. Унинг яқинлашаётганини пайқаш ҳаманоқ бақувват жағларини ишга солиб, ўзга ғаним ит сиймосида бўй кўрсатаётган ажал хавфини бартараф этмоққа жон-жаҳди билан уринарди.

Эсида, Назар узун бир сафар уни қўшни тумандан келтирилган улкан қора итга қарши қўяди. Қора ит ундан кўра бақувватроқ, чаптастроқ, шунингдек, шафқат нелигини билмайдиган ёвуз бир маҳлуқ экан. Шиддатли жанглarning сўнги дақиқаларида Ёвқур илк бор чекинмоқни ўйлайди. Давра четига интилганини билмай қолади. Бироқ яғринидан маҳкам тишлаб олган ғаними бунга йўл қўймайди, уни майдонга тортади. Даҳшатли лаҳзанинг санокли онларида у бетиним қичқираётган, қийқираётган оломонга кўз ташлашга улғуради. Тикилган ўнлаб, юзлаб нигоҳларда шафқат ифодасини кўрмайди. Одамлар ғаним итдан баттар қутурмоқда, ҳатто Назар узуннинг кўзлари тўла ғазаб эди. Хуллас, жонига ора кирувчи йўқ, ажал эса қора ит тимсолида тобора уни ўз исқанжасига олмоқда эди. Бу вазиятда фақат ўзига, бақувват жағларига ишонмоқдан ўзга иложи йўқлигини, хиёл бўш келса, ғанимининг оёқлари остида топталиб кетиши мумкинлигига амин бўлади.

Ўлимнинг турқи совуқ, нафаси жирканч эди.

У ўлим билан юзма-юз тураркан, бирдан ғанимининг жағи андак бўшашганини, яъни ғалаба муқаррарлигига ишонгач, ҳал этувчи ҳамла олдидан жиндек нафас ростлаш эканини пайқайди. Четга интилаётган Ёвқур бу фурсатдан унумли фойдаланиб, кутилмаганда, ортига ўгирилади, илондай силлиқ рақибининг бўғзига оғиз солади. Бу ҳол шунчалик тез содир бўладики, у таажжубда қолган рақибининг ёвуз кўзларидаги ҳайрат ифодасини аниқ кўради.

Ўшанда у ўлимдан голиб келганди.

Бунисига эса чап бермоқнинг имкони йўқ эди. Қизиқ жиҳати, бу галгиси ҳеч қанақа даҳшатга йўғрилмаган, қайтанга аллаловчи бир сокинлик ила яқинлашмоқда эдики, унда ҳузурбахш нимадир бордек эди. Ўлим ич-ичдан таралаётган мадорсизлик ва тушларида осмонга қараб увлаётган улкан ит сийратида ўзлигидан огоҳ этаркан, унда кўрқув йўқ, тотли бир ундов бор эди. Бутун жисми — ҳануз ҳаракатда бўлган оёқлари, ҳидни аниқ илғаётган сезгиси, борлиқни кўра олишга қодир кўзлари, емиш истамай қўйган нафси, заминни ҳис қилиб турган панжалари унга асир эди. Бутун вужуди унинг ташрифини сокин бир тарзда кутмоқда эди. Аммо ўлимни бамайлхотир қаршиламоқ учун тинч макон зарур эди.

Тинч макон илинжида етиб келгани ҳозирча шу янтоқзор бўлди.

У нотаниш қирга маънос термуларкан, дастлабки онларда чилпарчин бўлган умиди қайта тиклана бошлади. Ички бир туйғу интилган манзили мана шу қир ортида бўлиши мумкинлигидан дарак бермоқда эди. Аммо бу аниқ ҳолат эмас, умид туғдирган ботиний бир сезги эди, холос.

Ёвқур қишлоққа қайтаётган узоқдаги подага назар соларкан, қир ошмоқ учун ором олмоқ лозимлигини ўйлади. Мадорсиз жисмига андак ором бермаса, мана шу янтоқзорда мангуга қолиб кетиши мумкинлигини англади. Шунда дафъатан эътиборини кўкда оҳиста парвоз қилаётган улкан ўлаксаҳур куш торгди. Уни анчадан

бери тепасидан кетмай айланаётганини фаҳмлади. Итга бу ёқмади. Қуш нечун ўралашиб қолганини идрок билан эмас, табиий сезги ила ҳис этаркан, унинг парвозини ғамнок кузатди. Сўнг калта ҳуриб, қайтадан жойлашиб ётиб олди.

Боя пайқамаган экан, ўн-ўн беш одим нарида мол суякларни сочилиб ётарди.

Суяклар эски эди.

Тириклигида офтоб нуридан баҳра олиб, эмин-эркин дашт кезинган жонивор нечун бу ерда ўлим топди экан? Қишда бўриларга дуч келганми, ё бирор касаллик туфайли нобуд бўлганми?

Табиий, Ёвқур бу хил ўйламаган эса-да, аммо идрок этгани шу бўлдики, жасад аввалига тишли жониворлар, сўнг ўлаксахўр қушлар томонидан талон-тароғ қилинган.

Бошқа пайт у суякларга заррача эътибор бермаган, нари борса, ҳидлаб қўйиш билан кифояланган бўларди. Бироқ бу сафар тепасида куни битишини пойлаб оҳиста айланаётган қуш сабабли суякларга айрича разм солган ва ерда сочилган суяклар билан кўкдаги қуш ўртасидаги боғлиқ жиҳатларни фаҳмлаб етгандек эди.

У ҳаракатсизлик ўлимга тенглигини пайқайди.

Бу эса уни олға ундади.

У сўнгги кучини жамлаб, ғоят имиллаган қўйи қир сари юрди. Қирга ўрлаган энсиз сўқмоқни аллақачон кўз остига олиб қўйганди.

Қимирлаши билан кўкда доира ясаётган қуш ортиқ ўралашишни бас қилиб, уфққа сингиб, кўздан йўқолди. Бундан у ҳеч бир ентилик ҳис этмади. Негаки, қаршисида машаққатли йўл кўндаланг турардики, бу нарса ортиқча алаҳшишига изн бермасди.

У ўлим шарпасидан эмас, даштда қолиб кетишидан чўчимоқда эди. Нотаниш бу даштни ёмон кўриб қолган, ҳатто ғир-ғир эсаётган шабадаси ҳам бегона туюлмоқда эди.

Жонивор оёқлари қалтираб сўқмоққа тирмашаркан, жангларда тобланган иродаси яна иш бера бошлади. Бошқа бир жонзоднинг ҳадсиз бу азобга бардош бермоғи қийин эди. Истаган бир ерда думалабгина қўя қоларди. Ёвқур эса жангларда сўнгги нафасгача бардош бермоқ кўникмасини ўзлаштирган эмасми, ҳар қандай вужуднинг бир четида пайт пойлаб ётадиган ва фурсат келиши билан бўй кўрсатадиган бўштобликка бўй бергиси келмасди. Бўштоблик ёмон, у вужудни ҳаммиша оромга чорлайди. Ҳозир ҳам шу ҳолат юз бериб, ер уни ўзига тортмоқда эди. Қани энди, ётса-ю, қайтиб турмас, кўзларини оҳиста юмса-ю, қайта очмас. Буни жисми истарди, идроки эмас. Айни дамда ҳар иккиси душманга айланиб, бир-бирини енгмоққа уринарди.

Вужуд идрокка душманлигини у жангларда кўп бор синаган. Қаттиқ оғриқ ва чарчоқ олдида вужуд ҳаммиша заиф келади. Идрок ғалаба истайди. Вужуд эса тинчлик. Ана шунда идрокнинг сўнгги илинжи ирода кучи юзага қалқийди. Ироданинг қай даражада тобланганлиги эса вужуд билан идрок ўртасидаги курашда билинади.

Ҳозир у вужудига қулоқ тутмай, иродасига таянганди. Яхши биладики, иродаси унга ҳаммишалик йўлдош, энг яқин дўст. У ўша “дўст»и кўмагида юқорига тирмашмоқда эди...

У қир тепасига кун ботиш олдида базўр қўтарилди. Ва қанчалик ҳолдан тойган бўлмасин, қувончдан ангиллаб юборди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида ўша таниш ва қадрдон водий ястаниб ётарди. Жонивор қалтираётган гавдасини зўрға тутиб, кенг даштга, тўши ва чўққиси катта-кичик харсанглар билан “безалган” қирга, ёйилган сурувга, қўтону, қўзиқориндай дўппайиб турган ўтовга бир-бир назар соларкан, ҳолсиз ерга чўзилди.

Кўзғалмоққа ортиқ мадори қолмаганди...

* * *

Тунни қир тепасида ўтказган Ёвқур қўйига сира ошиқмади. Жисмини тўлалигича забт этган беҳоллик чарчоқдан эмаслигини англагани боис, ортиқча ҳаракатдан тийилиб, тонг отишини кутганди.

Тонг бўзариб, қир бошига қирмизи ранг ингач у қаршисидаги манзарага тикилди.

Қўтон олисда, сурув ҳам.

Бу масофа унга етиб бўлмас туюлди. Аслида у сурувга эмас, туғилиб ўсган мана шу манзилга талпинганди. Интилгани мана нақ пойида ястаниб ётибди. Қирдан сирғалиб тушса, ўзини водийда кўради. Қолгани, кўз билан чамалаганда, икки сакрашли масофа. Аммо сурувга етмоққа, Сувонқулнинг қўлини бир бор яламоққа ёки тўни барини ҳидламоққа ортиқ куч қайда унда. Ҳатто хушҳол ув тортмоққа мажолли йўқ эди.

У тезда ҳид олиш сезгисидан мосуво бўлганини пайқайди. Тунда таниш ва қадрдон ҳидларни искаб тўймаган димоғи энди ҳеч нарсани сезмай қўйганди.

Ёвқур ошиқмаса бўлмаслигини сезиб, олға жишлиш олдида бир зумга кўзларини юмди. Шунда тунда тинмай ўзи томон чорлаган улкан малла ит шуурида такрор жонланди. У шу шуур етовида аста оёққа қалқиди. Олдинга босди. Бирор беш-ўн дақиқадан сўнг қир бошида юз кўрсатган қуёш нуридан кўзлари қамашиб, узундан-узун соясини судраганча водий бўйлаб кета бошлади.

Тонгдаёқ кўзига чалинган ўнгир оғзига етгач, тўхтади. Тумшугини олдинга чўзиб, ўтов томон тикилди. Ўтов ёнидаги ўчоқдан кўкка тутун ўрлар, Сувонқул ўша ўша имиллабгина эшагини тўқимлар, сурув боши аллақачон сойликка энганди.

Сурувни учта нотаниш ит кўриқлаб борарди.

Ёвқур заифгина пишқириб, нишабликдан ўнгир оғзига эна бошлади. Панжалари майда тошларга сирғалиб, у қорни билан сурғалганча ўнгир тубига шўнғиди. Кўм-кўк осмонга сўнгги бор кўз ташлаб олмоққа зўр-базўр улгирди.

Ўнгир кенг ва чуқур эди.

Ёвқур ўнгир тўридаги нам ва майин қумга оҳиста чўзиларкан, чуқур нафас олди. Шу нафас олишида жони жисмини тарк этиб, у мангуга кўз юмди.

Чўпон таёғини, одатдагидек, белига кўндаланг тутганча сурув ортидан эргашган Сувонқул тўни барини аста сийпаб ўтган нарсани ел гумон қилди.

У ел эмас, Ёвқурнинг руҳи эди.

У бутун умр интилган қадрдон даштида эндиликда эмин-эркин кезинмоқда эди...



Сафар ОЛЛОЁР

Юрагим - ДАВЛАТИМ, муҳаббатим - тож



* * *

КАРВОҶ

...Итлар орасидан ўтса карвонинг...
Устоз Абдулла **ОРИПОВ**.

Манзил аниқ,
лекин олисдир йўллар,
Кошки эзгуликлар бўлса йўлдошинг.
Жисмингни шижоат етаклаб борар,
Минг бир тўсиқларга урилар бошинг.

Дилга таскин бўлар ойдин муддао,
Гарчанд ситамлару синовлар бисёр.
Қисмат чархпалаги айланар бежо,
Азалдан шул ҳолат бул ҳаётда бор.

Дўст-ку дўст,
Ғаним ҳам чиқар ёнингдан,
Беҳуда чалғишлар, билъакс, бемаъни..
Яхшиси, тўхтама,
қолма йўлингдан -
Карвонга нимадир итнинг хургани!

* * *

Бир нигоҳ банд этар хаёлларимни,
Ҳар куну ҳар тунда таъқиб айлайди.
Унинг озорлари бирам ёқимли,
Доимий одатга айлансин, майли.

Дилга мойил ҳолдан кўркам,
яхшироқ
Яна нима мавжуд ёруғ очунда.
О, бу нигоҳ бунча нурли,
Ярқироқ -
Офтобни кўргандек бўламан унда!

Сеҳридан ёришар кўнглим осмони,
Булутлар ҳар ёнга сочилар абас.
Икки нигоҳ бирдан тўқнашган они
Юрак тарс ёрилса, ҳеч ажаб эмас.

Мен фақат юракни қолдим авайлаб,
Жоду кўзли санам,
айлагил шафқат.
Ўтда ёнган дилга яна ўт қалаб,
Чарс-чарс ёнмоққа ҳам этдинг бетоқат...

Зар нигоҳ банд айлар хаёлларимни.

Қанчалар севаман,
тоза севаман,
Исминг ҳам,
жисминг ҳам
кўнглим тоқида!
Ягона ошиқман - роса севаман,
Севгимнинг ранги бор кўзим оқида.

Сувратинг жо эрур
қорачигимда,
Гавҳарим мен учун
қўрғон бўлғайдир,
Гумон-да боқсанг гар ёниқ севагимга,
Билмадим, қай йўлга бошлайди тақдир.

Мен-ку бу ҳаётга
кулиб қарадим,
Қалбимга яшириб
қийноқларини.
Ҳаё эса мени кузатмоқда жим,
Олтин дамларимга бермай зарини.

Билмам, сен - менмисан,
ҳаётмисан, айт,
Қайси бир қизиқиш
сенга мойилроқ.
Ўйларман, иккимиз - ғазалдан бир байт,
Давомини ҳеч ким билмайди бироқ.


Сен ёндош бўлсанг, бас,
умидсизлик ёт,
Турмуш ташбеҳларга
бергай кенг қанот.
Мен ҳаёт кечиргум комронларга хос:
Юрагим - давлатим,
муҳаббатим-тож!

ШОИР

Рафиқамга

Истайсанми-йўқми, муҳаббат бордир,
Юракда оловдек ёнмоққа қодир.
У шундай гавҳарки,
буюк китобнинг
Минг йиллик нусхаси сингари нодир.

Шеърларим бағрида нолани кўрсанг,
Орамизда шу зум бошланади "жанг".



Кескин олишувдан толган рақибдек
Сўнгра шарҳларимга кўнасан аранг.

Нозли рашкларингдан лаззатланаман,
Зеро, мен ҳам фақат сен-чун ёнаман.
Магар мудом сенга ашғорлар тизсам,
Қандай қилиб яхши шоир бўламан.

Шаксизки, ҳар ким ҳам севмоғи аён,
Севилмоқ шарафи камроқ намоён.
Ҳолатлар турфа хил бўларкан ҳосил:
Ким муродга етар, кимнинг бағри қон.

Шоир юрагида рангин дард жодир -
Ўзга дил дафтарин варақлай олар.
Ошиқлар номидан ёзолган шоир -
Муҳаббат тилининг таржимонидир.

* * *

Дилгинанг намликни истамаганда
Ёмғир эзиб ёғди аксига олиб.
Ёмғир ҳам ўз ишин қилмагай қанда,
ахир, бу ҳолатдан кетардинг нолиб:
шалаббо бўлди ишқ,
шалаббо бўлди дил.
Шалаббо бўлди ғам...
Бисотингда не бор - бари шалаббо,
сийрати кўринар янада шаффоф.
Ҳамма ғийбат этар сени, дилрабо,
бепарво, тек турар фақат Кўҳи Қоф!
Бу замин ёмғирни кўп кўрган, аммо
Дилнинг ёмғирларин билмагай аён.
Ҳаёт саҳнасида, билбакс, доимо
умид кўрғонига ҳамсоя армон...
...мусоффо бўлар ишқ,
мусаффо бўлар қалб,
мусаффо бўлар бахт!

* * *

Йўловчи поездга ўхшайди ҳаёт,
Бир йўлдан пишқириб кетаверади...
Ҳар қайси бекатда қанча одамзот
Ўзин зич вагонга ураверади.

Ҳарчандки ёрилиб кетмас вагонлар,
Йўловчига қийин,
поездга оғир.
Ёраб, ёшу кекса манзилин топар,
Ундан тушиб қолар йўлда бирма-бир...

* * *

Бугун тонгда турдим мен,
Эртага Худо билар.
Бугуним тиллога тенг,
Эртам зўр ёмби қадар.
Бугун қирда турибман,
Эрта тоғда бўлурман.
Узоқлашма ёнимдан,
Камолимдан ҳузурлан.

Умидларга ҳамоҳанг
Орзуларим бисёр, бас.
Менга ортиқмас, билсанг,
Иккимизга кам эмас.
Эртанинг дасти узун,
Бугун қисқадир, эй, жон!
Бугуним ўзим учун,
Эртам сенга армуғон! !



Алишер НАВОИЙ

Ул қуёштин топти бу оқшом бизнинг қошона шамъ,
Қилмасун бу уйни дудидин қаронқу ёна шамъ.

Банг аёғида лагандин, бошида соч дудидин,
Ул пари ҳажринда мендекдур магар девона шамъ.

Йўл шабистон ичра топмас ҳар неча, келтурмас
Ул қуёш девони хуснидин неча парвона шамъ.

Иста гоҳи бизни доғи, эй маҳи хиргаҳнишин
Ким, бўлур фонус аро парвонага ҳамхона шамъ.

Нола қилмас тил чекиб ким уйқу истаб, ёрға
Саргузаштидин кеча дер гўё афсона шамъ.

Нетти бир тун ёруса сендин йиқилган кулбамиз,
Чун топар ой партавидин доимо вайрона шамъ.

Тонг эмастур ҳар бири бўлса дурри шабчароғ,
Оразинг ҳажрига тўкса ашқидин ҳар дона шамъ.

Бу шабистон ичра келди фарқиға тиг узра тиг,
Боши узра чунки қўйди тожи зар шоҳона шамъ.

Эй Навоий, ўртагил жону кўнгул парвонасин
Ким, бу оқшом оразидин айлади жонона шамъ.

* * *

Сенга не ғам мен киби мажнуну шайдодин йироқ,
Иш менгадур сен париваш ҳур сиймодин йироқ.

Ҳажр даштида қуюндек ҳар тараф саргаштамен,
То тушубмен ул хиромон сарви раънодин йироқ.

Ой жамолин истамонким, кўрганмен олам аро,
Бир дам ўлсам ул жамоли оламародин йироқ.

Дегасен шоми ажал умрум қуёшин ёширур,
Гар замона бўлсам ул зулфи сумансодин йироқ.

Гар мени расво ўлармен сенсиз, эй оромии руҳ,
Ҳам йироқ эрмас агар бўлсанг бу расводин йироқ.

Қилма кўп, эй шайх, айбим хонақаҳға етмасам,
Ким харобат аҳли хушроқ аҳли тақводин йироқ.

То йироқ тушмиш Навоий ёр агар ёд этмади,
Қилма кўнглидин мунунг, ёраб, анинг ёдин йироқ.



Шоира ДОНИЁРОВА

БУГУННИНГ МАНЗАРАЛАРИ

Ёш ёзувчи Улугбек Абдуваҳобнинг “Мувозанат” романида бугуннинг руҳи бор. Асар мустақиллик йилларида юртимиз ҳаётида содир этилган ўзгаришлар дўғрисида ҳикоя қилади.

“Худо адолатсиз бўлганда эди, илмни ҳам, бойликни ҳам битта одамга бериб қўярди. Аввало, одамзоднинг ичида, кейин ташқарида — ер юзида мувозанатни сақлаш учун ҳам бировга ақл, бошқага бойлик, бировга ҳусн, бошқага сабр.. ато этиб қўйибди”. Бу - ёзувчининг қаҳрамон тилидан баён этилган фалсафий қарашлари бўлиб, асарнинг ўқ чизигини ташкил этади.

Одамзод яшаш учун курашар экан, мувозанатни сақлай олиши шарт, деган ақидани ўртага ташлайди ёзувчи.


Асар қаҳрамони вилоятдан келиб пойтахтда ўқиб, ишлаб қолган ёш зиёли. У ўз умрини миллий тарихсиз, талабаларсиз тасаввур этолмайди. Шаҳарда эса доимий турар жойи ҳам йўқ. Хотини ва фарзанди билан ижарама-ижара яшайди.

Асарда тасвирланишича, Юсуф билан сарсон-саргардончиликда кун кўришга чидай олмаган Ойгул қалбида яхши яшашга интилиш бошланади. Бу борада у ҳақ. Инсон уй-жойсиз яшаши қийин, бироқ, қалбида гўзал эътиқодлари бор Юсуфнинг характерини ўзгартириш унчалик осон иш эмаслигини ҳам тушуниш керак. Бу ҳолатга йўқчилик қийнаган вақтда фарзандининг ўлими якун ясаydi. Ойгул ўзи танлаган йўлдан кетади. Юсуф эса оиласидан, фарзандидан ажралиб, яқинларини яшаш тарзидан куйиниб, йўқчиликдан қийналиб, севган машғулотидан воз кечиб, илмий изланишларига ўз кўнглида хиёнат қилиб, янги бир йўлни танлаб, давр оқимида кўшилиб оқишга мажбур бўлади. Бу ҳол вақтинчалик эканлигини англаган тарзда ўзи учун нотаниш йўлларга қиради. Натижада характеридан худбинлик (севимли шогирди пул сўраб келганида бор пулни йўқ дея олади), одамларга ишончсизлик (дўстига пул қарз бериб, қайтиб ололмагач, ўзгалардан алданганида, очликдан тарақанлар билан қотган нонни талашганида пайдо бўлади) ҳамда дўстларига хиёнат (дўстининг хотини билан дош олишиши), муҳаббатга шунчаки эрмак тарзида

қараш (Захро билан бўлган ишқий муносабатларида кўринад) каби салбий ҳолатлар билан бирга табиатида ўз ўзига нисбатан муҳаббат пайдо бўлади. Натижада, ўзини англаган Юсуф қисқа вақтда яхши яшашга эришади. Юсуф ҳаётда ўз ўрнини топишга, муҳитга мослашишга ҳаракат қилади.

Романда тузуккина чизилган образлардан бири — Захро. У Миразимнинг хотини. Маънавий жиҳатдан қашшоқ Миразим эркаклик гурурини, аёли олдидаги бурчини унутади. Натижада бойликдан кўра юксакроқ туйғуларни, инсон маънавий оламини қадрлаган Захро хиёнатга қўл уради. Бу хиёнатни тўқликка-шўхлик деб бўлмайди. Балким, эътиборга муҳтож аёлнинг инжа қалб дунёси борлигига ишорадир. У жуфтидан топмаган нарсасини атрофдан излайди, Юсуфдан топади. Бироқ, фарзанд, ота-она ва оила олдидаги бурч ҳам унга бегона эмас. Шу сабаб, ўз туйғуларига қарши чиқиш қийин бўлса ҳам бу йўлдан қайтишга мажбур бўлади. Синчков китобхон Захродан нафратланмайди, аксинча унга ачинади. Асардаги асосий образ ҳаётда ўз мувозанатини сақлай олмаган Амир образидир. У руҳан ва жисман кучли шахс. Қалби эзгуликка ва гўзалликка ошно. Диний ва дунёвий билимларга эга. Ноёб истездод соҳиби. Бироқ, ёзувчи меҳр билан яратган, шунча фазилатлар мужассамлашган шахс бу даражада бир ёқлама кетмаслиги керак эди. Оддий меҳнатда суяги қотган отаси англаган ҳақиқатни англай олмайди.

Бироқ, асарда мантиқсиз ва ишонарсиз ўринлар ҳам талайгина. Жумладан, парижлик машҳур актриса Мателда Сорел билан боғлиқ тасвирлар ёш тадқиқотчи М. Кўчқорова таъкидлаганидек, асарга ёпишмай турибди. Бу тасвирлар зўрма-зўраки чизилганлиги сезилади. Яна бир ўринда шундай жумлалар бор: “Ҳой қаранглар, ўлиб қолганга ўхшайди, қимирламаяпти, - ҳавода эркак кишининг овози янгради: Ростданам. Уни ўлдириб кетишганга ўхшайди, деб бир эркак гапга аралашди. Амир миқ этмасди. У машинанинг тезроқ даф бўлишини кутар, назарида вақт ҳам машинага кўшилиб тўхтаб қолганга ўхшарди. Шу пайт бир неча аёлнинг пиқиллаши баробарида Амирнинг юзига бир помидор “пилч”



этиб келиб тегди. Ҳақорат худди чакмоқ зарбидек таъсир қилди. У яраланган шер янглиғ ҳайқириб юборди: “Ҳе, онангни! Инсофсизлар!..” шу баробар машинага газ берилиб у катта тезлик билан юқорига ўрлай кетди”. Ушбу тасвирлар аввало миллий руҳга хос эмас. Қолаверса, бу асарда мантиқсизликни ҳосил қилган.

Эътибор берайлик, биринчидан, мусулмон эркак кимнидир яланғоч ҳолда кўрса, баҳслашиб, маслаҳатлашиб ўтирмайди. У аввало, ёрдамга шошилади, мусулмончилик бурчларини бажаришга бел боғлайди. Иккинчидан, бундай ҳолда аёлларнинг кулишлари ҳам ҳақиқатга яқин эмас. Ўзбек аёлида ҳаё устунлик қилади, “пилч” этказиб помидор отилиши ёки ёрдамга муҳтож одамни кўриб машинанинг ўз йўлида лоқайд бир тарзда давом этиши китобхонни ишонтира олмайди.

Асар сўнгида қишлоқдан қайтиб кетаётган Юсуф автобус кетидан чопиб келаётган акаси Амирни кўради. Бу шунчаки югуриш эмас, девоналарча ҳаракат эди. Сўнги жумлалар шундай тасвирланган: “Юсуфнинг ичида нимадир қарсиллаб сингайдай бўлди, йўқ, аниқ синдики, у автобус полида ўтириб қолди. Наҳотки ҳаммаси яна бошидан бош-

ланади?! – деган фикр юрагига наштардек санчилди... Ҳамманинг кўзи Юсуфда эди ва яхши англаб турардики, нима воқеа юз берган бўлмасин қаддини кўтариши, туриши керак... Туриши керак.” Демак, Юсуф ҳам акасини кўрганда мувозанатини йўқотди. Унинг тақдирига ачинди, жигарига ҳамдард бўлишни истади. Бу хол уни автобус полига ўтқиздириб қўйди. Бироқ унинг ичида қарсиллаб синган нимадир тафаккурини уйғотди, ақл торозиси билан мувозанатни сақлашни, ўрнидан туриши лозимлигини англатди. У ҳаёт мувозанатини сақлашни, ўрнидан туриши лозимлигини англади. У ҳаёт мувозанатини сақлаши учун акаси Амирга эътибор бермаслиги, ўз йўли ҳақ эканлигини яна бир бор тушунди. Унинг ичида қарсиллаб синган “нимадир” нураб бораётган қондошлик меҳри эди. Ўз жигар бандининг телбаларча қилган ҳаракатларидан андишаси эди. Танланган йўли ва ҳаётига бўлган қатъий ишончи эди.

Бугунги кун романчилигида “Мувозанат” турли-туман кишиларнинг характерлари, замондошларимизнинг ўй фикрлари, тафаккур олами, рангбаранг тақдирларини бадиий тасвирлар орқали олиб кирганлиги билан ҳам китобхонлар назарига тушди.

БОЗОР ИЛМИДАН САБОҚЛАР

СОЛИҚ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий сиёсат давлат бюджети билан узвий алоқада. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш эса кўп жиҳатдан солиқ тизимининг тўлиқ ва тўғри ишлашига боғлиқ.

Зеро, корхоналарнинг бюджет билан иқтисодий муносабатларида асосий ўринни солиқлар эгаллайди. Бюджетга солиқ тўловларини қанчалик ўз вақтида ва тўлиқ тўланса, мамлакат олдида турган иқтисодий-ижтимоий вазифалар шунчалик тез амалга ошади.

Солиқ тўловлари бўйича кўзда тутилган имтиёзлардан оқилона фойдаланиш ҳам фаолиятни рағбатлантириш, айрим муҳим соҳалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, бюджет даромадлари, уларни шакллантириш механизми ва амалиёти давлатнинг иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда биринчи даражали рол ўйнайди. Бу нарса энг аввало, умумдавлат солиқларида кўзга ташланади. Қўшилган қиймат солиғи ҳам умумдавлат солиқлари таркибида муҳим ўрин эгаллайди.

Қўшилган қиймат солиғи - ҚҚС товарлар ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ҳамда республика ҳудудига товарлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

Қўшилган қиймат солиғи 20 (йигирма) фоизлик ставка бўйича тўланади. Ижтимоий аҳамиятга молик

айрим озиқ-овқат товарлари бўйича қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан камайтирилган ставкаларда тўланади.

Жумладан, оммавий ахборот воситалари ҚҚС дан озод этилганлиги ҳам ҳукуматимиз томонидан бу соҳага эътибор берилганлигини кўрсатиб турибди.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи, ишни, хизматни ҳақиқатда бажарилганлигини тасдиқловчи, ҳужжатлар (далолатномалар, маълумотлар ёки бошқа ҳужжатлар) асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи доимо тегишли даражада ислоҳ қилиниб туриши лозим бўлган солиқ туридир. Жумладан, ҳозирги пайтда амалиётда ҚҚСни концерн, компания, холдинг сингари бошқарув тизимларида такроран тўланиши юз бермоқда. Бу ҳолат корхоналар ривожланиши ва солиқларнинг рағбатлантирувчи омилини оширишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Зеро, маҳсулот товар шаклида бир неча марта айланса ҳар гал ҳам фойда солиғи, ҳам ҚҚС такроран тўланаверади. Бу охир-оқибатда истеъмолчи елкасига юк бўлиб туриши мумкин.

*Дилдора Худойбердиева,
Тошкент молия институти талабаси*

Ойгул АСИЛБЕК қизи

Севги деган ГУНОҲИМ БОР

ЗИМЛОҶ

Бугун товонимга ботдим тупроқ,
Шеърларим хоҳлайди дунё кўришни.
Йўқ, сендан безмадим, безмадим қишлоқ,
Кўзларим хоҳламас кўнгил узишни.

Қирларга ястанган овул сойининг,
Сувлари оқади тошқин ўйноқлаб.
Агарда мен кетсам ота ҳовлимнинг,
Гуллари қолади мени сўроқлаб.

Олисдан бахтимни излаб сар-сари,
Толё дарчасини очмаса бироқ.
Қайтсаму бағри кенг онам сингари,
Мени яна фарзанд дейсанму, қишлоқ?

* * *

Кўк юзига булутлар сочиб,
Сочларини тарайди офтоб.
Мен кўчадан бораман шошиб,
Қадамимда бир қадар шитоб.

Ариқ лаби қатор тераклар,
Қанча бўлди кўрмаганимга.
Илк қадамим қолган йўлаклар,
Анча бўлди юрмаганимга.

Димоғимга уради еллар,
Болаликнинг ширин исини.
Қулоқларим эриб эшитар
Онам айтган алла сасини.

ҚҲЗ

Еллар оворадир ерни супуриб,
Хазонлар ўйнайди шамол рақсига.
Дарахлар либосин ечар сидириб,
Боғлар ҳам туташдир меъзон фаслига.

Офтобнинг нурлари бир қадар ожиз,
Ўтиб эркалолмас гулнинг баргини.
Менга-ку кузакнинг ҳолати азиз,
Чунки билмаганман Баҳор қадрини.

Тезроқ одимлайман тор йўлаклардан,
Олтин япроқларни босиб бирма-бир.
Халос бўлолмайман шу эртақлардан,
Хотирамга олов қалайди тақдир.



* * *

Мен сени бахтларга сақлаган эдим,
Изтироб қушлари олиб кетди-ку.
Севгингдан бир гулзор хоҳлаган эдим,
Урида тиконлар қолиб кетди-ку.

Мен сени кўкламга асраган эдим,
Кузакнинг қўллари тортқилаб ўтди.
Қишнинг эрмагига атаганимдир,
Унинг қароқлари ё қараш этди.

* * *

Ортинга ҳеч қайрилмагин,
Унда менинг нигоҳим бор.
Ишонмагин кечир десам,
Севги деган гуноҳим бор.

Кўз ташлама сирим ошкор,
Бошим эгик, ҳолим душвор.
Тик боқмоққа мадорим йўқ,
Ёшим тўла қароғим бор.


ҚОР

Деразам кўзини ўпиб ёғар қор,
Босган изларимни кўмиб ёғар қор.
Само элагидан эланиб бирдай,
Қалбим дарчасига уриб ёғар қор.

Кипригим остидан қувонч уйғотиб,
Дилдаги яширин ҳисни кўзғотиб.
Кунни тунга улаб, оппоқ тонг отиб,
Сени соғинганим билиб ёғар қор.

Қорли манзилларга кўнгил туташиб,
Илк севгим дилига бахтлар улашиб.
Баҳордан қизғониб, осмон талашиб,
Ёмғирга қўшилиб эриб ёғар қор.

Габриел Гарсиа Маркес



муҳаббат ерети

МУҚАРРАР ҲИКОЯ

Ҳикоя

Сенатор Онесимо Санчес умрида биринчи марта бу аёлни учратган кунни ўлимига олти ою ўн бир кун қолган эди. Бу аёлни у Олий Қиролнинг Атиргуллар боғи жойлашган қишлоқда кўрган эди, қишлоқ эса олисдан сузиб келгувчи контрабандачилар кемасига қўналға бўладиган, тунда сирли кўринса ҳам, кундуз кунлари на Жануб, на Шимол, на Шарқ ва на Ғарбни билиб бўладиган денгиз кенгликлари каби ҳеч бир нарсага қулайлик туғдирмайдиган қирғоқнинг бир бурчаги эди. Қишлоқ дунёдаги ҳамма нарсадан узилиб қолгани учун ҳам бу ерда кимларнингдир тақдирини буткул ўзгартириб юборишга қодир бўлган кимсанинг яшаши бировнинг хаёлига ҳам келмасди. Қишлоққа берилган номнинг ўзи ҳам қандайдир масхаралашга ўхшаб кетар, чунки кимдир бир замонлар кўрган яккаю ягона гулни ҳам Онесимо Санчес Лаура Фарина билан танишгандан сўнггина келтирган эди.

Ҳар тўрт йилда бўладиган сайлов мавсуми одатдагича ўтди. Эрталаб фургонларда комендантларни олиб келишди. Сўнг юк машиналари сайловолди йиғинларида оломон тўдалари ҳосил қилиш учун шаҳардан қизил танлиларни ташиб келтириб қайтадан элтиб қўйишди. Соат ўн бирга яқин музика ва мушакларнинг қарс-курс садолари остида булоқ суви рангидаги вазир автомобили келди. Ичкаридаги кондиционер салқинида ўзига ярашмаган осудалик билан ўтириб келаётган Онесимо Санчес эшикни очган заҳоти юзига урилган жазирама тафтидан сесканиб кетди, ипак кўйлагининг ора-сираси бир лаҳзада ҳўл бўлиб қолганини сезаркан, сенатор бир қадар кексайгандай ва ўзини танҳо ҳис қилдики, бунақа ҳиссиёт илгари ҳеч бўлмаган эди. У эндигина қирқ иккига кирган бўлиб, ўз вақтида Гиттенгенда инженер-металлургликнинг имтиёзли дипломини қўлига олган, ўзига у қадар фойда келтирмаса ҳам анча йиллар лотин классикларини номукамал таржимада ўқиганди. У ҳар доим шўх ва кулиб турувчи немис аёлига уйланган, бешта фарзанди бўлиб, оилада ҳаммаси бахтиёр, уч ой аввал унга кириб келаётган Рождествода ўлишини айтишгунга қадар ҳаммадан бахтли эди.

Мажлисга тайёргарлик тугагунча сенатор ўзи учун мўлжалланган уйда ёлғиз ором олишга мушарраф бўлди. Бир оз ётиб дам олишдан олдин юрак оғриғини қолдирадиган дорини ичишни ҳам кутмай ўзи билан олиб юрган сутли кашани тушликка тамадди қилди ва даштдан келтирилган эчки гўштини ортиқча дабдаба билан қовуриб ўтирмаслик учун хомлигича шаффоф атиргул сувига ташлаб, сўнг бириккита дори ичди. Шундан сўнг у тўрбеланчак қошига электр билан ишлайдиган вентеляторни қўйди, бор кийимини ечиб, ҳеч бўлмаса ўн дақиқа ўлими ҳақида ўйламаслик учун атиргуллар нимқоронғисига ётиб мудрашга тушди. Врачлардан бошқа ҳеч ким унинг ҳукм қилинган ва олдиндан маълум бўлган соатини билмас, шунинг учун ҳам у калондимоғлик билан эмас, ўта босиқлик билан бу ҳаётда ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ушбу сирли хочини ўзи билан олиб юришга қарор қилган эди.

Юрак оғриғини қолдирадиган дорини қабул қилганидан сўнг, яхши ором олиб, соч-соқолини тозаллагач, ола кўйлак ва кўпол газлама шимда соат учларга яқин одамлар ҳузурда бўлганида ўзини янада улуғвор ҳис қилди. Ич-ичини кемириб бораётган ўлим ҳисси у ўйлагандан кўра ҳам доғулироқ бўлиб чиқди, бунга у кимдир келиб қўлини сиқиб қўйганида, илгари ҳеч бўлмаган туйғу - кичик ва яланғоч майдондаги иссиқ тупроқлар устида ялангоёқ кутиб турган қизил танлиларга ачинмаганида амин бўлди. Ҳукмдорона, бир оз жаҳл аралаш қўл ҳаракати билан қарсак ва олқишларни тўхтатиб, кун қизигидан лоҳас бўлиб ётган денгизга қараб гапира бошлади. У муаллақ ва сокин сувдан олинган каби текис, ўлчамли гапирар, миясида ҳар доим ўралашиб юрган ёдаки сўзларни бутун вужуди ундаётганидек ҳақиқатни сўзлаш учун эмас, Марко Аврелий хотираларининг тўртинчи китобидаги фаталистларча пандномаларга қарши чиқмоқчи бўлганлиги учун ҳам гапирарди.

- Биз бу дунёда табиат устидан ғалаба қилмоқ учун яралганмиз, - дея ўз ишончларига зид бўлган жумла билан бошлади у. - Шунда биз - ватаннинг ўғай болаларига, қўналғасиз ва саҳройи

шоҳликдаги Худонинг етимларига, ўз мамлакатимизнинг радди маъракаларига айланиб қоламиз. Йўқ, келинлар, бошқачароқ бўлайлик ахир, жаноблар ва хонимлар, қудратлироқ ва бахтлироқ бўлайлик.

Бу унинг тамошоғоҳдаги одатдаги такрорий нағмаси эди. У гапирарди, унинг ёрдамчилари эса ҳавога бир ҳовуч қоғоз каптарларни сочиб юборишди, каптарлар ўзлари боғлаб қўйилган минбар атрофида айлана ясаб, сўнг денгиз томон учиб кетишди. Бошқа ёрдамчилар эса бу пайтда фуригонлардан юпқа япроқли бетифор дарахтларини сугуриб олиб, оломон ортидаги майдон ерига экиб қўйишди. Дарахтларни экишгач улар қизил гиштлик ойнаванд уй тасвири туширилган картон тўсиқ қўйишиб атрофини турмушга ишлатиладиган капалар билан тўсиб чиқишди.

Группага спектаклни тайёр қилишга вақт бериш учун сенатор ўз нутқини лотин тилидан олинган бир неча кўчирмалар билан узайтирди. У ёмғирли машина, кўчма инкубатор, ғаройиб ўғитлар ва буларнинг ёрдамида шўрхоқ ерда бодрингларнинг ўсиши, дераза рафларида эса капалакгулларнинг очилиб ётиши тўғрисида ваъда берди. У ўзи тўқиб чиқарган оламнинг кўз ўнгида териб ва ўрнатиб қўйилганини кўрганида бармоқлари билан уларга ишора қилди ва қичқириб юборди:

- Мана биз қандоқ яшаймиз жаноблар ва хонимлар! Қаранг, қандай яшаймиз биз!

Ҳамма ўғирилди. Суратдаги уй ёртидан рангли қоғоздан ясалган океан лайнери сузиб ўтди ва орқа тўсиқдаги шаҳар уйлариининг энг баландидан ҳам тепароқда туриб қолди. Фақат сенаторгина у ердан бу ерга кўчирилавериб ва кўп марта бузиб-қурилавериб, бунинг устига об-ҳаво таъсирида хийла зарар кўриб, хароб, чанг ва қайгули ҳолатга келиб қолган қоғоз шаҳарча - Олий Қиролнинг Атиргуллар боғига ўхшаб ётишини пайқайди.

Дастлабки ўн икки йил ичида Нельсон Фарина сенаторни кутиб олиш учун бирор марта бормаган эди. Нутқни у ўша - биринчи хотинини аптекачи билан тутиб олиб танасини майда бўлақларга бўлиб ташлаган кунлари уйи қошида, ўз кўли билан нотекис тахталардан қурган айвончанингни остидаги ҳали нами ҳам кетмаган новдалардан тўқилган тўрбеланчакда ярим кунлик уйку аралаш эшитди. Олий Қиролнинг Атиргуллар боғида биринчи марта қайиқчада юввош, узун қуйруқли ара тўтиқуши пайдо бўлганди, ўлим каторғасидан қочиб, Паромарибода биринчи бор учрашган ва унга қиз туғиб берган гўзал ва шу билан бирга бузуқликка мойил занжи аёли билан турарди. Бу аёл тезда қазо қилганига қарамасдан ўз ажали билан ўлган, бошқалар каби сўйилган танаси фақат ўзининг қарам экилган ҳовлисига ўғит учун ташлаб юборилмаганди, йўқ, занжи аёлини тўла-тўкие маҳаллий қабристонга унинг номига голланд исмини қўйиб кўмиш-

ди. Ундан қизига танасининг қора ранги ва сатанглиги, отасидан эса тилларанг, жозибали кўзлар мерос қолганди ва Нельсон Фарина учун унинг уйида дунёда энг гўзал аёл улғаяётганига асос бор эди.

Биринчи сайлов мавсуми арафасида сенатор Онесимо Санчес билан танишиб туриб Нельсон Фарина хотиржам яшаш учун қафолат берувчи сохта рухсатнома тўғирлаб беришини сўради. Сенатор бу илтимосни меҳрибонлик билан, лекин қатъиян рад этди. Нельсон Фарина қаторасига бир неча йил тишини қайраб юрди, сенаторнинг ҳар галги янги ташрифида унга мурожаат қилиш учун қулай имкониятлар топаверди. Аммо у ҳар гал бир хилдаги жавобларни олаверди. Шундай қилиб, кейинги гал у бир замонлар қароқчилар тўдаси изғиб юрадиган, тириклайин чиришга маҳкум бўлган, нафас қайтар жазирама ердаги тўрбеланчакда қўлишга қарор қилди. Нутқидан сўнг чалинган қарсақларни эшитаркан, у ўрнидан туриб иягини чўзди ва қарама-қарши томондаги манзарага кўзи тушди: ёғоч қозиклар ўрнатилган сербутоқ тиргаклар, қошига йўлаб бўлмайдиган оломон кўзи олдида хизматкорлар океанлараро қатновчи лайнерни ҳаракатга келтириб юборишди. Нельсон Фаринанингни бирданига жаҳли чиқиб кетди.

-Merde, - деди у, - c'est le Blacaman de la politique (Жин ургур-ей, ахир у ҳақиқий сиёсий кўзбўямачилик-ку!) Нутқ тугагач сенатор ҳар галгидай оркестр мусиқаси ва пиротехник ракеталардан отилган мушакларнинг ялтирашлари остида ўзларининг бахтсизликлари ҳақида ҳикоялар тинглаган маҳаллий аҳоли ичидан вазминлик билан юриб ўтди. Сенатор уларнинг ҳар бирини очиққўнгиллик билан эшитаркан, ўзига бажариш қийин бўлган ҳеч қандай мажбуриятлар олмасдан уларни юпатишга йўл топарди. Мушаклар ва оломоннинг шовқини ичидан уйнинг томига чиқиб олган олти болали аёлнинг овози зўрға эшитиларди.

- Мен жуда оз нарса сўрайман, сенатор, - дея қичқирди у, - менга фақат Дўзахи Ҳовуздан сув ташиш учун биргина эшак берсанг, бас.

Сенатор олти нафар юпун ва озгин болакайларга қаради.

- Эрингга нима бўлган сенингни? - деб сўради аёлдан.

- Оруба оролига бахт қидириш учун кетганди, - жавоб берди аёл соддалик билан, - олмос тиш қўйиб юрадиган чет эллик аёлни кўриб қолган бўлса керак-да.

Оломон унинг жавобини қаттиқ кулгу билан қарши олди.

- Яхши, - деди сенатор, - сенда албатта эшак бўлади.

Ёрдамчилардан бири бир фурсатда аёлга ўчмас бўёқлар билан биқинига сайлов шиори ёзиб қўйилган юк ташувчи эшакни келтириб берди, воқеа

шоҳидларидан ҳеч ким бунинг айнан сенатор томонидан тортиқ қилинганини ҳеч қачон унутмади.

Сенатор ўзининг унча катта бўлмаган сафари давомида шаҳарчанинг бошқа аҳолисига ҳам пойқадами ёққанини намойиш этди, жумладан у “сенаторни кўраман деб қаравотидан туриб кўча дарвозасига интилаётган беморга ўз қўли билан бир қошиқ дори ичирди. Сўнгги бурчакни айланиб ўтаркан, сенатор патио девори орасидан тўр беланчақда ётган Нельсон Фаринани кўриб қолди: Нельсон Фарина унга кўргошин тусда ва гамнок кўриниб кетди, шунда сенатор алоҳида такаллуф билан бўлмаса ҳам сўрашиб қўйди:

- Қандай яшаяпсизлар?

Сенатор томон буриларкан, Нельсон Фарина гамнок кўзлари билан унинг дилини ўртаб юборди.

- Moi, vous savez, - (Менми? Ўзингиз биласиз-ку), - деб жавоб берди у.

Ҳовлидаги суҳбатни эшитиб унинг қизи чиқиб келди. Қизнинг эгнида унниққан ҳалат, бошини гуногун бантлар безаган, юзига иссиқдан сақланиш учун крем сурилган, шу ҳолига қарамасдан, айтиш мумкин эдики, дунёда ундан чиройлироғи йўқ эди. Сенаторнинг ҳатто нафаси ичига тушиб кетди.

- Жин урсин, - ҳайратланиб хўрсинди у. - Худо шундай яратиши ҳам керак эди.

Худди шу кеча Нельсон Фарина қизини сенаторга юбормоқ учун бисотидаги энг безакдор либосларни кийишни маслаҳат берди. Иссиқдан лоҳас ҳолда милтиқ ушлаган қирра бурунли икки қоровул уйга ташриф буюрган меҳмонга олдинги томондаги стулга ўтириб кутишни буюришди.

Сенатор қўшни хонада бу ерга таклиф этилган Олий Қирол Атиргуллар боғининг энг обрўли аъзолари билан ўзининг нутқида бир оғиз ҳам гапирмаган пинҳоний сирларини айтиб мажлис ўтказмоқда эди. Бу одамлар саҳродаги ҳар бир шаҳарча кишиларига қанчалик ўхшаса, мажлислар ҳам шу қадар илгаригиларига ўхшагани учун алақачон уларнинг жонига текканди. Сенаторнинг кўйлаги кейин нам тортиб қолгани учун электр вентилятордан келаётган иссиқ ҳаво оқимида қуритишга ҳаракат қилаётганида, жонга тегувчи ғўнғир-ғўнғир саслардан хонадагилар мурдадек қотишган эди.

- Маълумки, биз сиз билан қоғоз қушчаларни тановул қилмаймиз, - деди сенатор. - Сиз ва мен яхши биламизки, шу кундан эътиборан бу ҳало жойда гуллар ва дарахтлар пайдо бўлади, ҳовузда эса итбалиқлар ўрнини зағорабалиқлар эгаллайди, шунда сиз ва мен учун бу ерда ҳеч қандай иш қолмайди. Сиз мени тушуняпсизми?

Ҳамма жим эди. Сенатор сўзлаётган календарнинг бир варағини йиртиб олди-да, ундан қоғоз капалак ясади. Ўйнаб ўтириб беихтиёр уни вентилятордан келаётган ҳаво оқимига кўйиб юборди, ка-

палак бир айлана ясаб қия очилган эшикдан учиб чиқиб кетди. Сенатор ўзига хос бўлмаган босиқлик билан, ўлим қаршисида яширин баҳслашмасдан сўзлай бошлади.

- Бундай ҳолда, - деди у, - мен учун ўзингиз яхши билган нарсаларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ, менинг қайта сайланишимда сиз кўпроқ мен билан қизикдингиз, чунки мен айнаниган сувлар ва ҳиндуларнинг терларига бўғзимгача мана мундай тўйиб кетдим, сиз бўлса ақсинча, асалли сув ичиб яшаяпсиз.

Рўпарасидан учиб ўтаётган қоғоз капалакни Лаура Фарина дарҳол кўриб қолди. Уни фақат ўзи кўрди, чунки қоровуллар ўзлари орқа қўйган ўриндикларига елкаларини бериб қўлларидан милтиқ тутганча ухлаб ётишарди. Қанотлари серҳашам улкан капалак бир кеча айлана ясагандан сўнг қайтиб келиб деворга урилди. Лаура Фарина уни тирноқлари билан кўчириб олишга ҳаракат қилди. Қарсақларнинг шовқинидан уйғониб кетган қоровуллардан бири қўшни хонада зўр бериб керишаркан, унинг ҳаракати беҳуда эканлигини айтди.

- Кўчириб ололмайсан, - дея гўлдиради уйқу аралаш, - чунки у деворга чизилган.

Лаура Фарина стулга қайтиб ўтирди, бу вақтда ҳар галгидай мажлисбозлар тарқала бошлаган эди. Зал одамлардан бўшаб қолганида сенатор эшик тутқичини ушлаётган бўсағада турган Лаура Фаринани кўрди.

- Бу ерда нима қиялсан?

- C'est la part de mon pere. (Мени отам юборди), - деди у.

Сенатор тушунди. У мудраётган қоровулни синчиклаб кузатди, сўнг ўз дарду ҳасратлари устидан ғалаба тантанасини сураётган Лаура Фаринанинг мислсиз гўзаллигига термулди ва шу заҳоти у мен учун жон беришга ҳам тайёр деб ўйлади.

- Киравер, - деди у қизга.

Лаура Фарина сеҳрлангандай остонада тўхтаб қолди: хона бўйлаб худди капалаклар сингари минглаб банк пуллари учиб юрарди. Лекин у вентиляторни ўчириб қўйгач ҳавода муаллақ қолган пуллар ҳам, хонадаги бошқа нарсалар ҳам полга тўкила бошлади.

- Кўрдингми, - дея кулди сенатор, - ҳатто одамнинг териси ҳам учяпти.

Лаура Фарина ҳозир ўзини мактаб ўқувчисидай ҳис қилди. Унинг силлиқ, таранг териси ишлов берилмаган нефт рангини эслатарди, сочлари эса ёш байталнинг ёлига ўхшаб кетар, йирик кўзларидан тиниқ нур ёғилиб турар эди.

Сенатор унинг кўзларига эътибор бераётганида нигоҳига селитрадан азоб тортаётган атиргуллар чалингандай бўлди.

- Бу атиргул, - деди сенатор.

- Биламан, - деди қиз ва сал уят аралаш имо

билан уни чақирди, - мен бунақасини Риоачида кўрганман.

Сенатор каравотга ўтираётиб атиргуллар тўғри-сидаги гапини давом эттираркан, шу кўйи кўйлагини еча бошлади. Чап кўкрагида, ўзи қалб бор деб тахмин қилган жойга қароқчилар тамғаси туширилган бўлиб, у ерда юраги ўқдай урарди. У намсол кўйлагини полга иргитди ва Лаура Фаринадан ботинкасини ечиш учун ёрдам беришини сўради.

Қиз каравот қошида турарди. Сенатор унинг ботинка ипини қандай ечаётганини кўриб ўйланди, бу учрашув иккимиздан қай биримизга кулфат келтираркин, дея ўз-ўзини тергов қилди.

- Сен бутунлай гўдаксан-ку, - деди у.

- Унчалик эмас, - эътироз билдирди қиз. - Апрельда ўн тўққизга кираман.

Сенатор қизиқиб қолди:

- Қайси числода?

- Ўн биринчида, - жавоб берди у.

Сенаторнинг кайфияти кўтарилди.

- Биз ҳар иккимиз Тельчилармиз. - деди у. Ва кўшиб кўйди:

- Бу ёлғизлик белгиси.

Лаура Фарина бунга эътибор бермади, чунки у ботинкасини нима қилиш ҳақида ўйларди. Шунингдек сенатор ҳам Лаура Фаринани нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлар, чунки кутилмаган шодиёна учрашувларга илгари кўникмаганини шунда аниқ ҳис қилганди. Бунинг устига об-ҳаво ҳам нохуш эди. Фақат вақтдан кўпроқ ютиш ва ҳаммасини пухта ўйламоқ учун Лаура Фаринани тиззалари орасига қисди, хипча белидан кучоқлаб ўзининг каравотига ётқизиб кўйди. Шунда у қизнинг устида кўйлагидан бўлак ҳеч қандай либоси йўқлигини тушунди, чунки қизнинг юраги кўрқув билан ураётган ва совуқ тер қоплаган териси муздай бўлишига қарасдан баданидан ёввойи ҳайвонга хос бўлган бадбўй ҳид анқирди.

- Ҳеч ким бизни сезмайди, - дея хўрсинди сенатор.

Лаура Фарина нимадир демоқчи бўлган эди, бироқ унга фақат хўрсиниш учунгина ҳаво етди, холос. Сенатор уни ёнига ётқизиб чироқни ўчирди. Ва энди хона тунги атиргулга айланди. Лаура Фарина бутун борлигини илоҳий тақдир шафқатига топширди. Сенатор аста-секин уни силамоқчи эди, кўли қизга деярли тегмасдан қидирар, энди топаман деб турганида кўли қандайдир темирга қадалди.

- Нима олиб юрибсан бу ерда?

- Кулф, - жавоб берди қиз.

- Қандай тентаклик! - газабдан бақриб юборди сенатор, кейин қизга буни шундоқ ҳам билишини айтди:

- Калит кимда?

Лаура Фарина енгил хўрсинди.

- Отамда, - жавоб берди у. - У менга сизнинг калит учун атайин одам юборишингиз ва у орқали отамнинг истагини қондириш тўғрисида ёзма тилхат ҳам бериб юборишингизни тайинлаган эди.

Сенаторнинг бутун аъзои бадани титраб кетди.

- Аблах француз қиз! - дея гўлдиради у жаҳл билан.

Кейин кўзларини юмиб олди-қоронғу зулматга шўнғиб ўз руҳи билан учрашди. "Унутма, - деган садони эшитди у, - сен ҳам, бошқа ҳар қандайи ҳам тез орада ўлиб кетасиз, сизнинг ном-нишонингиз мутлақо ўчиб кетади". У титроғини босиб олиш учун бироз кутиб турди ва сўради:

- Айт-чи, мен ҳақимда нималар дейишяпти?

- Рўйи-ростими?

- Рўйи-рости.

- Яхши, - хушчақчақлик билан жавоб берди Лаура Фарина. - Айтишяптики, сиз бошқалардан кўра гўлроқсиз, чунки сиз бошқаларга ўхшамайсиз.

Сенатор айтилган гапларга ҳеч қандай муносабат билдирмади. У кўзини очмасдан узоқ жим турди, кўзини очганда эса унинг кўриниши ўз кўнглининг энг чуқур қатларидан қайтиб келганга ўхшарди.

- Нима бўлса бўлди, - ўзига ўзи деди у, - аблах отанга айт, мен унинг истагини бажараман.

- Агар истасангиз калит учун ўзим чиқиб келаман, - деди Лаура Фарина.


Сенатор уни тўхтатди.

- Калитни эсингдан чиқар, - деди у, - мен билан бир оз ором олгин. Ёлғиз қолганингда сен билан бўлиб кўнглингни овлашса яхши-ку.


Шунда қиз гуллардан кўз узмаган кўйи эркакнинг бошини ўз елкасига кўйди. Сенатор унинг белидан қучди, юзини қизнинг ёввойи ҳайвонники каби касиб ётган қўлтиғи орасига яшириб, ўзидан юқорига кўтаришга журъат қилди. Орадан олти ою ўн бир кун ўтгач у худди шу ҳолатда - Лаура Фарина номи туфайли шармандаси чиққан ва қиз ҳозир қошида бўлмаган, жимжитликнинг сиқуви остида бўкириб йиғлашга тайёр турган мана шу дақиқаларда маъмурий фаҳшиёналиги учун дўзах дунёси бақолигига маҳкум бўлиб турарди.

Рус тилидан

Собир УНАР таржимаси.



Кўчқор НОРҚОБИЛ



Қиш тизлат сурайтлар

ТУРКУМ

1

Чорбоғларнинг ариқларига
Ҳали замон муз сочади қиш,
Тарновларнинг ёриқларида
Товланади сумалак-олқиш.

Зангболтага ўраб желагин.
Чол чорбоққа кирар... Совуқ... Кеч.
Қари тутнинг бир бўлагини
Ямлаб-ютар оловоғиз печ.

Қағиллаган бахтли қаргани,
Тутаб-тутаб қарғар мўрилар.
Узун кеча қақшаб яғрини
Ув тортади даштда бўрилар.

Қиш телбага солар ўзини
Пешайвонда музлар калишлар
Деразанинг синиқ кўзини
Беркитади куроқ болишлар.

Тойринчоқда оёғи тойиб,
Қор тўзғитар мункиган шамол.
Бир кечада шундай гаройиб
Қиш жангини кўрдим:
Мукаммал!

5

Бўрон. Боғлар қарсиллайди,
Намгин ернинг кафтида.
Деразалар чарсиллайди,
Тош ёмғирлар забтидан...

Ваҳимага минди довул,
Гўё кўкни учириб.
Қай қитъадан келди довул
Музликларни кўчириб?..

Зоғлар зўрға ҳаволайди,
Санчилар муз томчиси.
Кувнолмайди. Савалайди
Дарахтлар - боғ қамчиси.

Айланади дун чирпирак,
Гўё қисмат - суронли.
Кўп кўрдик-ку, кўрқма юрак
Бу дунёнинг бўронин...

Бўронларда топаман йўл
Тўзғима, кўлингни бер,
Илдизинга эҳтиёт бўл,
Илдизимни асра, Ер...

6

Ишхона. Бешинчи қават
Кўча қор. Ернинг қандили -
Дарахтлар товланар. Зумрад
шуълалар чулғар қалбимни...

...Эсингдами? Қор ёғарди
Қиш... талабалик йилларим...
Қор қўйнида кун оғарди,
Музлаб қоларди қўлларинг...

Лабларингда ёнарди сўз
Шундай гўзал бўларди қиш
...Бутун қордан узмайман кўз,
Бешинчи қават. Уф «. Иш... Иш...»

10

Шип-шийдон дарахтлар қамчисига,
Аёз-чавандозин йиқитган йўрға
Кўрқмасдан кўнаркан қамчи учига
Аёзни калака қилади қарға.

Тарновлар учуда осилган найза,
Гўё ёрмоқ бўлар ернинг қорнини -
Сумалак - илдизи кўкдаги майса
Бахтлироқ сезади томлар қорини...

Энамизнинг кўзидан тушган кўзойнак
Кўзидай чатнайди кўлмакларда муз.
Боғларнинг бағрини куйдирар қийноқ:
“Нега ечинтириб кетди ёвуз куз?..”

Шундай қаҳратонли оқшом чоғида
Нигоҳинг хотирда порлаган гавҳар.
Бир ўзим ёнаман қиш кучоғида,
Уйларга беркиниб олади шаҳар.

Шундай!
Қаҳратоннинг қаҳр қиличи.
Еру кўк ораси - бир мен муаллақ.
...Ҳозир портлаб кетар йиғидан ичим -
Ҳажр ишғолида ҳамма ёқ -
Оппоқ!

13

Ёйдай таранглашиб эгилган дорда,
Қатрон тери каби музлар кўйлақлар.
Фалакни тўзғитиб ўйнаган қорда
Ернинг қиличидай чатнар тераклар.

Оёғим остида чарсиллайди қиш,
Шамолда суриниб увиллар совуқ,
Менинг ёлғизлигим бир ўзимга хуш,
Ёлғизликдан бошқа ҳеч кимим йўқ...

Деразанг ортида бир тутам завол -
Солланар кўзингни беркитган парда.
Менинг юрагимни музлатар савол:
“Кимнинг кўйлақлари осилди дорда?”

Азизим бир тутам оловми, парда
бир бор силкинмади, очилмас сира...
Ахир кўрмайпсан... Эзгин, безарда
Ташқарида турар таниш хотира.

16

Муз кўчади, тинмайди
Томнинг тақир-туқури.
Тарновларда кўринмай
Юриб чиқади ўғри.

Қаҳратонни кўрқитар
Тоғоранинг таранғи -
Қиш чилласи иккиқат
Музга боши қоронғи.

Деразалар сиртидан
Мухрни олар аёздев.
Сумалаклар бурнидан
Шўриллаб оқади сув.

Бу ҳамалнинг ҳамласи -
Ёғади сабри найсон.
Чинқиради исёнкор,
Чиллақиз босган майса.

“ШЕЪРИМ! ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН”

Маълумки, ҳар қандай шоир ижодининг етакчи хусусиятлари, ўзига хос бадиий олами, услуби, маҳорати бевосита у яратган поэтик образларда намоён бўлади. Поэтик образ тушунчаси, поэтик образ яратиш муаммоси ижод жараёнининг асосий шартларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижодкорнинг поэтик маҳорати, лирик қаҳрамон руҳиятини кашф этишдаги санъаткорлиги ҳам энг аввало бадиий жиҳатдан мукамал бўлган поэтик образларни яратиш билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Шу нуқтаи назардан истеъдодли шоир Усмон Носир маҳоратини унинг шеърлятида етакчи поэтик образлардан бири бўлган “шеър” образининг “Яна шеъримга” сонетидаги бадиий талқинига назар ташлаймиз.

Шеърда шоир ўзининг юрак тубидаги самий кечинмаларини, ҳисларини “шеър” образи орқали очиб беради.

***Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.***

Биринчи мисрада шоир “шеър”га худди жонли хилқатга бўлгани каби мурожаат қилипти. Гўё у лирик қаҳрамон, яъни шоирнинг дардларига ҳамроҳ бўлади, ўз таърифини эшитиб қувонади. Шеърни шоир гулга, шеърляти эса гулзорга, боққа қиёслайди. Бу тасвирий ифодани унинг бошқа шеърларида ҳам учратамиз. Аммо бу ўринда шоир ўз шеърига шундай таъриф берадики, агар у шеърлят боғига кирса ўзга гуллар унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб эсанкираб уялишлари ёки рашқдан ёнишлари мумкин. Усмон Носир ўз шеърларини ана шундай гўзал малика даражасига кўтаради. Биз унинг шеърларидаги мафтункор, жозибали гўзалликни кўра билмоғимиз учун унга шоирнинг, лирик қаҳрамон - шеър шайдосининг кўзлари билан қарашимиз лозим бўлади. Чунки ошиқ наздида унинг маъшуқасидан гўзалроқ зот бўлиши мумкин эмас.

Усмон Носир шеърни жисмидаги жонига қиёслайди. Маълумки, жон тирикликнинг, қолаверса, борлиқнинг, табиатнинг асосидир. Чунки жон бўлмаса инсон қуруқ шаклга айланади, табиат эса расмга.

Бинобарин, шоир учун шеър яшаш ва севиш, ҳис қилиш, бир сўз билан айтганда тириклик манбаи. Бу манбадан маҳрум бўлиш ўлим билан тенгдир. Бу концепция шеърнинг кейинги мисраларида янада теранроқ, янада чуқурроқ акс этирилади.

***Юрагимнинг дарди - нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.***

Олдинги мисраларда лирик қаҳрамоннинг жонига, юрагига қиёс қилинган шеър бу ўринда шу юракнинг дарду алами ҳам, қувончу шодлиги ҳам эканлиги эътироф этилмоқда. Шоир поэтик образ таснифини умумийликдан хусусийликка, конкретликка кўчирипти. Учинчи мисрадаги қисман лирик чекиниш “шеър”ни юракнинг ишқ ўтига ҳамоҳанг қилиб қўймоқда. Ошиқ борки, у дард чекади, ҳижрон азобидан тўлғанади, юраги ўт бўлиб ёнади, лекин барибир маъшуқасига бўлган муҳаббатидан воз кечмайди, аксинча унга интилади, висолга умид боғлайди. Усмон Носирнинг лирик қаҳрамони ҳам ишқ азобидан баҳра олади, у бу дарднинг камайишини эмас, аксинча ортишини истайди.

***Бутун умрим сенинг бўйинида
Саҳарда қон тупурсам, майли,
Мен - Мажнунман, шеърим, сен -
Лайли!***

Ушбу сатрларда лирик қаҳрамон туйғулари, қалб тугёнлари ўзининг кульминацион чўққисига кўтарилганини кузатиш мумкин. Мисралардаги лирик қаҳрамон ҳақиқий ошиққа айланади. У ўзини ишқ султони - Мажнун, шеърларини эса севгилиси Лайли деб билади. Шоир талмеҳ санъатини моҳирлик билан қўллаш орқали “шеър” образининг ўзига хос поэтик қиёфасини яратади. Энг муҳими, “шеър” ва “шоир” тушунчаларининг “Лайли ва Мажнунлик” ҳолати шоирнинг поэтик кашфиётидир.

***Нафиса Умрзоқова,
аспирант***

ШЕЪР — ё эътироф, ё исён

Эссе

Шеър нима? Ўз-ўзимга савол ташлайман. Кўзларим нигоҳларини олиб қочади. Ичимдан ҳай-қириб келаётган нарсанинг номини билмайман. Йиғи бўлганда кўзларимни куйдирган бўларди.

Бу йиғидан—да ўтли, азоблардан—да аччиқ, Шеър нима?

“Шеър — ё эътироф ё исён,

ё тирсаки ё ўпич”, — дейди Доғистоннинг зўр шоири Расул Ҳамзатов. Бир нуқтага тикилиб қолиб кетганимни анчадан кейин англайман. Ғирашираликда кимдир бордай туюлади. Бутун вужудим кўзга айланади. Шарпа менинг қараб турганимни сезиб, ўзини атиргулнинг панасига яширади. Кўзларим бироз хира тортиганини ҳисобга олмаганда менинг нигоҳларим ўтқир. Мен уни дарҳол топиб оламан. У — юракка ўхшайди.

Шеър нима?

Бироз чанг қоплаган китобларим орасидан ўзимнинг Маринамни топиб оламан. Чунки у менинг қўлим осонгина етадиган жойда туради. Ҳар гал уни қўлимга олганимда севгилисини узоқ кўрмаган ва кутилмаганда йўлидан чиқиб қолган одам каби ўзимни йўқотиб қўяман.

Бошим айланади. Кўзим тиниб кетади. Менинг яқинлашганим сайин унинг ҳам менга қараб келаётганини кўраман.

“Шеър — муҳаббат”, — дейди уялибгина Цветаева.

Очиғи, у билан кўнган бери кўришолмадик. Рўзғорнинг кўзга кўринмас икир—чикирлари билан ўраллашиб қолдим. Уни қўлимга олганимда, у менга отилмади. Ҳатто қараб ҳам қўймади. Гинадор нигоҳларини бурчакка тикканча жимгина тураверди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Нима дейишни билмай каловланиб қолдим...

Шеър нима?

Тўрт ой бўлди — Онамни кўришга боролмадим. Яхшиям, ўлимнинг борлигини биламан. Кўзларини йўлга тикиб, кун санаётган онажонимнинг киприкларидан думалаб—думалаб тушаётган ёш — шеърга ўхшаркан...

Билмадим, кундан—кунга тошбағир бўлиб бораётгандайман. Ҳаттоки, ҳеч кимдан меҳр кутмай қўйдим. Ёшим ўтиб бораётганидан афсусланмайман ҳам.

“Шеърларим мендан кейин қанча умр кўради?” дея зорланаётганга ўхшайди русларнинг забардаст шоири Евг.ЕВТУШЕНКО.

Шеър нима? Шоир ким? Тунда ёзган алла-нарсаларини тонгга ўқиб, чиндан ўзи ёзган, ёзмаганлигига ишонмай турган кимсани ким деб аташ мумкин? Бу илоҳийликми? Илоҳийлик шеърми ё?

Назаримда эшик тиқиллаганга ўхшади... Бориб очдим. Ҳеч ким йўқ. Нимадир оёғим остига тушиди. Дафтарнинг йиртиб олинган варағи тўрт букланиб, эшикка қистириб қўйилган экан. Бундай воқеалар кўп бўлиб тургани учун ҳайратланмадим. Фақат кеча гап таллашиб қолганим, энг азиз кишимни андак норизо қилиб қўйганим эсимга тушиб, хатни шошилиб очдим. Таниш ёзув. Икки қатор шеър.

Мен сени келишинг ҳеч истамайман.

Бироқ кел.

Абдували Қутбиддиннинг ушбу шеъри билан кечаги аламлар олинган эди.

Кўзларим ерни кўрмай қўйди. Қаерда эканимни ҳам унутиб қўйдим. Эшик ичкаридан очилгандагина қаерда турганимни, боз устига йиғлаётганимни кўрдим. Ушбу шеърни жўнатган кишимнинг кўнгли таскин топган бўлса не ажаб!

...

Бир куни уйимга шеърга қизиқадиган, ўзи ҳам шеър ёзиб турадиган шоира қиз таширф буюрди. Негадир хомуш. **“Чилонзордан атайин шеър эшитгани келгандим. Сиз банд экансиз”,** — деди у. Назаримда, ҳозир йиғлаб юборадигандек туюлди. У жуда ҳам ғамгин эди. Олдига ўтиришдан бошқа чорам йўқлигини ангадим. У дабдурустдан узун—узун киприкларини деворга тикиб, ойнага сунган кўйи шеър ўқий бошлади.

**Энди тиконлими бу эрка йўллар,
Ё йўл тугадими — энди қайтишими?**

Гуллаган севгидан қолдими чўллар,
Энди бегонадай "хайр" айтишми?

Оҳ, қачон алдашга ўрганасан сен,
Юзингда кулгу—ю лабингда титроқ,
Мен учун ўртанмай ўртанасан сен...
Қўрқма, тилларимда қолмади сўроқ.
Не қилай? Юракдан бўшади таним,
Нажот қўнишдами, нажот — ўлишда?
Азизим? Азизим! азизим маним,
Айт, қачон улгурдинг жоним бўлишга?

Мен ҳаммасини тушундим. Шеър менга қиз
кўнглидаги барча тало—тўмларни гапириб берди.

Шоира кўнглидаги титроқ менга кўчди.
Беихтиёр шеър кайфиятига тушдим. Қани энди
тўхтатиб қолинг—чи? Бу шеърни шу қиз ёзгандай
эди. Бу шеърни мен ҳозиргина ёзиб тугатгандай
эдим. Таҳрирга сўз қолмаган эди. Аммо таҳрир
қилиш кераклигини унутганим ҳам йўқ эди.

Ярим кеча. Назаримда кимдир йиғлаётганга
ўхшайди. Ўрнимдан ирғиб тураман. Ким бўлса ҳам
унинг йиғисини тўхтатиб қоладиган шахд билан
йўлакча бўйлаб юра бошлайман. Нафасим қисган—
дай туюлади. Пардани суриб, деразани очаман.
Шамол кутиб турган каби ўзини ичкарига ота—
ди. Стол устида турган қоғозлар хона бўйлаб уча
бошлайди. Мен севган китоблар (стол устида фа—
қат мен яхши кўрган китоблар туради) ҳайрон.
Нима фалокат рўй берганини билмай жовдираб
қарайди. Улар учиб кетмайди. Уларнинг залвори
оғир. Шамолда пирпираб турган китобчани олиб,
очилган жойидан ўқий бошлайман.

Ёлғизлик ортимдан хувиллаб қувди,
Йиқилгунча бетин югурдим елдим...
Бир аёл туфлимнинг лойини ювди —
Унга севаман деб айтмаган эдим.

Қисмат қаҳр билан бизни отганди,
Танҳолик тунининг тор кучоғига.
Билмадим, қай маҳал аёл уйғонди
Туфли ювмоқликнинг иштиёқига.

Асли масхаралаш қисмат матлаби,
Аммо ҳайрат ичра тентиди хиёл:

Қувониб, масалан гул терган каби,
Туфли ювар экан тунда бир аёл.

Менга кўзи тушиб аёл қизарди,
Уялди. Қўллари қолди шалвираб.
Қўққис қаршимда у йиғлаб турарди,
Ёмғир қўйнидаги баргдай қалтираб.

Қўймоғим шарт эди бир жасур қадам, —
Қулаб танҳоликнинг ғариб аршидан.
Чўчидим мен меҳр кўрмаган одам —
Севги туфли ювиб чиқса қаршимдан.

Кетдим... Ёмғирдайин ўтдим у кетдим,
Минг аср танҳолик кечди бошимдан.
Минг аср оралаб қайтадан етдим,
Ўша ёлғиз қолган аёл қошига.

У менга бахт берди осмондай улкан,
Мен—чи? Мен қоврилдим бахтнинг доғига.
Бедорману нега уйғонолмайман
Туфли ювмоқликнинг иштиёқига.


Туфли юваётган аёл ким? Туфли ювмоқлик
иштиёқига уйғонган аёл ким ўзи?

Шамол каби хаёлим ҳам тун ичра тўзғиб
кетди. Энди уни йиғиштириб олиш жуда ҳам қийин,
жуда ҳам машаққатли. Ўзимга келишим учун эса
Цветаева бўлишим керак: "Бунча оз севасиз, ёмон
севасиз"... Ҳа—я, яна эзмалана бошладим. Девор—
даги соатнинг "как—ку"лаши ҳалақит бермага—
нида, билмадим, яна қанча эзмаланган бўлардим.

Юрагим танамга сиғмай кетяпти. Ёрилиши
мумкин. Ишонмаяпсизми? Мана шу шеър менинг
тақдиримни ҳал қилиши мумкин айни лаҳзада. Ўзим—
ни деразадан ташқарига отгим келди, чангли кўча—
ларда шамол каби тентираб—тентираб юргим келди.
Аммо оёқларим оғир эди. Менга бўйсунмади. Тунни
ларзага солиб бақиргим келди. Афсус, овозимни ютиб
юборганманми, овозим ҳам чиқмади.

Ўзимни қаерга қўйишни билмай бир жойда
туриб қолдим. Очиқ деразадан кимдир қараёт—
ганга ўхшади. У атиргул панасидан бошини кў—
тарди. Чинқириб юбордим. У Цветаева эди. Ай—
тиш мумкин бўлса, у менинг Цветаевам эди.





“Минг маънини бир нуқта билан мухтасар эттим”

Бутунга қадар Машраб шеърларининг ўнга яқин нашрлари амалга оширилди. Жалолиддин Юсупов нашри хусусида А.Абдуғафуров, китобга киритилган шеърларнинг ҳаммаси ҳам Машраб қаламига мансубми, деган мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Профессор Абдурауф Фитрат Машрабга нисбат бериладиган халқ китобларини кўздан кечириб бу муаммони кўтариб чиққан эди бир пайтлар. Шоир асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида ушбу масалага алоҳида эътибор қилинмади. Дарҳақиқат, жанр ранг—баранглиги ва шеърлар ҳажмининг ошиб бориши билан ҳар бир нашр олдингисидан тубдан фарқ қилади. Бу тафовутларнинг юзага келишига сабаб, шоир ҳаётлиги даврида девон тартиб берилмаганидир. Машраб шахси ва ижоди ҳақидаги маълумотлар кўпроқ “Қиссаи Машраб”, “Қиссаи девонаи Машраб”, “Шоҳ Машраб Намангоний”, “Эшони Шоҳ Машраби Намангоний” каби халқ китоблари орқали етиб келган.

Сон миқдори жиҳатдан ҳар хил бўлган бу қиссаларда, кўпинча, Машрабга тегишли бўлмаган ижод намуналари ҳам учрайди. Бу уч хил тарзда намоён бўлади:

а) Машраб тахаллуси остида бошқа шоирларнинг асарлари берилиши;

б) ғазалларнинг асл матни ўрнига шоирнинг мухлислари ёки котиб томонидан ёзилган назираларнинг келтирилиши;

в) Машрабнинг яқин кишилари (онаси, синглиси...) тилидан айтилган ўзга шоир ва шоирлар ғазалари.

Масалан: Фитрат “бурун” радибли мухаммас, асида, Турдининг девонига борлигини, “Фурсатинг фавт этма Турди, иш қил ўлмасдан бурун” мисраси билан тугалланишини ёзади.

Шоирга замондош, Офокхўжа ҳузурига боғбон бўлган Гумномнинг “Чиқсам кўчага шахсуворим келадур” ҳамда шоир Залилий девонидан ўрин олган “Сени Лайли—ю, Раънодек ажойиб дилрабо дерлар” мисраси билан бошланувчи ғазаллар ҳам Машрабга нисбатан берилди.

Муҳаммад Сиддиқ Залилий Машраб билан бир ижтимоий—адабий даврга мансуб ижодкор. У ҳижрий 1087—1091 (м.1676—1680) йиллар оралиғида Ёрқандда туғилган. Шоирнинг “Девони Залилий” (м.1720), “Тазкираи Хожа Муҳаммад Шариф бузругвор” (м.1742) дostonи, “Сафарнома” 1400 байтли, “Тазкираи чилтан” (м.1776) 565 байтли асарлари мавжуд.

Залилий девонини ўқиганда унинг образлар олами, тасвир ва ғояни ифодалаш услуби Машрабга жуда ўхшашлиги дарҳол сезилди. “Эй жилваи жамолинг дарёи нур эмасму”, “Ишқи адамга бор эди, йўқ эди мосуво ҳануз” мисралари бунга мисол бўла олади. Аммо, Залилий байтларида Машрабгагидек кучли образлилик, фикрни кўпроқ рамз ва тимсоллар орқали ифодалаш кўзга таъинланмайди.

Залилий ғазаллари орасида Машраб мероси сирасига кирган “эттим” радибли бир ғазал учрайди.

То олами зоҳирға келиб ман гузар этим
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим
Аҳволи кўнгул айғоли бир маҳраме тошмай
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим
Савдойи саҳар зулфунг учун неча маҳалдур
Жон кишварини буздиму зеру забар эттим
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш
Бас хирқани кийдиму ўзум дарбадар эттим.

(95, Залилий девони, 206—бет.)

Ушбу байтлар ҳар иккала шоир ижодига бир хил, фақат байтларнинг ўрни алмашган ҳолда берилади. Қолган мисралар ҳам ўзаро ўхшаш. Бағдий ижодда бир шоирнинг бир ё икки байтини кўчириб, давомидан шу радиф, қофия ва вазнда шеър ёзиш асосида тазмин ё тахмислар яратилиши ижобий ҳодиса. Аммо, етти—саккиз байтли ғазалнинг тўрт байти бир хил бўлишини на ижодий ва на ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Қолаверса,

Меҳмон агар келса Залилий емагил ғам

Хуни жигарим жамъи қилиб моҳазар эттим,
— мақтаси иккинчи вариантда “Минг маънини бир нуқта била мухтасар эттим” дея Машрабона яқунланади. Залилий иқтидорли, маърифатли шоир. Аммо, Машраб шеърларининг ўз оҳанги, завқ ва тугёни бор. Уларда шоир шахси “мана мен” деб кўришиб туради.

Машраб ижодига бир неча “эттим” радибли ғазаллар мавжуд. Ушбу шеър эса унинг Залилий ғазалига боғлаган тахмисидир. Яъни, мухаммаснинг ҳар банди охирида Машраб Залилий ғазалидан бир байтни айнан такрорлайди. Муҳаммас “Минг маънини бир нуқта била мухтасар эттим” мисралари билан тугайди.

Дилором ҲАМРОЕВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт
институтининг кичик илмий ходими.

Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али

БОҒИСТОН

Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али асли ўқитувчи. Тошкент автомобил ва йўллар институтига дарс беради. "Сеҳрли кўл", "Тулки ва айшқ болалари" эртақлар тўпламлари чоп этилган.

Шайх Саъдийнинг машҳур "Гулистон", "Бўстон" ўғитномаларига қиёсан домла "Боғистон" номли янги тўплам тайёрлабди. Биз улардан баъзиларини танлаб, ушбу меҳр ва мурувват йилида ёшлар учун ибрат бўлар, эзгу амаллар қилишга даъват этар деган умидда журнал саҳифаларига ёритишга жазм этдик.

ЁМОНЛИКДАН ҲАМ ЯХШИЛИК ИЗЛАНГ

Ҳотам Той эл оралаб одамларнинг ҳолидан хабар олишни кундалик одатига айлантирган экан. Ҳар куни бундай сафардан қайтишида бир бута ёнида тўхтаб отини боғларкан-да, номозини ўқиб оларкан. Ҳотам Тойни кузатиб юрган ичи қора, бахил киши бир куни у саждага юзланган пайтида отини бўшатиб юборибди ва ўзи яширинибди. Ҳотам Той номозини ўқиб бўлгач, отига минай деса, у жойида йўқ. Бу ҳолдан у заррача ҳам кўнглини чўктирмай бамайлихотир уйига пиёда йўл олибди. Эртаси куни у сафардан қайтаётиб одатига кўра номоз ўқиш учун яна шу ерда тўхтабди. Ичи қора инсон тагин отнинг жилловини ечиб ҳайдаб юборибди. Ҳотам Той яна ҳеч нарса бўлмагандек уйига пиёда жўнабди. Бундай воқеа бир неча кун такрорланибди. Лекин Ҳотам Той аср номози ўқийдиган манзилни ўзгартирмабди. Бундан бахил таажжубга туша бошлабди. Кейинги сафар у отга тегмай Ҳотам Тойни яширинча кузатибди. У одатдагидек отини бутага боғлаб, бафуржа номозини ўқиб олибди. Қараса оти боғланган жойида турибди. У отининг жилловини ечибди-да, ҳайдаб юбориб ўзи пиёда йўлга равона бўлибди. Бахилнинг таажжуби янада ортибди. Эртасига тагин шундай ҳол юз берибди. Энди у Ҳотам Тойнинг олдида тўсиб чиқиб, нега отини қўйиб юбориб, пиёда кетаётганлигининг сабабини сўрабди.

"Мен бу йўлдан кўп марта ўтганман. Лекин сафардан ҳориб қайтишим натижасида отнинг устида мудраб қолиб, кўп нарсага эътибор бермай ўтиб кетарканман. Пиёда юришда эса ҳикмат кўп экан. Йўл-йўлакай адашганларга йўл кўрсатиб бораман, кўплаб беозор жониворларни йиртқич ҳайвонлар, захарли илонлар чангалидан қутқараман. Шунингдек, мендан аввал ўтган йўловчиларнинг тушириб қолдирган буюмларини топиб, уларни жарчилар орқали эгаларига етказаман. Энг муҳими, дардманд одамлар учун доривор гиёҳлардан тегиб олиб, уларнинг дардига даъво бахш этмоқдаман. Мени шундай йўлга солганинг, қолаверса, ғафлатдан уйғотганинг учун сендан миннатдорман", - дея Ҳотам Той ўз йўлига равона бўлибди.

*Яхши инсон ёмонликдан, бир омонлик топгусидур,
Ёмонки бор, яхшиликдин бир ёмонлик топгусидур.*

ҲАР КИМ ҲАЁТ САЛМОҒИНИ ҲЗ ТАРОЗИСИ БИЛАН ҲЛЧАР

Ҳотам Тойдан сўрадилар:


- Бировга мурувват кўрсатиб ундан азият чеккан ҳолларингиз ҳам бўлганми?

- Ҳа, мен саҳрода бораётиб бир неча кишининг ҳушсиз беҳол ётганини кўриб қолдим. Тезда уларга ёрдам кўрсатишга ошиқдим. Уларни аравага ортиб уйимга олиб келдим. Сувсизлик ва очликдан ҳолдан тойган одамларга барча зарурий муолажа ва эътиборни кўрсатдим. Улар ўзларига келишди. Шундан сўнг аён бўлишича, улар шоҳ ва шоҳнинг одамлари бўлиб, овда адашиб қолишган экан. Очлик ва сувсизликдан отларидан айрилишиб, ўзлари ҳам узоққа бориша олмабди. Ташналик, очлик ва чарчоқ уларни обдон ҳолдан тойдириб ажал бўсағасига келтириб қўйган экан. Улар қувватга киргач, ҳар бирига от бериб, туяларга йўл анжомлари, озиқ-овқат ва сув ортиб манзили томон кузатиб юбордим. Бундан улар бағоят миннатдор бўлишиб, шоҳ мени ўз салтанатига меҳмондорчиликка таклиф қилди. Мавриди келса албатта борарман деб жавоб қилдим. Йиллар ўтиб иттифоқо йўлим ана шу шоҳ бошқараётган мамлакат томон тушди. Йўл-йўлакай шоҳдан ҳол-аҳвол суриштириб кетай, дея унинг қароргоҳи томон бурилдим. Мени сарой мулозимлари шоҳ ҳузурига ташриф буюришимга йўл қўйишмади. Шундан сўнг улардан менинг келганлигимни шоҳга етказишларини илтимос қилдим. Бир қанча муддат ўтгач, хабарчи мен шоҳга инъом этган от-улов ва мол-дунёдан бир неча бор кўп от-улов ва бойлик ортилган карвонни бошқариб келиб, "Бу подшоҳимизнинг сизга армуғон, яъни сизнинг олдингиздаги қарзлари", - деди. Бундан таъбим хиралашиб:

Меҳр-оқибат демиш муқаддас ганжни,

Нодон ўлчар, қўйиб анга нас панжни,

- дея, отимга қамчи бериб ўз йўлимга равона бўлдим.



КЕНГГА КЕНГ ДУНЁ

ТОЖУ ТАХТНИНГ БАХТИ ҲАМ, КУЛФАТИ ҲАМ - ТОЖУ ТАХТЧАЛИК

Болалик кунларимнинг бирида эшик тақиллаб қолди. Эшикни очганимда эшакка минган мўйсафид турар эди. У онамни чақиришимни сўради. Чол онам орқали менга иш буюрди. Мен бу топшириқни бажонидил адо этдим. Бунинг эвазига қария мени алқади.

У кетгач, мен онамдан “Чол бизга қариндошим ёки бобомнинг дўстими?” - деб болаларга хос қизиқиш билан сўрадим. Шунда онам чуқур тин олиб, “бу одам бобонгга ва бизга беадад зулм ўтказган. Бобонг эл орасида қори домла эди. Бу киши шўро давлатининг жамоалаштириш даврида амалдор бўлган. Диндорлар тузум душмани, деган баҳонада бизни қаҳратон қишда ўз уйимиздан ҳайдаб чиқариб, ўзи оиласи билан уйимизни эгаллаб олган. Биз қаҳратон қишда дийдираб, сарсону саргардонликда бировларникида сизинди бўлиб яшадик”, деди.

- Нега шуни олдинроқ айтмадингиз? - дедим қизишиб.

- Йўқ, ўғлим, шундай бўлсада бобонг у кишига нисбатан қалбида гина-адоват сақламади. Тоғаларинг вояга етишгач, қонун йўли билан ўзимизга қарашли уйни қайтариб олишни ихтиёр этишганда бобонг қатъиятлик билан уларнинг раъйини қайтарган. Аксинча, вақти келиб ул киши афтодаҳол аҳволга тушиб қолганида унга меҳр ва мурувват кўрсатди, - деди.

Бундай ҳолни англаб етмоққа болалик тасаввурим ожизлик қилар эди. Вақти келиб ўсиб-унсам бундай туйғунинг туб маъносига етарман, дея кўнгилга туйдим.

...Йиллар ўтиб, ёшим қанча улғаймасин, ҳаёт тажрибам ортмасин, ақлимга ақл, билимимга билим қўшилмасин, бобомда мужассам топган инсонийлик фазилатларининг ниҳоятда беқиёс бўлганлигидан ҳайратим тобора ортиб борарди.

*Олам шодлигин жойламоққа бепоёндин ҳар бир
инсон қалби,
Олам қайғусин маҳв этмоққа қодирдин ҳазрати
инсон қалби.*

ЗУЛМНИНГ МЕВАСИ - ЗАВОЛ

Золим бой хизматкориға зулмини кучайтириб юборибди. Хизматкор қанчалар садоқат билан хизмат қилмасин, бой ундан миннатдор бўлмас, аксинча уни ҳақоратлаб хўрлагани-хўрлаган экан. Бундай ҳол унинг дилини вайрон, ҳафсаласини пир қилар экан. Бир баҳор хизматкор бойдан ерни шудгорлаш бўйича кўрсатма олибди. У сидқидилдан бутун куч-қувватини сарфлаб ерни яхшилаб чопиб чиқибди. Одатдагидек хизматкор бойдан раҳмат эмас, дакки эшитибди. Шудгорни майдалаб, ўғитлаб уруғ экишга ҳозирлабди. Бойдан эса машаққатли меҳнати эвазига калтак ебди. Бундай хорлик суяк-суягидан ўтиб кетган хизматкор, бой унинг хизматини ҳеч қачон қадрламаслигига тўла иқрор бўлибди. У уруғ экиш пайтида бойнинг феълига яраша иш тутибди, яъни уруғни тайёрлаган ерга сепмай, яширинча чуқур қазиб кўмибдида, бой унинг тарк этибди.

Кунлар ўтибди, ҳафталар орта қолибди. Лекин шудгордан ҳеч вақо униб чиқмабди. Уруғ экилмаганлиги аён бўлган пайтда вақт ўтган эди. Бундай талофатдан бой бошини чангаллаб, сочларини юлибди.

*Беҳуда айласанг ўзгалар дилин хун,
Сенинг дилинг ҳам бўлғай шундайин бир кун.*

Бир мамлакат подшосининг доврўғи оламга ёйилган бўлиб, унинг бойлиги, қудрати ва имкониятининг чеки йўқ экан. Истаган нарсасини амалга оширар, кўзлаган мамлакатни қўлга киритишга қодир экан.

Бир кун дунё деганларидек шундай қудрат эгаси бўлиш шоҳнинг ягона армони - зурриёти, валиаҳди йўқ экан. У бундан жуда азият чекар, кечаю кундуз Худодан фарзанд тилар экан. Ҳатто фарзанд учун бутун тахтию бойликларидан ажраб гадо бўлишга ҳам рози экан.

Ёши ўтиб қариган чоғида толеи ярақлаб фарзанд кўрибди. Энди унинг дунёда армони қолмаган эди. Ўғли соғлом ва бақувват бўлиб кундан-кун ўсиб-улғайиб борарди. Шоҳ бундан олам-олам қувончга тўлиб, фарзандини ҳеч кимга ишонмай ўзи парваришларкан. Меросхўрим, ўлганда чирогимнинг ёқувчиси деб уни еру кўкка ишонмас экан.

Бола ўсиб ақлини таний бошлагач, подшо ўғлига салтанат сирларини ўргата бошлабди, турли сафарларга, овга ўзи билан бирга олиб борар экан. Шаҳзода ҳам давлатни бошқариш сирларини кунт билан ўрганар экан. Уни тожу тахт нашидаси жуда ҳам мафтун этибди. Бир кун улар овдан қайтишаётиб катта дарёдан кечиб ўтишаётганида подшонинг оти сувда оқиб кетиб ўзи сувда чўка бошлабди. Шаҳзода зудлик билан отасига арқон ташлаб уни сувдан тортиб чиқара бошлабди. Машаққат билан отасини қирғоққа яқинлаштираётган шаҳзоданинг кўз олдидан тожу тахт ўта бошлабди. У бунга эътибор бермай, янада бор ғайратини ишга солиб арқонни зўр бериб тортар экан. Лекин тожу тахт унинг ҳафсаласини қайтараркан. Гўё қўли толиб, куч-қуввати қолмаган кишидек арқонни бўшатибди. Отанинг “ўғлим, жигарбандим, мени қутқариб қол”, деб ялиниб ёлворилари ҳам унинг қулогига кирмабди. Шоҳнинг ўлими бутун оламга ёйилибди. Бундан хабар топган ўзга подшоликлар бой ва қудратли мамлакатни қўлга киритиш учун имконият туғилганидан фойдаланиб, салб юришини бошлашибди. Бу урушда ёш ва тажрибали шоҳ мағлубиятга учраб хонавайрон бўлибди.

*Кимнинг нияти бузуқ экан,
Унингки, бахти тўсиқ экан.*

ХАЙРЛИ ИШИНГ - СЎНМАС ЧИРОҒИНГ

Қадимда бир подшоҳ бўлиб, отамерос давлатни бошқариш унинг бошига анча эрта тушган экан. Гапнинг нафсиламрини айтганда, подшо ўта халқсевар ва одил экан. Унинг шўғуллангани илм, ўйлагани эзгулик бўлган. Лекин подшонинг бир армони бўлиб, қисмат уни дунёдан бефарзанд ўтишга маҳкум этган экан. Зеро, у “Ўзимдан авлод қолмаса-да, яхши ном қолсин” дея халқига мумкин қадар яхшилик қилар экан. Шу боис унинг мамлакатада фаровонлик қарор топиб, унда бирорта гадони топиб бўлмас экан.

Бу мамлакатнинг донғи бутун дунёга ёйилиб, тилларда дoston экан.

Умр ўтиб, қарилик тобора яқинлашгани сари подшо кўнглига гўлгула туша бошлабди. “Ўлимдан сўнг тожу тахтни, давлатни, халқни кимнинг қўлига топшириб кетаман. У халқпарвар бўлиб, мамлакатда адолат турғун бўлармикан”, деган ўй-ташвиш унга ором бермабди. “Кўзим тиригида шундай муносиб ворисни

топмасам, гўримда тинч ёта олмайман”, дея ўз олдига катта мақсад кўйибдию у саройдаги барча вазиру уламолар, фозилу фузалолар, олиму шоирларни бирмабир ҳузурга чорлаб, фикрини ола бошлабди. Ҳар бирига турли саволлар бериб, уларнинг онги, дунёқарашини, одамийлигини синаб кўрибди. Аммо барчаси подшонинг шон-шухратини мадҳ этиш, унинг қудратига таҳсинлар айтиш, бойликларини мақташдан нари ўтишмабди. Бундан подшонинг кўнгли қаттиқ ранжибди, мамлакатнинг энг улуг арбоб ва алломаларидан тахт ворислигига муносиб киши топа олмаганидан асабийлашиб, бетоб бўлиб қолибди. Ўзини ғарибу нотавон ҳис этибди. Касаллик кундан-кунга кучайибди. Подшо эса тўшакда олам-олам армон билан тўлғониб ёта берибди. Кунларнинг бирида хаста шоҳ кўчадан келаётган қаландарнинг овозини эшитиб қолибди. Шунда у “қаландарни тезда ҳузуримга олиб кириб” деб амр қилибди. Қаландарни олиб киришибди. Дардга энгилай деб қолган шоҳ зўрбазўр қаландар билан саломлашиб, ундан сўрабди:

- Эй жаҳонгашта қаландар, дунёда не сир-синоат?

- Подшоҳи олам, дунёда инсон қадридек буюк, инсон қадридек ғариб нарса йўқ экан, - дебди қаландар.

Бундай жавоб шохнинг кўнгли тубидаги бўшлиқларни тўлдиргандай бўлибди, унинг кўзларида севинч ва умид учқунлари порлабди.

- Баракалло, сизга қаландар, баракалло, - дебди у қаноат қосил қилиб, - энди сиз тожу тахтимнинг вориси бўлинг, сиздек оқил одамга мунтазир эдик. Қаландар бу инъомни қабул қилибди. Бундан кўнгли таскин топган шоҳ хотиржамгина омонатини топширибди.

Қаландар подшо бўлгач, донолиги туфайли юрт яна обод, халқпарварлик, эзгу ишлар яна ривож топибди, халқ фаровон ҳаёт кечирибди.

Марҳум адолатли шохни эса халқ доимо яхшилик билан хотирлабди, дуои фотиҳалар ўқиб руҳини шод этибди.

*Ҳаётда гар қилдинг ўзгага яхшилик,
Билки, ахир қилдинг ўзинга яхшилик.*

ШЕР ҲАМ ҚУРТГА ЕМИШ

Ўтмишда бир подшо мамлакатнинг сарҳадини кенгайтирмоқ учун саъй-ҳаракат бошлабди. Қўшин тўплаб қўшни мамлакатга тажовуз қилибди. Омад келибди. Ғалаба наъшидасидан сархуш бўлган подшо бу ишини давом этказишга қарор қилибди. Кетма-кет кўплаб мамлакатларни забт этиб, дунёга донги кетибди. Энди у катта тажриба ва кучга эга бўлиб, ҳар қандай мамлакатга ҳеч иккиланмай салб юришини бошларкан. Натижада дунёнинг ярмини эгаллабди. Навбатдаги кўзга олинган мамлакат кичик ва кучсиз бўлгани боис бу кураш беписандлик ва лоқайдлик билан бошланибди. Даъфатан ушбу юрт аҳли жасорат билан ватанпарварликнинг юқори наъмуналарини кўрсатишибди. Қудратли душман зарбига сабот ва матонат билан кўксиларини қалқон қилишибди. Бу билан ватан ҳимоячилари устунликни қўлга киритишиб, зафар кучишибди. Босқинчи, қонхўр подшони асир олишиб, уни қатл этишибди. Шундан сўнг унинг босқинчилик йўли билан эгаллаган беадад улкан мамлақати кичик бир мамлакатга қарам бўлиб қолибди.

*Сўнгаларни емишим дея билган ит,
Қилтаноқдан тиқлиб ўлибди, ҳайҳот.*

ҲАЁТ ҲАМ ФЕЪЛГА ЯРАША

Икки дўст узоқ юртларда орттирган бойликлари - олтину жавоҳирларини катта машаққатлар билан олиб қайтишмоқда эди. Олис йўл, жазирама сахро уларни ҳолдан тойдирибди. Кундан-кунга егуликлари, айниқса, сувлари тугаб борарди. Бу ҳол уларни қаттиқ ташвишлантирибди. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир масканда ҳордиқ чиқариш учун тўхташибди. Йўловчилардан бири ёнбошлабдию кўзи уйқуга кетибди. Иккинчиси эса бу фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлибди: барча бойлик ва кўзадаги сувни олибдию жуфтакни ростлаб қолибди. Бир маҳал ухлаб қолган йигит кўзини очиб қараса, шериги йўқ эмиш. Теварак-атрофни кузатиб қарабди, ҳатто бор овози билан чақириб ҳам кўрибди, аммо шеригидан дарак йўқ эди. Шундан сўнг ҳамроҳи бутунлай кетиб қолганлигига ишонч ҳосил қилибди. Нима қилиш керак? Белидаги идишда бир ҳўплагина суви қолган. Танг аҳволда эканига қарамай йўлида давом эта бошлабди. Чанқоқликдан томоқлари қакраса-да, бардош бериб, сувдан ичмай олдинга интилибди. Боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлибди. Шунда ҳам умидсизликка тушмабди, бирдан-бир нияти - ўз манзилига соғ-омон етиб олишни кўзлабди. У кета туриб нарироқда ётган қорага кўзи тушибди. Олдига бориб қараса, бир чол зўрга нафас олиб ётар эмиш. Лаблари қаҳраган, сувсизликдан мадори куриб йиқилгани ранг-рўйидан шундоқ кўриниб турганмиш. Йўловчи йигит идишидаги сўнги ҳўплагини сувни чолнинг лабига тутибди. У сувни ичгач, кўзини очибди ва йигитга миннатдорчилик билдирибди.

- Шу ерда бир қудуқ бор. Мен шунга ета олмай йиқилибман. Юр шу қудуқнинг сувидан қонгунча ичиб, йўлга ҳам ғамлаб оламиз, - дебди у.

Дарҳақиқат, тўрт қадам наридаги хилқат жойда қудуқ бор экан. Бу ерда қудуқ борлигини ҳатто олдига бориб ҳам пайқаш қийин экан. Улар қудуқ сувидан чанқоқлари қонгунларича ичишибди, йўлга ҳам ғамлаб олишибди. Йигит билан чол ҳамроҳ бўлишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Бир ерга етиб боришганида қум орасида ётган қандайдир қора шарпага кўзлари тушибди. Олдига бориб қарашса, бир йигит беҳол ётар эмиш. Ёнида бўш кўза, олтинлари тўкилиб-сочилиб кетганмиш... Йўловчи йигит уни дарҳол танибди. Улар беҳуш ётган йигитга тезда сув бериб, уни ўзига келтиришибди. У ўзига келгач, дўстининг оёғига бош уриб кечирим сўрабди. Ҳамма олтину жавоҳирлар сенга бўлсин, деб тавалло ҳам қилибди.

Шунда дўсти “Менга бойлик эмас, ҳақиқий дўст керак” деб бойлигини олишдан бош тортибди. Ўзига келган йигит дўстининг ёнидаги чолдан ҳам хижолат чекибди. Чунки у йўлда келаётганида чолга дуч келиб, бир қултум сув сўраганида бермаган экан-да.

Улар учовлон бир-бирига эш бўлишиб узун йўлни ортада қолдиришибди, ниҳоят ўз юртларига омон-эсон етиб келишибди. Икки дўст юртида қолибди, чол эса улар билан хайрлашиб йўлида давом этибди.

Дўстига хиёнат қилган ичи қора йигитнинг бойлиги баракасиз бўлибди, тезда совурилиб, хор-зорликка йўлиқибди. Саҳий ва одамшаванда йигит эса кундан-кунга бойиб, мартабаси ошиб, эл-юрт олдида обрў-эътибор қозонибди.

Кейинчалик аён бўлишича, уларга йўлиққан йўловчи чол Хизр алайҳиссалом бўлиб, уларнинг ҳар бирига феълига яраша ҳаётни белгилаб кетган экан.

*Эй бани одам, эрмассан пилла қурти,
Нечун ўзингни ўзинг этарсан банди.*



БОЙЛИК ҲАЁТ МЕЗОНИ БЎЛОЛМАС

Бир кишининг икки нафар фарзанди бўлган экан. У ўғиллари тўғрисида кўп қайғуриб, “Улар мендан сўнг турмушнинг аччиқ-чучугига дуч келишиб қийналиб қолишмасин”, - дея ташвиш чекаркан. Ота фарзандларини бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатда бўлиб ўсаётганидан беҳад хурсанд эди.

Кунлардан бир кун у фарзандларини хузурига чақириб, “Ўғилларим, сизлар улғайиб вояга етдингиз. Мен эса ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлдим. Энди кўзим очиклигида умрим бўйи йиққан бойликларимни сизларга тенг тақсимлаб берай”, дебди.

*Бойликни вафо деб тутган киши,
Умр бўйи сарсон у саргардон иши.*

Ота уйини, ерини ва бойликларини тенг иккига бўлиб, болаларига ҳадя қилибди-да, бандаликни бажо келтирибди.

Жигаргўшалар отасини иззат-икром билан дафн этишибди. Улар қабристондан қайтгач, ўзларига тегишли уй-жой, ер ва бошқа бойликларга эгаллик қилиб иккига ажралишибди. Ака-укага “Отам менга бойликларидан бирор нарсани камроқ бермадимикан?” деган ўй-хаёл тинчлик бермасди. Ака ўйлаб қараса, отаси укасига қолдирган ерда ҳожатхона қолиб кетибди. “Отам нега ҳожатхонани ҳам бўлиб бермади, унинг ярми меники бўлиши керак эди-ку”, -дея укасига даъво қила бошлабди. Укаси ҳам бўш келмай “Ҳожатхона менга тегишли ерда жойлашган”, деб акасига қарши чиқибди.

Шундай қилиб, ака-ука умрларининг охирига қадар муросаи мадорага келолмай уруш-жанжал билан яшашибди.

*Мухтасар сабабдин келса гар гина-қудрат,
Бошга солур ул беадад заҳмату кулфат.*

АЙБНИ АВВАЛ ЎЗИНГДАН ИЗЛА

Дунёни бир уммон ҳисоблаб, биз ўзимизни унда сузаётган балиқ десак, “оби ҳаёт булганган, ундаги оғу билан заҳарланмоқда”, дея нола килурмиз. Келинг, шунга битта савол бино этайлик-да, унга жавоб излайлик. Уммон бизга оғуни юқтирмоқчиси ёки биз уммонга?

*Гуноҳдан сақланиб бўлинг покдомон,
Покликдан иймон сақланур бут омон.*

ЖАЗО МУҚАРРАП

Разил ва ёвуз одамларнинг жазосини Тангри нега тириклигида бермайди, деб нолишади.

Агар шундай бўлганида эди, Худо уларни тавбага олиб келган ва беҳисоб гуноҳларидан ўтган бўлур эди.

*Эзгулик йўлинда чекилган машаққатнинг,
Бордур маҳшиарда ажру мукофоти.
Жоҳиллик ила эришилган фароғатнинг,
Қаттиқ бўлгай бешак жабру жафоси.*

ЁМОНЛИК ОДАТГА АЙЛАНМАСИН

Ўғридан сўрадилар:

- Ўғрилик қилишингнинг боиси етишмовчиликданми?

- Аввал шундай эди, энди эса хумордан чиқмоқ учун.

*Овчининг овга чорлаган илк чоғи,
Бор эди кўнглида муҳтожлик доғи.
Қолмасида энди бунга ҳожат.
Начора, нокаслик бўлди одат.*

НОШУКУРЛИК - ҲОФИЛЛИК

Вазирдан сўрадилар:

- Орзуинг нима?

- Подшо бўлиш.

Бир кун келиб у амалидан айрилди.

Ундан яна сўрадилар:

- Орзуинг нима?

- Ўз вазифамга қайтиш, - дея жавоб берди у.

*Кўрган кунингдан шукур қила билгил,
Ажраб ғаниматдин бўлма ғофил.*

ҲАЁТ МАЁҒИ

Ривоят қилишларича Худо Таоло Одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатда яратди. Улар аҳдни бузиб гуноҳ қилишди ва жаннатдан қувилишди. Ерда ҳаёт энди бошланиши ҳаманоқ олам ларзага келди. Одам фарзандлари жанжаллашиб, Қобил укаси Ҳобилни ҳалок этди.

Замонамизга қадар инсоният ҳаёт дебочасида экилган ана шу уруғлардан ҳосил олиб келмоқда. Келажак қандай бўлади? Бу ёғи якка Аллоҳгагина аён.

*Нидо келади қадим-азалдан,
Фигон чекди инсон разолатдан.
Тасдиқ этади зайли замона,
Зириллайди дунё ғазовотдан.
Инсон кўксин этиб дилпора
Келажак ўтмишдан чекиб нола.
Э воҳ, қандай кўргилик, нетай,
Мерос бўлиб менга, бул садпора.*



Луқмон Карамхон ўғли

КУЗ ЭРТАГИ

Ҳикоя

Йўлдошбой шу қиш чилласида роппа-роса қирқ беш ёшга тўлади. Шаҳар автовокзалида фаррош, ўз ишига пухтадан-пухта, чор-атрофни ёғ тушса ялагудек қилиб супириб-сидиради. Тагин эрта бомбоддан то кеч ҳуфтонгача, иши бўлса-бўлмаса автовокзалда куймаланиб юришини айтмайсизми? «Тозалик бўйича ўринбосаримсиз», дейди автовокзал бошлиғи, ярим ҳазил ярим масхараомуз қилиб. Лекин Йўлдошбой бунга парво қилмайди.

Бугун ҳам, одатдагидек, у хўроз қичқирмасданоқ автовокзалда пайдо бўлди. Ҳар дамгидек сочоқоли ўсиқ. Ориқ юзлари гижимланган қоғоздек тиришиб кетган, тарашадек жундор қўллари кирчир, қоп-қора. Бошида асл рангини йўқотган эски дўппи. Дўппидан ҳам кўра эски бир шабпўшга ўхшаб кетади. Кийган оддий пахталик костюм-шолвари ифлос. Ёғ тўкилиб, чанг ўтирган жойлари чипор тусга кирган. Оёғида эски бир кўнжи кесиб ташланган этик.

Йўлдошбой бориб узун дастали “эркак” супургисини қўлига олди. “Кеча ишни битириб кетган бўлсам ҳам яна бир супуриб чиққан яхши. Ишқилиб, қанча тоза бўлса, шунча дуруст. Кўрган одамнинг кўзи қувонади». - Йўлдошбой доим шундай ўйларди.

Супурги бир маромда йўлакнинг у четидан бу четига бориб кела бошлади. Орадан бир ош пишиғича маҳал ўтди. Автовокзал биносидаги радио сўнгги ахборотга чорлаб занг урди. Йўлдошбой ўз кун тартибига бўйсунди. Супургисини азим дарахтлардан бирига суяди. Кафтини бир-бирига уриб чангдан тозалаган бўлди. Сўнг кутиш зали томон югургилаб кетди.

У ҳеч бир эрталабки сўнгги ахборотни қанда қилмасди. “Худо-ё хуш хабарлардан ўқисин-да”, ичида пичирлади Йўлдошбой. У радио овози баралла эшитиладиган ўриндиқлардан бирига жойлашиб ўтириб олди. Бутун вужуди қулоққа айланди. Хушвоз диктор аёл давлат арбобларининг қайси бир давлат арбоблари билан бўлган дўстона учрашуви ҳақида тўлқинланиб гапирди. “Балли-ей”, - дея Йўлдошбой мамнун пичирлади. Анчадан бери ютолмай турган тупугини ютди. Сўнг эркак дикторга қулоқ берди. У водийдаги қайси бир районнинг пахта планини бажарганини эълон қилди. Кейин чет элга жўнаб кетган ёш техниклар ҳақида гап бўлди. Йўлдошбой худди тансиқ таомдан тўйиб еб олгандек ич-ичидан қониқиш ҳис қилди. Ўз-ўзидан қувониб типирчилади.

- “Энди чет эл хабарларидан эшиттираман”.- Йўлдошбой ҳаяжонга кўмилиб, нафас ололмай тур-

ди.

- “Исроиллик агрессорлар Жанубий Ливаннинг босиб олинган районларида бедодликни давом эттирмақдалар...” Қобул қуролли тўдалари Қундуз шаҳрини яна ўққа тутди... “Куни кеча Фелша оролида янги қанотли жанговар ракеталар синовдан ўтказилди...”

Йўлдошбой охирги хабарларни эшитаётганда чидаб туrolмади. Ҳазабдан туюқиб ўрисчалаб сўкиб юборди. “Қир-е, қир-е бир-бирингни, баччағарлар... отангнинг молини бўлолмаяпсан. Янги ракетангга бало борми энди, жувонмарг”. - Йўлдошбой ичидан ўзича хитоб қилиб ўрнидан туриб кетди.

Диктор об-ҳаво маълумотини эшиттира бошлади:


- “Синоптикларнинг хабар беришича, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида кучли ёмғир ёғиб ўтади”.

Йўлдошбой тик турган жойида синоптикларни ҳам сўкиб юборди. Худди, ёмғир ёғишига улар айбдордай. Ниҳоят, сўнгги ахборот тугади. Йўлдошбой эса аламзада бўлиб қолаверди. У асабийлашиб ёнидан ранги униқиб кетган папирос кути чиқарди. Эзилиб қолган бир дона “Астра”ни соқол-мўйлов орасига қистирди. Унинг асаб торлари таранглашгандан таранглашди. Кайфияти учди. Ҳамма киссаларини узоқ пайпаслаб гугурт излади. Ниҳоят, биринчи излаб топаолмаган “ўғри” чўнтақдан топди. “Уҳ ярамас. Топилмай гаранг қилди-я. - Йўлдошбой хуноб бўлиб папиросни ўт олдирди, аччиқ-аччиқ тортиди. “Ёмғир ёғса, тамом. Пахтакорнинг шўрига шўрва тўкилади. Уф-ф... Қанча пахта нобул бўлади, эҳ-е-е... Қанча меҳнат куяди”, - Йўлдошбой оғзибурнидан қуюқ тутунга аралаштириб ҳукм чиқара бошлади. Дард устига чипқон деб шуни айтишади-да, Йўлдошбойнинг безовта ўйларини масхара қилгандек радиодан шўх мусиқа янграй кетди.

“Ана, холос. Шунча юракқисар хабар устига қўшиқ эшиттиряпти. Ҳаммаси телба-тескари одамларми, дейман... Бирови отасидан қолган молини бўлолмаётгандай бир-бирига уруш очади. Аллакими ракет чиқариб қиргин қилмоқчи. Бирови, шундай дўппи тор келиб турган жойда, концерт эшиттириб ўтирибди. Телба дунё дегани шу экан-да. Ё, тавба...”

Йўлдошбой хафақол ва хаёл фаромуш бўлиб кўчага чиқди.

Ташқарида совуқ куз шамоли гувилларди. Дарахтлар маъюс-маъюс чайқалишмоқда. Зардобтус япроқлар чирт-чирт узилиб, оҳишта йўлакларга ястаншарди. “Ёмғир ёғиши чин”, дея юраги увишиб ўйланди Йўлдошбой.



Кутиш майдончаларида ҳали одам сийрак. Лекин ҳамма томон ифлос бўлиб кетибди. Қоғозлару латгалар, писта пўчоқларию, сигарет қолдиқлари тўзғиб кетган. “Ахлат қутилари ҳар икки қадамда бор. Буларнинг оёғи синиб қоладими ўшанга ташлашса”, - дерди Йўлдошбой У истар-истамас супургисини қўлига олди. Шу пайт ёнгинасида автовокзал бошлиғи пайдо бўлди.

- Ҳа, муовин. Кайфият чатоғу. Нечук аҳволлар? - деди у оғзидан писта пўчоқларини пуфлар экан.

- Унчалик эмас-эй, - деб жилмайишга ҳаракат қилиб гулдиради. Йўлдошбой. Супургини дарахтга суяб, кафтларини қоқди. Бошлиқ билан қўл бериб кўришмоқчи бўлди. У эса кўрмасликка олиб ўтиб кетаверди. Йўлдошбой паст бўйли, бақ-бақалоқ, қўли бир чўнтагига, бир оғзига бориб келаётган бошлиқнинг изидан бироз қараб қолди. “Нима демоқчи эдим, савул”, - у хаёлларини бир ерга йиғишга ҳаракат қилди. - Ҳа, ҳа, топдим”.

- Начальный, ҳов, начальный, тўхтаган.

Пилдираб бораётган кимса тўхтади. Йўлдошбой йўрғалаб унга етиб олди. Бошлиқ пистани очкўзларча чиқаркан, “нима гап?” дегандай унга кўзини лўқ қилди.

- Бу... бу, - Йўлдошбой тутилиб қолди. - Бу... пахта ҳашарига одамлардан бугун ҳам юборасизми?

“Бир ўйнаб келмоқчи бўлибдилар-да, ўринбосар”, - ўйлади жаҳли чиқиб бошлиқ. У шляпасини қошигача тушириб, соч қашлар экан истамайгина жавоб берди:

- Борадику-я ҳашарчилар. Барибир сиз жойингиздан жилмайсиз. Қаранг, ҳаммаёқ ифлос бўлиб кетибди. Сизга пахта теримда нима бор? Ўз ишингизни қилиб юравермайсизми кўкракни кери-и-иб? Агар ишингиз бўлмаса “худо”, деб ётинг қоринни қашлаб.

Бошлиқ ортиқча гап-сўз демади. Орқасидан писта пўчоғидан из қолдириб узоқлашди. Йўлдошбой эса маъусланиб, мум тишлаб қолаверди.

“Илгарилари, елкамга қоқиб юбораверар эдику. Нега дарров айниб қолди экан-а?”, - ўзича ўйлади Йўлдошбой. - Ҳа майли, бир гап бўлар”. У ниҳоят хаёлларини бир ерга тўплади. Истамайгина майдончани супура бошлади. Йўлдошбой узоқ супурди. Супурги ерда ястаниб ётган газета бўлаги томон яқинлашди. Йўлдошбойда бир одат бор эди. Агар тўзғиб ётган газетанингми, журналнингми варақларини кўрса, аввал обдан кўз югуртириб ўқиб оларди. Шу сабаб у газета бўлагига назар ташлади. Ташлади-ю, паришон кўзларида жиддийлик, сўнгра севинч учкунлари пайдо бўлди. Ҳойнаҳой, Йўлдошбой газета парчасидан муҳим бир хабарни ўқиб қолганди.

- Э-э-э..., - деди у чўзиб. Ўз қувончини баҳам кўриш учун олазарақ бўлиб атрофидан кимса ахтарди. Унинг шундоққина ёнгинасида икки йигит скамейкада ўтиришарди. Йигитлар бурқситиб сигарет тутатишган қўйи алланарса юзасидан баҳслашишар эди.

- Буни ўқидиларингми, йигитлар? - Йўлдошбой шундай дея супургисини ерга улоқтирди. Томат юқи теккан газета бўлагини ердан олди. Тортишуви бузилган йигитлар унга фикринишиб, идао билан кўз ташлашди.

- Мана, ўқиб кўринглар, - Йўлдошбой энтиқиб уларга яқинлашди. Оёқларини чалиштириб ўтирган йигит, оппоқ, узун-узун бармоқлари билан газетанинг икки четидан зўрга тутар экан, бурун жийирди. Сўнг газетани ўзидан анча узоқ тутиб Йўлдошбой ишора қилган жойга кўз қирини ташлади. Иккинчиси ҳам интилди. Йўлдошбой ҳаяжоланиб турар эди. Газета бўлагига қарилар нафақасининг, болаларга бериладиган ёрдам пул миқдорининг ошганлиги ҳақида ёзилган эди. Йигитлар мақолани бамайлихотир ўқиб чиқишди. Газета бўлагини тутгани фаррошга хотиржам кўз тикар экан, лаб буриштирди:

- Ну, шунга нима бўпти, шеф?

Йўлдошбой “ҳеч нима тушунмабди-да” деб ўйлаб бошини сарак-сарак чайқади. Йигитлар бир зум бирига юзланиб туришди-да, хоҳолаб кулиб юборишди. Йўлдошбой ҳаяжонини босолмай мақолани иккинчи марта ўқишга тутинди. Йигитлардан бири гаши келдими, ажабландими, ишқилиб, чидаёлмай гап қотди:

- Бобой, пенсия пули оласизми, дейман. Тилла топган тентакдай бунча энтикасиз?

Йўлдошбой газетадан кўз олмай бош чайқади.

- Ҳойнаҳой бу шефнинг ўн-ўн беш боласи бўлса керак. Ҳар бирига мўмай-мўмай муллажиринг тушса, қувонмай бўладими, - деб тиржайди бири.

Йўлдошбой қўлидаги газета бўлагини ташлаб юбордими ёки ўзи тушиб кетдими, ноаён. У хумдай бошини қаерга яширишини билмай қуйи эгди. Ажиндор пешонасини қашлаб бир оз туриб қолди. Сўнг эшитилар-эшитилмас гулдиради.

- Менинг... болам йўқ. Хотиним қазо қилганига ҳам беш йил бўлди.

Орага лаҳзалик жимлик чўқди. Икковлон маъноли кўз уриштириб олишдию қутилмаган қаҳ-қаҳа билан жимликни парчалаб юборишди. Тилла тишлари чўғдек порлаб тургани аранг ўзини тутаркан. Деди:

- Унда тозаям афанди экансиз-ку, шеф? Нега бунчалик ҳовлиқиб юрибсиз? Сизга бир копеекча фойдаси йўқ экан-ку?!

Йўлдошбой эгилган бошини кўтаролмасди. Шу қўйи, ўзига-ўзи гапиргандек деди:

- Ўзим... шунчаки... шунчаки... яхши хабар экан... Қари-қартанг қўшнилари бор. Серфарзандлари ҳам бор... шулар учун... Улар ўқимаган бўлишса мендан эшитишади... Нимаси ёмон... Савоб бўлар...

- Нима кераги бор сизга даллоллик қилиб? Йигитлардан бири кўкрак кериб маслаҳат бера бошлади.

- Дардига даркор бўлса ҳаммаси нафси учун ўқиб олишаверади...

Ёнидагисининг турткисидан йигитнинг гапи бўлинди.

- Алик, бизнинг автобус, - деди шериги.

Чала чекилган сигаретлар пошна тагида эзгиланди. Икковлон қийқиришиб автобус томонга юғриб кетишди.

Йўлдошбой аччиқ ўйлар гирдобиди қолди: “Эҳ, йигитжонлар, йигитжонлар! Болаларим бўлганда-ку, ёрдам пулисиз ҳам боқиб олардим-а? Тақдир шундай экан. Нима ҳам қилардим, ноилож кўнаманда, йигитлар, кўнаман... Эҳ, Йўлдошбой! Кўзинг-

ни оч, Йўлдошбой. Шу одамлар, балки, тўғри кой-ияпти сени. Сен кимсан ўзи? Ўз ишинг беш бўлса ётмайсанми қашлаб, “худо” деб. Ким қўйибди сенга қандайдир халқаро аҳвол учун қайғуришни?! Ким қўйибди сенга “ёмғир ёғса пахтакорга қийин бўлади”, деб. Нима кераги бор сенга даллолик, ахир?! Йўлдошбой эҳ, Йўлдошбой. Хароб бўлдинг-ку! Ўз қадрингни билмайсан. Ота бўлиб бола бошини силамагансан. Кўзингни оч! Ҳаммасига қўл силта. Кўра-япсан одамлар устингдан кулаяпти. Кўра-япсан, сени тентакка чиқариб қўйишди, ҳамма. Кўра-япсан, ҳеч ким сен билан қизиқмайди. Кўзингни оч, Йўлдошбой».

Фаррошнинг томоғига қаттиқ бир нима тиқилиб қолди. Секин бошини ярим кўтарди. Тўғрисидаги муздек шамолда дийдираб турган яланғоч дарахтга жавдираб тикилди. Гўё унинг боягина кўзларида порлаб турган гавҳар эриб кетдию, икки томчи ёшга айланиб сизиб чиқа бошлади. Кўзлари хира тортиб ҳеч нимани кўрмай қолди. Яна боши қуйи эгилди.

Йўлдошбой бундай қараса чинакамига йиғлашга тушибди.

“Шунча одамларнинг ичида-я?! Кап-катта бўлиб кўз ёши қилиб ўтирибди-я. Уят-ку бу, ахир, уят”. Йўлдошбой шоша-пиша чап томонига бурилди. Қирланиб кетган дастрўмолчасини чиқариб кўз ёшларини артди. Шу пайт ерда ётган ялтироқ ҳамёнга кўзи тушиб қолди.

Йўлдошбой шоша-пиша уни қўлига олди. “Ҳа, боя “тап” этиб нимадир тушувиди-ёв”, дея ҳаёлидан ўтказди. У ҳовлиқиб ҳамённи очиб қаради. Унда битта узук, бир даста пул бор эди. Йўлдошбой додидираб қолди. Нима қилмоқ керак?! Шунча устимдан қулиб кетганларнинг пулини қайтариб берайми? Йў-ўқ. Асло. Умуман, энди ҳеч кимга ачинмайман! Кўплардан яшайвераман”. Йўлдошбойда ўч олиш иштиёқи пайдо бўлди. Ҳамённи қайтармасликка аҳд қилди. Бироқ қўққис бу аҳддан ўзи қўрқиб кетди.

“Йўғ-э, деди у, - бировнинг нарсаси-я? Мумкин, улар мен ўйлаганчалик ёмон одамлар эмасдир? Мен шўринг кургур кимман аслида? Мундоғ усти-бошимга қарашган, юриш-туришимни кузатишган, тентак-пентак, деб ўйлашган-да, кейин, шунга қараб муомала қилишган. Мумкин, улар бунини бировга ёрдам учун олиб боришаётгандир? Тўёна-ми, ўлимликми, балки? Эҳ, сен галварс. Нима қилиб турибсан? Ўч олишга вақт топибсан-ку роса. Тезроқ изла энди уларни”.

Йўлдошбой чор-атрофга аланглади. У йигитлар қайси томонга югуриб кетишганини ҳам аниқ эслай олмас эди. Таваккал қилиб жўнашга ҳозирлик кўраётган автобус томон югурди. Эҳ, афсус, Йўлдошбой уларнинг қиёфаларини ҳам аниқ эслай олмади. Шундай бўлса-да, автобусни бир айланиб чиқди. Автобус одам тиқилиб кетганиданми, ишқилиб, зўрға ҳансираганнамо гуруллаб, тутун чиқариб турар эди. Ҳеч натижа йўқ. Яна бир айланиб чиқди.

Йўлдошбой автобус афтрофида гирди-капалак бўлиб айланаётганини шофёр кўрган экан. Шарт

кабинадан тушди. Унга фаррошнинг ҳам кўзи тушди: “Ия, ҳар кўрганда ҳол-аҳвол сўрашиб, суҳбатлашиб турадиган йигит-ку!”

- Ассалому алайкум, Йўлдошбой ака, - - шофёр илжайиб кўришишга чоғланди. Йўлдошбой ҳам қўл берди.

- Ҳол-аҳволларингиз қандай. Тинч-омонмисиз? - шофёр йигит астойдил ҳол-аҳвол сўради.

- Шукр, Имонжон, шукр...

- Нега бунча автобусни айланиб қолдингиз. Бирор нарса йўқотдингизми?

Йўлдошбой кўлидаги ҳамёнга ишора қилди.

- Битта йигитнинг ҳамёни тушиб қолган экан. Қиёфасини аниқ эслай олмаяпман. Лекин қайсидир автобус томонга чошиб кетди. Мумкин, сизнинг автобусингиздасиз?

Шофёр ўйланқираб елка қисди. Шу пайт тиқилинч автобус саломида саросималик бошланди. Кимдир зўр бериб эшик томон ҳаракат қиларди. Ниҳоят, у бир амаллаб автобусдан тушиб қолди. Йўлдошбой уни дарров таниди. Қувончдан баданига илиқ нарса югургандек бўлди: “Ҳайрият, топдим эгасини”.

Ҳойнаҳой йигит ҳам таниди, у томон отилди.

- Ҳамён, ҳамён қани?! - кўрқувданми, ҳаяжонданми унинг кўзлари олайиб кетганди. Ҳансиради.

- Оббо, азамат. Сен туширддингми? - дея Йўлдошбой илжайиб ҳамённи унга узатди.

Йигит анча ўзига келиб, тиржайди:

- Шеф, бир қопчиқ пулли бўлишингизга озмоз қолибди-я. Мен сизни аллақачон жуфтакни ростлаб қолгансиз деб ўйлагандим. Яшанг, яшанг...

Йигит ҳамённи чўнтакка жойлаб автобусга шошди. Лекин чўяндек қўллар унинг қўлларидан маҳкам тутди.

- Раҳматни онанг айтадимми?

Йигит ҳайдовчининг газабдан пир-пир учаётган бурун катакларини нафратдан ёниб турган кўзларини зўрға кўрди. Қўлидан жони чиқиб кетаётгандек энгашиб қолди.

- Қўйворинг, қўлни едингиз, - дея олди у зўрға.

Шофёр йўловчи йигитнинг қўлларини бўшатди. Унда қорамтир бўлиб қарамай изи қолди. Йигит қўлларини силаб яна автобусга юрмоқчи эди, юраги бетламади. Лекин барибир нима сабабандир хўрозланиб шофёрни жеркиб берди.

- Ишнинг нима сенинг?! Моторингни кавлаб юраверсанг-чи...

У гапни тугатмади. Кучли бир зарбдан жағи ўпилиб кетгандан бўлдию гурсиллаб қулади. Шу пайт гўё автобус ёнида магнит майдони ҳосил бўлди. Муштлашаётганлар томонга автобусдан, кутиш майдончаларидан оломон ёпирилиб келди. Кимдир мушт кўтарган шофёрни койий кетди. Яна биров автобус филдираги тагидан чала ўлик йигитни тортиқилаб чиқара бошлади.

Ниҳоят, автобус оғир қўзғалиб, оломон ҳовуридан тушди.

Йўлдошбой ҳангу-манг бўлиб автобус изидан қараб қолди. Совуқ куз шамоли оёқлари остига хазонларни тўпларди... 1986 й.

БИР ҚАДР СЎРАЛДИ...

МЕН ШУНДАЙ КЕТАРДИМ

Мен шундай кетардим шундай кетардим
Кетмоқнинг азобин экиб изимга
Кўнгил дардларимни шундай тўқардим
Дард қалқмаган мағрур кўзимга.

Мен сени кутардим — узоқ хаёлдан
Ўғирлаб олганим-ёлғиз нигоҳинг
Алдаса бир куни сенинг кўзларинг
Дардингни дардимга қўшиб кетардим.

БИР АЗОБ ТУҒИЛДИ

Бир азоб туғилди — чексиз бир дунё
Мен ва сен сизмаган дунёнинг акси
Бир савоб кўринди шунчалар яқин
Бу кўнгил кўзига сингган нур акси.

Бир қабр кўринди кўмилган
Ўша мен сизинган қотил нигоҳда
Бир сабр тилинди сарғайган дилда
Шул умид бадарға кетган бир оҳдан.

Бир ният қулади энг чуқур жарга
Қулаган хаёлинг ортидан кетиб
Бу кўнглинг истагин англаб етмайин
Бир истак туғилди азобга етиб...

* * *

Бир қадр сўралди
Изсиз кетмаган
Ошуфта дил бўлди энди эркалик
Гунчадан ийманиб тунга йўғрилди
Умидим титмаган маъсум соддалик
Нақадар гўл бўлсанг сувлар кетдилар
Сирга ошна дардларим олиб
Бекинолган эсли болалик
Кулиб турар менга кўз солиб
Беғубор дамларнинг умидин кутиб
Юпатмоққа асрор зор бўлди.



* * *

Кутаяпман
Йўллар келаяпти елкасига
Ортиб узун йилларни
Менга боқмай, парво қилмай
Ўтиб кетишар
Мўлтираб қолади
Кўзга айланиб
Интизор хаёлларим.



ҲАЙРАТ

Зоҳирий дунёдан суғирилиб чиқдинг
Алдовлар сотдими сени рўёга
Ботиний оламнинг эшигин қоқдинг
Ҳали ҳайрат устун экан
Бу ернинг остонасида
Ҳайратга суяниб қолдинг
Илк бора кўзларинг кўра бошлади
Илоҳий нур бахш этди сенга
Юмуқ кўзнинг очилишини
Тухфанинг қимматини
Лекин буларни сен
Кўтаролсанг, бас.

* * *

Сароб экан сувларга сирим
Оқиб кетди бир бор қарамай
Интилавер, умидим кучин
Синамоқда армонлар юки
Бахтли одам тилагин тутиб
Омадларга кўнглим етарми?!
Суяб-суяб охир манзилга
Орзуларим мажруҳ етарми?!
Тошқин сувлар олиб кетарлар
Яна сўнгсиз алдовлар мулкин
Ҳақ, деганда чўкса синовлар
Бир кун энгиб қалқиб чиқарлар



ТОҒАЙ МУРОД

«АСАЛДАН БАҲОР ҲИДИ КЕЛДИ»

Ёзувчи кундалик дафтарида

Анна Ахматова муҳаббатни: "йилнинг... бешинчи фасли", дея атайди. Белинский: "Муҳаббат—табиати яқин бўлган икки зотнинг бир—бирларига қовушиб, чексиз завқлар топмоғидир".

В. Розанов айтганидай, ёзувчилик сирини — кўнгилдаги мангу ва ихтиёрсиз музикадан иборат. Агарда кўнгилда ана шу музика янграмас экан, киши фақат "ўзидан ёзувчи ясайди". Лекин у ёзувчи бўлмайди...

Истеъодлар бир—бирига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довруғ соладилар.

Қўйлар пога—пога юради, шер ёлғиз яшайди.

Рабиндранат Тагор: "Ҳақиқатнинг ўзидек ёзилган нарса адабиёт эмас!"

Ёзувчи тирикликда унинг ҳаётидан нуқсон излайдилар.

Ёзувчи дунёдан кетгач, ундан фақат фазилат излайдилар.

Пушкин айтганидай, аниқлик ва қисқалик — прозанинг биринчи унсурларидандир. Айни шу унсурлар фикр ва яна... фикрни талаб қилади — уларсиз гўзал ташбеҳлару ифодалар ҳеч нимага арзимаيدди.

Аёлнинг қудрати — эркакнинг бўшлиғида.

Дунё... ҳаёт гўзал эмас... гўзал бўлганда эди, адабиёт бўлмас эди.

Сулаймоннинг "Ҳикматлар"и да шундай дейилади: "Бор кучинг билан қалбингни асра!"

Фосиқнинг сўқмоқларидан юрма;

Ҳатто назар солма,

Ёндан ҳам ўтма,

Қайрилиб ҳам боқма.

Бернард Шоу: "Ҳеч нарсага ишонмаган одам ҳамма нарсадан қўрқади".

Ундан почта поездининг ҳиди келди.

Аҳду паймонларим қошу киприкларим орасига битилган.

Оёғи майда суйганини қияди,

Оёғи катта топганини қияди.

Ёмон гап ракетадан олдин юради, яхши гап тошбақадан кейин юради.

Асалдан баҳор ҳиди келди.

У оловга термулиб ўтиришни яхши кўради.

"Ҳайвонот оламида": Илонлар муҳаббати. Қайлиғи учун олишади. Соф, ҳалол, мардларча! Мағлуб бўлгани ғолибга қойил бўлиб кетади, муҳаббатини ташлаб кетади. Лекин чақмайди. Бўлмаса бир—бирига чирмашиб, олишади. Бир узиб олса бўлди! Инсон—чи? Инсоннинг тилида заҳар йўқ, хайрият. Заҳарни сотиб олади! Пичоқ, милтиқ...

Эрталаб. Содиқнинг уйи. Ўғлининг қўли чиққан Бўри кал: — Кеча тонг отмади. Ҳали тонг отгани йўқ.

Демоқчи: у вой—войлаб чиқди. Уйқу бетини кўрмади. Тонг отганини билмади. Ҳалиям кечадай, тонг билан кун баравар бўлди!

Умр йўли — борса келмас йўл.

Саратон — ошиқ юрагидай ёнғи.

Меҳр—оқибат она сути, қуёш тафти билан киради.

Швейцариялик адиба Эрик Буркарт: "Бизнинг она тилимиз — сукут. Айнан сукутдан сўз туғилади".

Қадимги юнонлар: "агарда халқнинг қандай яшаётганини билгингиз келса, икки жойга — қабристон ва бозорга боринг".

У тоғ қишлоқдан шаҳар келди... У ўзи билан тоғ табиати... мағрурлиги... сукунатини олиб келди. Шу боис эл бўлмади...

Шон—шуҳрат ароққа ўхшайди мисоли. Ичган сайин ичгинг келади. Юз грамм ичсангиз, яна юз грамм ичсам дейсиз. Кейин, яна, яна... охири бориб... йиқитади. Олдин бошни айлантиради. Одам бурнидан нарини кўролмади қолади, босар—тусарини билмай қолади. Кейин... кейин... йиқитади.

Шон—шуҳрат ана шу ароққа ўхшайди. Юз грамм ичса, тагин юз—юз грамм ичсам, дейди. Шуҳрат кетидан шуҳрат... Кун сайин шон—шуҳрат, йил сайин шон—шуҳрат... Охири бориб, ароқнинг кунни келади — йиқитади.

Кимки камтар бўлса, камсукум бўлса, андишанинг отини кўрқоқ қўяди...

Тоғ бетида қўйқушоқ деган бети бор. Бош чўққиси—дан этагироқда. Қўйқўтон деса—да бўлади. Қўйқўтонга ўхшаб чўзилиб кетган. Қор тушмаган ери одам изига ўхшаб кетади. Қушоқ олисдан тўр кўринган билан аслида катта, кенг.

Ана шу қўйқушоқни қор босса, қор мўл бўлган бўлади. Қўйқушоқ очик қолган бўлса, қор турмаса... шу йил сув кам бўлади.

Баҳор — қуёш кулган кун.

Қиз боланинг тили ўғил бола тилидан олдин чиқади.

Тошкентда... салом—алик, кўришиш—сўрашишлар, муомалалар, мулозаматлар... бир хил кечади! Кўчалар, уйлар, транспортлар, магазинлар, идоралар... қандай бир хил бўлса, салом—алик...лар ҳам шундай бир хил!

"Йўқ", дейишни ўрган. Ҳаммага бирдай ёқиш — мушкул иш. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди ва оқибат муҳим ишларни бажаришда кишида куч қолмайди.

Итальян мутафаккири Николо Макиавелли айтганидай, тил инсонга ўз фикрларини яшириш учун берилгандир.



НОСВОЙ НИНГ КУЧИ

ЖОНҚОВУЛ

Пародия достонча

Айтай ўртоқ Ленинга,
 Битмоқ қийин достонча.
 Буни ёзиб ташлабди,
 Деманг шоир осонча.
 Кеча битта тўйда у,
 Роса тўйиб отувди.
 Боши оғриб турганди,
 Каша бўлиб ётувди.
 Кўшни бобо Жонқовул,
 Хотинин бақиртирди.
 Исмини айттиртириб,
 Шоирни чақиртирди.
 Зўрға турди оёққа,
 Сўкиб аллакимини.
 Иштончан чиқаверди,
 Киёлмади шимини.
 Уни кўриб кўзгалди,
 Чол ётканкан ёнбошлаб.
 Йигитлардай кўришди,
 Қўлини катта ташлаб.
 Кампирига айттириб,
 Кўрпача тўшаттирди.
 Унамаса ҳам кўнмай,
 Нонларни ушаттирди.
 - Сен ўзи одамохун,
 Йигитсан хўп хушчақчақ.
 Мен ҳам, - деди, - ғанимат.
 Қилайлик тўртта чақ-чақ.
 - Қўйсангиз-чи, - дер шоир. -
 Ҳали юзга кирасиз.
 Омон бўлсин бошингиз,
 Кўп тўйларни кўрасиз.
 Чол чойидан бир хўплаб:
 - Кулоқ тут, болам, - деди.
 - Энди озроқ гапирсин,
 Кекса бу чол ҳам, - деди.
 - Жуда ҳам оғир бўлган
 Ёшлиқда турмушимиз.
 Ҳеч эсимдан чиқмайди,
 Оқ подшонинг даврида,

Терим роса шилинган.
 Билинмасди у чоғлар.
 Энди роса билинган.
 Бизни кўймай ишлатган,
 Шунда ҳам ўрис эди.
 Қайишарди биттаси,
 Биттаси дуруст эди.
 Юрар эди кепкада,
 Адашмасам, тепакал.
 Бир куни нос оттирдим,
 Меҳрим ийиб, таваккал.
 Ҳеч муддат ўтмасидан
 Носвой кучин кўрсатди.
 Хушидан кетди бирдан.
 Бир пас чўзилиб ётди.
 Сув-пув сепиб юзига
 Турғиздим бир амаллаб.
 Қўлтигидан ушлаб об,
 Юрғиздим бир амаллаб.
 Шунда у бу доридан
 Кўпроқ топ деган эди.
 Янглишмасам, қиламиз
 Инқилоб деган эди.
 Носқовоқда борини
 Тутдим олиб киссамдан.
 У инқилоб қиворди
 Менинг жиндек ҳиссамдан.
 Билмабман мен ўшанда
 У-чи, у Ленин экан.
 Ёнида юрган аёл -
 Надежда - келин экан.
 Сўнг мени унутдим,
 Ҳеч бир эсга олган йўқ.
 У ҳақида ёдимда
 Бошқа нарса қолган йўқ.
 Бу гапларни ҳеч кимга
 Айтмагандим сир қилиб,
 Хотирамни, жон болам,
 Ёзиб чиққин шеър қилиб.
 Ўтиб кетсам оламдан
 Деманглар бир қоровул.
 Эслаб юринг дейман-да,
 Ленин кўрган Жонқовул.



КОВУШ ТОПИЛМАЙДИ

Кунингиз қолган сўнг маълум паёкка,
 Жуссангиз ўхшайди мисли таёққа.
 Бошингизни урманг, дўстим, қаёққа,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

Тешишиб ўйнашар гўё тўппи сиз,
 Ҳосилдор қиласиз ҳатто чўпни сиз,
 Пахтангизни теринг, дўстим, бўпти сиз,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

Кунни кўяверинг, тунда ишлайсиз,
 Ёзни кўяверинг, ҳатто қишлайсиз,
 Куруқ қошиқни маҳкам тишлайсиз,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

Елкада чопоннинг талай ямоғи,
 Жўжиқлар бир талай, карнай тамоғи,
 Овчига панд берар доим қармоғи,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

Қорини тўйгазиб мутгаҳам, қувни,
 Қайнатиб ичгайсиз бир пақир сувни,
 Қурбони бўлгайсиз сўнг зўр чақувни,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

Кунингиз қолган сўнг маълум паёкка,
 Жуссангиз ўхшайди мисли таёққа,
 Бошингиз ургайсиз, айтинг, қаёққа,
 Ковуш топилмайди чаққон оёққа.

ИЧИҚОРА

Ёт дейди у иши олдга чопганни,
 Мот дейди у туяда ит қопганни,
 Дод дейди у кўрса бахтин топганни,
 Ичиқора, ичиқора, ичиқора.

Панд беришда кучли у кучликликка,
 Сурувда даввогар у эчкиликка,
 Зўрмасмиз, берилмаган ичкиликка,
 Э бечора, э бечора, э бечора!

Хат ўқийди ўзи зўрға хижжалаб,
 Салом сўрар кечкурун ҳам эрталаб,
 Ҳеч жойда йўқ бундайин иззатталаб,
 Борми чора, борми чора, борми чора?

Деманг уни тунда ҳам тек ётади,
 Тушида ҳам кимгадир тош атади,
 Мардни кўрса ёзда ҳам совқотади,
 Дунё тор-а, дунё тор-а, дунё тор-а?!

Ёт дейди у иши олдга чопганни,
 Мот дейди у туяда ит қопганни,
 Дод дейди у кўрса бахтин топганни,
 Ичиқора, ичиқора, ичиқора.



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI


 MUASSISLAR:
 O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
 «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

 O'rozboy ABDURAHMONOV
 Abulqosim MAMARASULOVI
 Ahmad OTABOYEV
 Mirkamol ODILOV
 Yo'ldosh SULAYMON
 Ahmad USMONOV
 Farmon XUDOYBERDIYEV
 Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

 Odil YOQUBOV
 Abduqayum YO'LDOSHEV
 Abdusaid KO'CHIMOV
 Sirojiddin SAYYID
 Vafo FAYZULLO
 Yo'ldosh ESHBEK
 G'affor HOTAMOV

 Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-
 dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 1 (193) 2004 y.

 Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
 kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA
SUHBAT

Biz elga suyanamiz 1

NASR

 Normurod NORQOBILOV
 Ajal chorlagan kun. Qissa. 11
 G.G. MARKES
 Muhabbat uchun muqarrar o'lim. Hikoya. 29
 Xosiyat RUSTAMOVA
 She'r—yo e'tirof, yo isyon. Esse. 35
 Luqmon KARAMXON o'g'li
 Kuz ertagi. Hikoya. 42

NAZM

 Xurshid DAVRON
 Vatan borki, ishq bor ko'ksimda 4
 Safar OLLOYOR
 Yuragim — davlatim, muhabbatim — toj 24
 Qo'chqor NORQOBIL
 Qish chizgan suratlar 33
 Nasiba JUMANIYOZOVA
 Bir qadr so'raldi 45

BIRINCHI UCHRASHUV

 Laziza SULTONOVA
 Daraxtga o'xshagim kelar 20
 Oygul ASILBEK qizi
 Sevgi degan gunohim bor 28

BIR ROMAN TAHLILI

 Shoirra DONIYOROVA
 Bugunning manzaralari 26

ADABIY TANQID

 Aliboy QAHRAMONOV
 Mahorat maktabi 9
 Nafisa UMRZOQOVA
 «She'rim! Yana ozing yaxshisan» 34

MUMTOZ MEROS

 Dilorom HAMROYEVA
 «Ming ma'nini...» 37

MEHR VA MURUVVAT O'GITLARI

 Abdulla Ahmad Muhammad ALI
 Bog'iston 38

XOTIRA

 Tog'ay MUROD.
 «Asaldan bahor hidi keldi» 46

YELPUG'ICH

 Abdurazzoq OBRO'Y.
 Hosvoyning kuchi 47

Muqovalarimizda fotojurnalist No'monjon MUHAMMADJONOV suratlaridan foydalanildi.

 Manzilmiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru, 1-uy,
 Telefon: 133-40-83
 Bosishga 24. 02. 2004 yilda ruxsat berildi.
 Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
 Indeks 822 ISSN 0207-9137 Buyurtma № 6 B

 Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
 izohlanishi shart.
 Alisher Navoiy nomli O'zbekiston Milliy kutubxona
 bosmaxonasida chop etildi.
 Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.